

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

32-сон  
(1156)  
2024 йил  
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

273. «Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 августдаги ЎРҚ–937-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

274. «Саноат соҳасида нуфузли халқаро брендлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 августдаги ПҚ–286-сон қарори

### Бешинчи бўлим

275. O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil

- 18-iyuldagi 212-son “O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi tizimiga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 6-bandini o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 5-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3424-1*)
276. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 132-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2-сонли БҲМС) “Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3542*)
277. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 144-сон “Номоддий активларни баландан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3543*)
278. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 июлдаги 18-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3365-1*)
279. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 130-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3544*)
280. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 29 июлдаги 17-мх-сон “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3545*)
281. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 1 августдаги 412-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича Ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия*

*вазирлиги томонидан 2024 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3374-1)*

282. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2024-yil 8-iyuldagi 268-mh-son va Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2024-yil 1-iyuldagi 20-son “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 9-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3061-5*)
283. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 133-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3546*)
284. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 134-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) “Номоддий активлар”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3547*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## **273** Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
9 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 июнда  
маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун:

1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) томонидан 2018 йил 1 майга қадар якка тартибда уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;

2) фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкаси майдонидан 2018 йил 1 майга қадар ортиқча эгаллаган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;

3) ўзбошимчалик билан қурилган якка тартибдаги уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари (бундан буён матнда Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари деб юритилади) томонидан эътироф этиш мумкин деб топилганлиги ҳолларига ёки уни эътироф этиш рад этилганлиги ёхуд аризаларнинг кўриб чиқилиши бир марталик умумдавлат акциясининг муддати ўтганлиги сабабли якунига етмаганлиги ҳолларига;

4) 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқароларга, якка тартибдаги тадбир-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 августда эълон қилинган.

корларга ёки резидент бўлган юридик шахсларга ажратилган, тасдиқлаш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган ер участкасига (бундан шундай ер участкасида икки йил ичида бинолар ва иншоотлар қурилмаган ёки уларнинг қурилиши бошланмаган ёхуд ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилган ҳоллар мустасно);

5) фуқароларнинг боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар жойларига ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;

6) 2020 йил 9 мартга қадар кичик саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг яшаш учун мўлжалланмаган бинолари ва иншоотлари ёки уларнинг қисмлари жойлашган ер участкасига;

7) хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар эгаллаган ер участкасига;

8) фуқароларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва резидент бўлган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулк (эгаллик қилиш) ҳуқуқи эътироф этилган бинолари ва иншоотлари эгаллаган ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш асослари ва тартибини белгилайди.

## **2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бир марталик умумдавлат акцияси** — ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ 2018 йил 20 апрелдан 2019 йил 1 майга қадар ўтказилган бир марталик умумдавлат акцияси;

**ортиқча эгалланган ер участкаси** — ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкаси майдонидан ортиқ бўлган, ер участкасининг чегарасидан ташқарида, унга туташ ҳудудда жойлашган ер майдони;

**ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси** — фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахслар томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларсиз, шу жумладан бундай ҳужжатлар йўқолган ёки тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳолда эгаллаб келинаётган ёки ортиқча эгалланган ер участкаси.

## **3-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш**

Ушбу Қонун 1-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер участкаларига нисбатан ушбу Қонунда назарда тутилган асосларда ва тартибда фақат ижара ҳуқуқи, ушбу ер участкаларида қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи эътироф этилади. Бунда ижара муддати якка тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ер участкалари учун тўқсон тўққиз йил, бошқа ер участкалари учун қирқ тўққиз йил этиб белгиланади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бинолар ва

иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан эътироф этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қароридан норози бўлган шахслар ушбу қарор устидан судга қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят қилиши, прокуратура ва адлия органлари эса қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга ариза (шикоят) бериши мумкин.

**2-боб. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

**4-модда. Якка тартибда уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

Фуқаролар томонидан 2018 йил 1 майга қадар якка тартибда уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади, агар:

мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса;

мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаса;

мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса.

**5-модда. Ортиқча эгалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

Якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга, яшаш учун мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар қуриш учун якка тартибдаги тадбиркорларга ва резидент бўлган юридик шахсларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган майдондан 2018 йил 1 майга қадар ортиқча эгалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади, агар:

ортиқча эгалланган ер участкаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасига туташган бўлса;

фуқароларга ажратилган ва улар томонидан ортиқча эгалланган ер участкасининг умумий майдони ушбу Қонун 12-моддаси учинчи қисмининг талабларига мувофиқ бўлса;

мазкур ер участкаси илгари бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса;

мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаса;

мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса.

**6-модда. Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари ўзбошимчалик билан қурилган якка тартибдаги уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини бир марталик умумдавлат акцияси доирасида эътироф этиш мумкин деб топган ёки эътироф этишни рад этган ёхуд бир марталик умумдавлат акциясининг муддати ўтганлиги муносабати билан аризаларнинг кўриб чиқилиши якунига етмаган ҳолларда, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш ушбу Қонуннинг 4-моддасида белгиланган асосларга кўра амалга оширилади.

**7-модда. Туман (шаҳар) ҳокимларининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилмаган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

Туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари билан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқароларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ва резидент бўлган юридик шахсларга ажратилган, тасдиқлаш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади, агар:

қарор туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ўз ваколатлари доирасида 2021 йил 8 июнга қадар қабул қилинган бўлса;

туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорларини тасдиқлаш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан рад этилган бўлмаса;

ер участкаси ажратилганидан кейин икки йил ичида бино ва иншоот бел-



гиланган мақсадларга мувофиқ қурилган ёки уларнинг қурилиши бошланган бўлса;

мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса;

мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаса;

мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса.

**8-модда. Фуқароларнинг боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудида жойлашган турар жойларига бўлган мулк ҳуқуқини ҳамда улар эгаллаган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

Фуқароларнинг боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудида жойлашган турар жойларига бўлган мулк ҳуқуқини ҳамда улар эгаллаган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади, агар:

фуқаро боғдорчилик ва узумчилик ширкати аъзоси бўлса;

мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса;

мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаса;

мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса.

**9-модда. Кичик саноат зоналари ҳудудларига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг яшаш учун мўлжалланмаган бинолари ва иншоотлари ёки уларнинг қисмлари жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

2020 йил 9 мартга қадар кичик саноат зоналари ҳудудларига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг мазкур кичик саноат зонаси ҳудудида ўз маблағлари ҳисобидан қурилган (бундан мавжуд бинони қайта қуриш, реконструкция қилиш мустасно) яшаш учун мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар ёки уларнинг қисмлари жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади, агар:

инвестиция мажбуриятлари ва бошқа ижтимоий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган бўлса;

мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса;

мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаса;

мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса.



**10-модда. Хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар эгаллаган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

Фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахслар томонидан хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар, шу жумладан якка тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади, агар:

мазкур ер участкасида жойлашган бинолар ва иншоотлар, якка тартибдаги уй-жой хусусийлаштирилганлиги тўғрисида ваколатли давлат органи томонидан берилган ҳужжат мавжуд бўлса;

мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса;

мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаса;

мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса.

**11-модда. Фуқароларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва резидент бўлган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулк (эғалик қилиш) ҳуқуқи эътироф этилган бинолари ва иншоотлари эгаллаган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш асослари**

Фуқароларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва резидент бўлган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулк (эғалик қилиш) ҳуқуқи эътироф этилган бинолари ва иншоотлари, шу жумладан якка тартибдаги уй-жойлари эгаллаган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади, агар:

мазкур ер участкасида жойлашган бинолар ва иншоотларга, шу жумладан якка тартибдаги уй-жойга бўлган мулк (эғалик қилиш) ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлса;

мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса;

мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаса;

мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса.

**12-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишнинг қўшимча шартлари**

Ушбу Қонуннинг 4 — 11-моддаларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бўлган ер участкаси ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотлар, шу

жумладан якка тартибдаги уй-жойларнинг қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ҳудудларни шахарсозлик жиҳатидан ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатларга (мавжуд бўлса) мувофиқ қурилиш тақиқланган ҳудудларда жойлашмаганлиги мазкур ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш учун асос бўлади.

Бинолар ва иншоотлар, шу жумладан якка тартибдаги уй-жойлар қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси суғориладиган ерларда жойлашган тақдирда, ҳуқуқларни эътироф этиш масаласи ер фондининг тоифаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўзгартирилганидан кейин кўриб чиқилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи қуйидаги ўлчамларда эътироф этилади:

1) агар ер участкаси 1998 йил 1 июлга қадар эгалланган бўлса, — барча ҳудудларда 0,24 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда;

2) агар ер участкаси 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса, — Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида 0,06 гектардан, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда.

Ер участкалари бошқа маъмурий-ҳудудий бирлик таркибидан Тошкент, Нукус шаҳарлари ёки вилоят марказлари ҳудуди таркибига ўтказилган ҳолларда, ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи улар аввал жойлашган маъмурий-ҳудудий бирликдаги ижара ҳуқуқини эътироф этиш шартларига мувофиқ, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда эътироф этилади.

Якка тартибдаги уй-жой эгаллаган ер участкасининг амалдаги майдони ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ўлчамлардан ошган ҳолларда, ер участкасининг ортиқча эгалланган қисмига бўлган ижара ҳуқуқи, башарти бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаса, деҳқон хўжалигини ёки томорқа хўжалигини юриш учун эътироф этилади.

**3-боб. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларни аниқлаш ишларини ташкил этиш ҳамда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тартиби**

**13-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларни аниқлаш ишларини ташкил этиш**

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларни босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ҳар йилги режа-жадвал (бундан буён матнда режа-жадвал деб юритилади) асосида амалга оширилади.

Режа-жадвал Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги

(бундан буён матнда Кадастр агентлиги деб юритилади) томонидан тасдиқланади ва жамоатчиликка эълон қилинади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарори билан режа-жадвалга асосан, ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган ваколатли ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилади.

#### **14-модда. Автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда унда маълумотлар ва ҳужжатларни йиғиш**

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотларни ва ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими (бундан буён матнда автоматлаштирилган ахборот тизими деб юритилади) орқали амалга оширилади.

Кадастр агентлиги автоматлаштирилган ахборот тизимининг операторидир.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотлар ҳамда ҳужжатлар автоматлаштирилган ахборот тизимига Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳамда ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган ваколатли ташкилотлар томонидан киритилади (бириктирилади).

Ушбу маълумотлар ва ҳужжатлар ваколатли ташкилот раҳбарининг ёки унинг ўринбосарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Маълумотлар ва ҳужжатлар автоматлаштирилган ахборот тизимига ушбу Қонуннинг 15-16-моддаларида назарда тутилган тартибда, икки босқичда киритилади (бириктирилади).

Маълумотларнинг ва ҳужжатларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилиши (бириктирилиши) устидан назорат прокуратура ва адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ваколатли ташкилотлар тегишли маълумотларни ва ҳужжатларни ўз ахборот тизимларини автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилган ҳолда тақдим этиши мумкин.

#### **15-модда. Автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларни ва ҳужжатларни киритишнинг (бириктиришнинг) биринчи босқичи**

Маълумотларни ва ҳужжатларни автоматлаштирилган ахборот тизимига киритишнинг (бириктиришнинг) биринчи босқичида Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмалари томонидан автоматлаштирилган ахборот тизимида тегишинча ижара ва мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласи кўриб чиқиладиган ер участкасининг, бинонинг ва иншоотнинг электрон йиғмажилди (бундан буён матнда электрон йиғмажилд деб юритилади) яратилади.

Электрон йиғмажилдга қуйидаги маълумотлар киритилади (бириктирилади):

1) ер участкасининг кадастр рақами;  
2) ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар тўғрисидаги маълумотлар:

фуқаронинг ва якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, доимий яшаш жойи ва телефон рақами;

резидент бўлган юридик шахснинг тўлиқ номи, рўйхатдан ўтган санаси, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва ушбу юридик шахс раҳбарининг телефони рақами;

3) ер участкаси жойлашган манзил, ер фондининг тоифаси ва майдо-ни, шунингдек 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизимидаги (WGS-84) шартли чегаралар;

4) ер участкасининг жойлашув схемаси;

5) ер участкасидан амалда фойдаланилиш мақсади;

6) ер участкасининг ушбу Қонун 1-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлардан бирига мансублиги.

Электрон йиғмажилд ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган ваколатли ташкилотларга ушбу Қонуннинг 4 — 12-моддаларида назарда тутилган асослар мавжудлигини кўриб чиқиш, шунингдек маълумотларни ва ҳужжатларни киритиш (бириктириш) учун автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик равишда тегишинча юборилади.

### **16-модда. Автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларни ва ҳужжатларни киритишнинг (бириктиришнинг) иккинчи босқичи**

Автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларни ва ҳужжатларни киритишнинг (бириктиришнинг) иккинчи босқичида икки ой муддатда ушбу модданин иккинчи қисмида кўрсатилган ваколатли ташкилотлар:

юборилган электрон йиғмажилдни кўриб чиқади;

маълумотлар ва ҳужжатларни автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади (бириктиради).

Автоматлаштирилган ахборот тизимига:

1) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан — ер участкасининг электрон онлайн-аукционга қўйилганлик ёки қўйилмаганлик ҳолати тўғрисидаги, шунингдек бинолар ва иншоотлар, шу жумладан якка тартибдаги уй-жойлар хусусийлаштирилганлиги ёки хусусийлаштирилмаганлиги тўғрисидаги;

2) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан:

фуқаро боғдорчилик ва узумчилик ширкати йиғилишининг баённомасига мувофиқ ширкат аъзоси эканлиги, шунингдек унинг бинолар ва иншоотларга, шу жумладан якка тартибдаги уй-жойга бўлган ҳуқуқи эътироф этилганлиги ёки эътироф этилмаганлиги ҳақидаги;

ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилганлиги ёки ажратилмаганлиги тўғрисидаги;

ушбу Қонуннинг 13 ва 27-моддаларига асосан ташкил этилган ишчи гу-

руҳлар ва жамоатчилик гуруҳларининг далолатномаларига кўра мазкур Қонуннинг 12-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ер участкаси эгаллаб олинган йил тўғрисидаги;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар, саноат ва савдо бошқармалари томонидан — кичик саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектлари қабул қилинган инвестиция мажбуриятларини ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарганлиги ёки бажармаганлиги ҳақидаги;

4) туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан — ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларнинг сони, улардан амалда фойдаланилиш мақсадлари тўғрисидаги;

5) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг, Транспорт вазирлигининг, Сув хўжалиги вазирлигининг, Рақамли технологиялар вазирлигининг, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари (бўлинмалари), тегишли муҳандислик-коммуникация тармоқларидан (электр, алоқа, газ, ичимлик суви, канализация) фойдаланувчи ташкилотлар томонидан — ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларнинг қурилиши қайси ҳудудда қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатларга (мавжуд бўлса) мувофиқ тақиқланган бўлса, тегишинча уларнинг ўша ҳудудларда жойлашганлиги ёки жойлашмаганлиги ҳақидаги;

6) туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари томонидан — ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларнинг ҳамда улар жойлашган ер участкасининг санитария-химоя зоналарида, чиқиндилар ва бошқа захарли моддаларни кўмиш жойлари яқинида жойлашганлиги ёки жойлашмаганлиги тўғрисидаги;

7) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси томонидан — ер участкаси учун ер солиғи бўйича ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги;

8) Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан — ер участкаси эгаллаб олинган (эгалланган) ҳамда бинолар ва иншоотлар қурилган даврнинг ушбу Қонуннинг 4 — 7-моддаларида ва 9-моддасида назарда тутилган муддатларга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги;

9) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан — ер участкаси туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари билан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилганлиги ҳамда ушбу қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаганлиги ҳақидаги;

10) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан — қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдори (бундан яқка тартибдаги уй-жойлар қурилган ер участкалари мустасно) тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар киритилади (бириктирилади).

Жойига чиқиб ўрганиш ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ташкилотлар томонидан режа-жадвалга мувофиқ бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ҳамда ўз вақтида киритилиши (бириктирилиши) учун уларни тақдим этган ташкилотлар жавобгар бўлади.

Ер участкаси учун ер солиғи бўйича, шунингдек унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда солиқ органлари мазкур қарздорликни бартараф этиш ҳақидаги хабарномани икки ой муддатда қарздорнинг манзилига ёзма шаклда ҳамда унинг телефон рақамига хабар тарзида юборади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат солиқ қарздорлигини бартараф этиш учун берилган муддатга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси учун тўхтатиб турилади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилган тегишли маълумотлар қарздорлик бартараф этилганидан кейин янгиланади.

### **17-модда. Маълумотларни жамоатчиликка эълон қилиш**

Автоматлаштирилган ахборот тизимида тўлиқ шаклантирилган электрон йиғмажилд маълумотлари тегишли фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари биноларининг эълонлар учун бурчакларида, Кадастр агентлигининг расмий веб-сайтида ҳамда бошқа ахборот манбаларида жамоатчиликка эълон қилинади.

Манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотлар ва ҳужжатлар бўйича эътирозлари мавжуд бўлган тақдирда, электрон йиғмажилддаги маълумотлар жамоатчиликка эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида улар бўйича ваколатли ташкилотларга шикоят қилиши мумкин.

Шикоятлар «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ кўриб чиқилади.

### **18-модда. Маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиш**

Электрон йиғмажилдга оид маълумотлар жамоатчиликка эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида шикоят келиб тушмаган тақдирда электрон йиғмажилд ушбу Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ барча ваколатли ташкилотлар томонидан тўлиқ киритилган (бириктирилган) маълумотлар ва ҳужжатлар билан бирга автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик тарзда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва



Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига кўриб чиқиш учун уч иш куни ичида юборилади.

Агар мазкур муддат ичида шикоят келиб тушган бўлса, мазкур шикоят ваколатли органлар томонидан автоматлаштирилган ахборот тизимига уч иш куни ичида киритилади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумот, шунингдек автоматлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлар ва ҳужжатларга ўзгартириш киритилган тақдирда, мазкур ўзгартириш ваколатли ташкилотлар томонидан автоматлаштирилган ахборот тизимига уч иш куни ичида киритилади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумот ва (ёки) автоматлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлар ва ҳужжатларга киритилган тегишли ўзгартиришлар автоматлаштирилган ахборот тизимига ваколатли ташкилотлар томонидан киритилганидан кейин бир иш куни ичида, бироқ электрон йиғмажилддаги маълумотлар жамоатчиликка эълон қилинган кундан эътиборан камида бир ой ичида электрон йиғмажилд Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига кўриб чиқиш учун юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан электрон йиғмажилд, маълумотлар ва ҳужжатлар ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги жиҳатидан икки ой ичида ўрганилади, шунингдек ушбу Қонуннинг 4 — 12-моддаларида белгиланган асосларга мувофиқ ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш асослилиги тўғрисида хулоса тайёрланади ва автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади (бириктирилади).

Электрон йиғмажилднинг, маълумотлар ва ҳужжатларнинг ушбу Қонуннинг 4 — 12-моддаларида белгиланган асосларга мувофиқ эмаслиги ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш асосли эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг хулосаси устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

### **19-модда. Ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хабардор қилиш**

Ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш ушбу Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда, Кадастр агентлиги томонидан тегишли шахсларнинг телефон рақамига ушбу Қонуннинг 23-моддасида белгиланган бир марталик тўловни йигирма иш куни ичида тўлаш тўғрисидаги хабарнома автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик равишда юборилади.



Тегишли шахслар томонидан бир марталик тўлов белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, уларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш тўғрисидаги ишлар тўхтатиб турилади.

Тегишли шахслар томонидан бир марталик тўлов тўланган тақдирда, электрон йиғмажилд, маълумотлар ва ҳужжатлар ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ тайёрланган ижобий хулосалар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига навбатдаги сессияда (мажлисда) кўриб чиқиш учун автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик равишда юборилади.

**20-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилиш**

Ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига юборилган маълумотлар ва ҳужжатлар уч ой ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида (мажлисларида) муҳокама қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг «Е-қағоғ» ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

1) ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи эътироф этилаётган шахслар ҳақидаги маълумотлар (фуқаролар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили, юридик шахс бўлган резидентларнинг тўлиқ номи, рўйхатдан ўтган санаси ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақами);

2) ижара ҳуқуқи эътироф этилаётган ер участкаси жойлашган манзил, майдон, ундан амалда фойдаланилиш мақсади, у эгаллаб олинган йил;

3) мулк ҳуқуқи эътироф этилаётган бинолар ва иншоотлардан амалда фойдаланилиш мақсади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бино ва ин-

шоотга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари расмий эълон қилинганидан кейин кучга киради.

### **21-модда. Ҳуқуқ эгаси**

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи инвентаризация жараёнида аниқланган ва автоматлаштирилган ахборот тизимида мазкур ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахс сифатида кўрсатилган фуқаро ва яқка тартибдаги тадбиркор, шунингдек резидент бўлган юридик шахс номига эътироф этилади.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахс вафот этган тақдирда, бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ҳамда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ушбу вафот этган шахс номига эътироф этилади. Бунда мазкур объектга нисбатан меросни расмийлаштириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ворислик тартибида ҳал этилади.

### **22-модда. Ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасининг ер фонди тоифасини ўзгартириш**

Ушбу Қонунга мувофиқ ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи эътироф этилиши лозим бўлган ер участкаси аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари ёки саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига кирмаган тақдирда ҳам ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг эътироф этилишига йўл қўйилади, бундан сўғориладиган ерлар мустасно.

Бунда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг эътироф этилиши мазкур ер участкасини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари ёки саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш учун асос бўлади.

Фуқароларга тегишли бўлган, яқка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи эътироф этилганда ер участкаси аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари тоифасига ўтказилиши муносабати билан фуқаролардан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар ундирилмайди.

Фуқароларга тегишли бўлган, яқка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкалардан бошқа ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи эътироф этилганда ер участкаси аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари ёки саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирилади.

**4-боб. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўлов**

**23-модда. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўлов миқдорлари**

Ушбу Қонун 1-моддаси иккинчи қисмининг 1, 3, 5, 7, 8-бандларида белгиланган асосларга мувофиқ ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги миқдорларда бир марталик тўлов ундирилади:

1) Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

2) Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;

3) вилоятлар бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида;

4) бошқа аҳоли пунктларида — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида.

Бир марталик тўловни тўлашдан қуйидагилар озод этилади:

1) бир марталик умумдавлат акцияси доирасида бир марталик йиғимни тўлиқ тўлаган шахслар;

2) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида киритилган шахслардан бир марталик тўлов ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тўловнинг эллик фоизи миқдорида ундирилади.

Агар бир марталик умумдавлат акцияси доирасида Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин деб топиш белгиланган хулосасига асосан далолатнома шакллантирилган, бироқ бир марталик йиғим ундирилмаган ёки тўлиқ ҳажмда ундирилмаган бўлса, у ҳолда бир марталик тўлов ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ундирилади, бунда бир марталик умумдавлат акцияси доирасида ундирилган бир марталик йиғим суммаси инобатга олинади.

Бир марталик умумдавлат акцияси доирасида тўланган бир марталик йиғим ва ушбу Қонун доирасида ундириладиган бир марталик тўлов ўртасидаги фарқ қайтарилмайди.

Ушбу Қонун 1-моддаси иккинчи қисмининг 2, 4, 6-бандларида, 12-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган асосларга кўра ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўлов ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг ўртача бозор қиймати миқдорида ундирилади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг ўртача бозор қиймати ер участкаларидан фойдаланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 0,01 гектар майдон учун фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари бўйича ҳар йили январь ва июль ойларида белгиланади, унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда автоматлаштирилган ахборот ти-

зимига тақдим этилади. Бунда тегишли ҳудудда охириги ўн икки ойда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини сотиш бўйича электрон онлайн-аукционлардаги ўртача нархлар, электрон онлайн-аукцион ўтказилмаган ҳудудлар учун эса тегишли туман (шаҳар) ёки юқори турувчи маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ўртача нархлар ижара муддатига кўра тузатиш киритилган ҳолда асос сифатида қабул қилинади.

**24-модда. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўлов суммасини тақсимлаш**

Ушбу Қонун 23-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ундириладиган бир марталик тўлов суммаси қуйидагича тақсимланади:

15 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг махсус ғазна ҳисобварағига;

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг махсус ғазна ҳисобварағига;

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг бюджетдан ташқари Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — «Электрон ҳуқумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига;

қолган қисми — кўчмас мулк жойлашган ҳудудда ташаббусли бюджетлаштириш доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун тегишли туман ва шаҳар бюджетлари орқали фуқаролар ташаббуслари жамғармаларига.

Ушбу Қонун 23-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ ундириладиган бир марталик тўлов суммаси қуйидагича тақсимланади:

5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг махсус ғазна ҳисобварағига;

5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг махсус ғазна ҳисобварағига;

5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг бюджетдан ташқари Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасига;

қолган қисми — кўчмас мулк жойлашган ҳудудда ташаббусли бюджетлаштириш доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун тегишли туман ва шаҳар бюджетлари орқали фуқаролар ташаббуслари жамғармаларига.

**5-боб. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги давлат ва жамоатчилик назорати**

**25-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги давлат назорати**

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғида давлат назорати, шу жумладан ушбу Қонунда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолларини барвақт аниқлашга ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар прокуратура ва ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг, Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланилади.

**26-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги жамоатчилик назорати**

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги жамоатчилик назорати фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотажорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин.

**27-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга кўмаклашиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари**

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари билан ҳудудий фуқаролар ўзини ўзи бошқариш бирликлари бўйича ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга кўмаклашиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари (бундан буён матнда жамоатчилик гуруҳлари деб юритилади) ташкил этилади.

Жамоатчилик гуруҳи таркибига тегишли сайлов округидан сайланган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ҳамда ҳар юзта оиладан камида бир нафардан фуқаро киритилади.

Жамоатчилик гуруҳлари:

ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган

ҳуқуқларни эътироф этиш чоғида аниқланган қонун бузилишлари ҳоллари юзасидан ваколатли давлат органлари хабардор қилинишини таъминлайди;

ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш асослари ва тартиби юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

автоматлаштирилган ахборот тизимида шакллантирилган маълумотларни кузатиб боради, зарур бўлган тақдирда, ушбу маълумотлар билан танишишда фуқароларга кўмаклашади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари лойиҳаларининг муҳока-масида иштирок этади.

**28-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкала-рини қайтариш ҳамда уларда бинолар ва иншоотлар қуриш билан боғлиқ қонун бузилишларини бартараф этиш**

Ушбу Қонунга мувофиқ ҳуқуқлар эътироф этилмаган, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини қайтариш ҳамда уларда бинолар ва иншоотлар қуриш билан боғлиқ қонун бузилишларини бартараф этиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**6-боб. Яқунловчи қоидалар**

**29-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва ин-шоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўт-казиш**

Ушбу Қонунга мувофиқ ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда йиғим ун-дирилади.

**30-модда. Ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасини хусу-сийлаштириш**

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ушбу Қонунга мувофиқ эътироф этилиб, унга бўлган ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин мазкур ер участкаси кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва асосларда хусусийлаштирилиши мумкин.

**31-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурил-

ган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Бошқа қонунларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни эътироф этмаслик, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик қўллаш, бинолар ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриш билан боғлиқ қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги қоидалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни ушбу Қонунда белгиланган муддатда ва тартибда эътироф этиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**32-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**34-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши ва амал қилиш муддати**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ушбу Қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 август,  
ЎРҚ–937-сон



## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **274** Саноат соҳасида нуфузли халқаро брендлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикасига саноат соҳасидаги нуфузли халқаро брендларни жалб қилиш бўйича янгича ёндашувларни жорий қилиш, халқаро брендлар остида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош миллий брендларни яратишни янада рағбатлантириш ҳамда бу борада тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Савдо-саноат палатаси ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг тадбиркорлик субъектларининг «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» («Made in Uzbekistan») ёрлиғи остида халқаро брендларнинг глобал қўшилган қиймат занжирига киришини рағбатлантириш ҳамда миллий саноат брендларини қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йилдан бошлаб ҳар йили 1 апрелга қадар Савдо-саноат палатаси махсус электрон платформада:

а) нуфузли халқаро брендлар рўйхатини халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг сўнги рейтингда биринчи 500 ўринни эгаллаган саноат йўналишидаги бренд эгалари ичидан саралаб олган ҳолда шакллантиради ва эълон қилади;

б) миллий брендлар рўйхатини икки босқичда шакллантиради ва эълон қилади:

биринчи босқичда — Адлия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси билан биргаликда 1-иловага мувофиқ саноат йўналишлари бўйича юқори ва ўрта барқарорлик рейтингига эга тадбиркорлик субъектларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгилари рўйхатини шакллантиради;

иккинчи босқичда — рўйхатга киритилган товар белгилари бўйича миллий консалтинг компанияларининг тадқиқотлари, мазкур товар белгилари оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда ёритилиши ҳолати ва улар тўғрисида сўровлар сони, аҳоли ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар таҳлили натижалари асосида миллий брендлар рўйхатини шакллантиради ва эълон қилади.

Савдо-саноат палатаси Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрга қадар ушбу бандда бел-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 августда эълон қилинган.

гиланган тартиб асосида 2024 йил учун нуфузли халқаро ва миллий брендлар рўйхатлари шакллантирилиши ва эълон қилинишини таъминласин.

3. 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари жорий қилинсин:

а) нуфузли халқаро брендлар рўйхатига киритилган бренд эгалари билан sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида тўғридан-тўғри шартнома тузган юқори ва ўрта барқарорлик рейтингдаги тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда — бренд ҳамкорлари) учун:

халқаро стандартларни жорий қилиш, экологик ва мувофиқлик бўйича сертификатлаш, шунингдек, мазкур қарорга 2-иловада келтирилган рўйхатдаги мутахассисларнинг бренд эгалари ҳисобланган корхоналарда, жумладан, уларнинг ишлаб чиқариш майдонларида малакасини ошириш харажатларини қоплаш;

нуфузли халқаро брендлар остида камида 1 миллион АҚШ доллари миқдоридида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилганда — грантлар ажратиш;

б) миллий брендлар рўйхатига киритилган бренд эгаларига (кейинги ўринларда — миллий бренд эгалари) қуйидаги харажатларнинг 50 фоизигача қисмини қоплаб бериш:

стандартлаштириш ва сертификатлашнинг халқаро тизимларини жорий этиш, шунингдек, хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш;

халқаро савдо майдончаларига (маркетплейсларга) чиқиш, хорижий давлатлардаги «Made in Uzbekistan» шоурумларида маҳсулотларини жойлаштириш, хорижий савдо уйлари ташкил қилишда биноларни ижарага олиш;

халқаро кўрғазмаларда қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш, жойни ижарага олиш, кўрғазма стендларини ташкил этиш ва маҳсулотлар рекламасини интернет тармоғида жойлаштириш;

ишлаб чиқариш бизнес жараёнларини автоматлаштириш бўйича (CRM, ERP, CERM) ахборот тизимларини жорий қилиш;

мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ камида бир йилга жалб қилинган маблағ хорижий мутахассисларнинг иш ҳақини тўлаш;

в) Савдо-саноат палатаси ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тармоқ уюшмалари билан биргаликда ишлаб чиқиладиган дастур асосида sanoat соҳалари учун талаб юқори бўлган, мазкур қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган йўналишлар бўйича маҳаллий мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш.

Мазкур бандда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш учун Савдога кўмаклашиш жамғармасидан 25 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ йўналтирилсин.

4. Савдо-саноат палатаси:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Туркия Иқтисодиёт ва технологиялар университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида «Мода», «Дизайн», «Технология», «Стандартлаштириш», «Инновациялар», «Маркетинг» ва «Ме-

нежмент» таълим йўналишларида маҳаллий мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйсин;

б) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 сентябрга қадар нуфузли халқаро брендлар рўйхатидаги бренд эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар ўтказиб:

ишлаб чиқаришни уларнинг талабларига мослаштириш бўйича тавсиялар тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин;

нуфузли брендлар остида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича «йўл хариталари»ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) ҳар йили 1 январга қадар тасдиқланадиган режа-графиклар бўйича намунавий қўлланмалар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини нуфузли халқаро бренд талабларига мослаштириш, миллий бренд яратиш (бренддинг), бренд менежмент ва маркетинг йўналишларида тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг мутахассислари учун ўқув семинарларини ташкил қилиб борсин;

г) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан саноат соҳалари учун талаб юқори бўлган, мазкур қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган йўналишлар бўйича маҳаллий мутахассисларни нуфузли халқаро брендларнинг ишлаб чиқариш майдонларида ўқитишни ташкил қилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда миллий бренд эгаларини ҳамда нуфузли халқаро брендлар ҳамкорларини Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш тартибини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–37-сон Фармони билан 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

нуфузли халқаро брендлар билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналар уч йил давомида нуфузли халқаро брендлар остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун зарур бўлган барча хомашёлар маҳаллийлаштириш даражасини камида 60 фоизга етказиш шarti билан божхона божидан озод этилганлиги;

нуфузли халқаро брендлардан жалб қилинган технолог, дизайнер, маркетинг каби мутахассислардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилганлиги учун тўловлар ундирилиши бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Белгилансинки:

а) мазкур қарорнинг 6-бандида белгиланган божхона божи имтиёзлари «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК ҳулосаси асосида тақдим этилади.

Бунда 2027 йил 1 январь ҳолатига нуфузли халқаро брендлар остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоиз-

дан кам бўлганда имтиёз қўлланиши натижасида тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қолган суммалар қайтариб олинади;

б) 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 январга қадар маҳсулотининг камида 30 фоизини нуфузли халқаро бренд остида ишлаб чиқарадиган бренд ҳамкорлари учун ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ҳисобот даврида 50 фоизга камайтирилади;

в) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб бренд ҳамкорлари ва миллий бренд эгалари томонидан мазкур қарорга 2-иловадаги рўйхат бўйича мутахассис сифатида жалб қилинган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома-нинг амал қилиш муддати 3 йилгача этиб белгиланади.

8. Савдо-саноат палатаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи электрон платформани ишга туширсин:

нуфузли халқаро брендлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг талаблари, ушбу талабларга маҳаллий тадбиркорлик субъектларини мослаштириш бўйича тавсиялар, шунингдек, брендларни жалб қилиш учун назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини акс эттириш;

миллий брендлар рўйхатини шакллантириш ва унга киритилган бренд эгалари учун назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини акс эттириш.

9. Халқаро брендларни жалб қилиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Савдо-саноат палатаси қуйидагилар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

уч ой муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йилдан бошлаб Савдога қўмаклашиш жамғармасига мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни Давлат бюджети ҳисобидан ажратиш тўғрисида;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Ваҳобов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 7 август,  
ПҚ–286-сон

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 7 августдаги  
ПҚ–286-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Миллий брендлар рўйхатига киритиладиган  
саноат йўналишлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Саноат йўналишлари</b>	<b>Саноат маҳсулотлари</b>
1.	Тўқимачилик саноати	Тўқимачилик, трикотаж ва бошқа тайёр кийимлар, гиламлар
2.	Чарм-пойабзал саноати	Пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари
3.	Ипакчилик саноати	Ипакдан тайёр матолар, кийимлар, гиламлар ва бошқа буюмлар
4.	Озиқ-овқат саноати	Қурилган, қадоқланган ва консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртсиз ичимликлар (энергетик ичимликлардан ташқари), қадоқланган гўшт ва колбаса маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари
5.	Қурилиш материаллари саноати	Бўёқлар, кафель, сантехника маҳсулотлари
6.	Электротехника саноати	Электротехника маҳсулотлари
7.	Фармацевтика саноати	Дори-дармонлар, тиббий буюмлар, тиббий техника, биологик фаол қўшимчалар
8.	Заргарлик саноати	Тайёр заргарлик буюмлари
9.	Мебелчилик саноати	Тайёр мебеллар
10.	Кимё, парфюмерия ва косметика саноати	Кимё воситалари, шу жумладан косметика, парфюмерия, шампунь, совун
11.	Автомобиль саноати	Автотранспорт воситалари ва бутловчи қисмлар
12.	Металлургия саноати	Металл маҳсулотлар ва буюмлар

*\* Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига Савдо-саноат палатасининг таклифларига асосан ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилди.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 7 августдаги  
ПҚ–286-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Саноат йўналишлари бўйича жалб қилинадиган  
хорижий мутахассисларнинг  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Саноат йўналишлари	Талаб юқори бўлган мутахассислар
1.	Тўқимачилик саноати	Модельер-дизайнер, муҳандис (технолог), маркетолог
2.	Чарм-пойабзал саноати	Модельер-дизайнер, муҳандис (технолог), маркетолог
3.	Ипакчилик саноати	Пиллачилик мутахассиси, гренаж мутахассиси, технолог
4.	Озиқ-овқат саноати	Муҳандис (технолог), маркетолог
5.	Қурилиш материаллари саноати	Геодезист, технолог
6.	Электротехника саноати	Модельер-дизайнер, муҳандис (технолог), маркетолог
7.	Фармацевтика саноати	Кимё-технологи, маркетолог, биофармаколог
8.	Заргарлик саноати	Модельер-дизайнер, муҳандис (технолог), маркетолог
9.	Мебелчилик саноати	Модельер-дизайнер, муҳандис (технолог), маркетолог
10.	Кимё, парфюмерия ва косметика саноати	Кимё-технологи, маркетолог
11.	Автомобиль саноати	Муҳандис (технолог), маркетолог
12.	Металлургия саноати	Муҳандис (технолог), маркетолог

\* Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига Савдо-саноат палатасининг таклифларига асосан ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилади.

\* 3 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING  
BUYRUG‘I**

**275** O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi tizimiga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 6-bandini o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
5-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3424-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 7-noyabrdagi PF–188-son “Yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirining 2023-yil 2-martdagi 51-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3424, 2023-yil 11-mart) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 13.03.2023-y., 10/23/3424/0141-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi tizimiga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 6-bandi o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. KULDAShEV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 18-iyul,  
212-son

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 6-avgustda e‘lon qilingan.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**276** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2-сонли БҲМС) «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3542*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2-сонли БҲМС) «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 20 августда 41-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2-сон БҲМС) «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар» (рўйхат рақами 483, 1998 йил 26 август) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
132-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 132-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий  
стандарти (2-сонли БҲМС) «Асосий хўжалик фаолиятидан  
даромадлар»**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМСнинг мақсади бюджет, банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) ташкилотнинг асосий хўжалик фаолиятидан даромадларини ва уларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш ҳисобланади.

3. Мазкур БҲМСда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар** — ташкилотнинг одатдаги фаолияти даври давомида вужудга келадиган хусусий капитални кўпайишига олиб келадиган активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишидаги тушум, бундан мулк эгаларининг хусусий капиталга бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишлар мустасно;

**жорий нархлардаги қиймат** — актив реализация қилиниши ёки мажбурият тўланиши мумкин бўлган сумма.

4. Хўжалик фаолиятидан даромадлар асосий ва молиявий фаолиятдан даромадларни ўз ичига олади.

5. Асосий хўжалик фаолиятидан даромадларни ҳисобга олишда даромадни тан олиш вақтини аниқлаш асосий масала ҳисобланади. Асосий хўжалик фаолиятидан даромад ташкилотга келгусида иқтисодий наф тушиши эҳтимоли бўлган пайтда, шунингдек бу нафни ишончли ва аниқ ўлчаш мумкин бўлганда акс этирилади. Мазкур БҲМС ушбу талаблар бажариладиган ва асосий хўжалик фаолиятидан тушадиган даромад эътироф этиладиган вазиятни белгилаб беради.

6. Мазкур БҲМС асосий хўжалик фаолиятининг қуйидаги соҳаларидан олинган даромадларни ҳисобга олишда қўлланилади:

товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш);

фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар келтирувчи активларни фойдаланиш учун бошқа ташкилотга бериш.

7. Товарларга ташкилотлар сотиш мақсадида ишлаб чиқарган ва қайта сотиш учун харид қилинган товарлар ёки қайта сотиш мақсадида сақланаётган бошқа активлар киради.

8. Хизматлар кўрсатиш одатда ташкилотнинг шартномада белгилаб қўйилган шартларни келишилган давр давомида бажаришни ўз ичига олади. Хизматлар бир ёки бир неча давр давомида бажарилиши мумкин.

9. Ташкилотнинг активларидан бошқа ташкилотлар томонидан фойдаланиш қўйидаги кўринишдаги даромадларга олиб келади:

пул маблағлари ёки пул эквивалентлари ёхуд ташкилотга қарашли бўлган суммалардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ сифатида намоён бўладиган фоизлар;

ташкилотнинг узоқ муддатли активларидан (масалан, патентлар, савдо маркалари, муаллифлик ҳуқуқлари ва компьютер дастурлари) фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ сифатида намоён бўладиган роялтилар;

иштирокчилар (таъсисчилар) ўртасида уларнинг хусусий капиталдаги улушига мутаносиб равишда фойдани тақсимлашдан бошқа даромадлар.

10. Мазкур БХМС талаблари қўйидагилар натижасида юзага келадиган даромадларга нисбатан қўлланилмайди:

лизинг битимлари;

инвестициядан келадиган ҳисобланган дивидендлар ва даромадлар;

суғурта компаниялари билан суғурта битимлари;

молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар жорий қийматидаги ўзгаришлар ёки улар сотилган ҳолатлар;

бошқа айланма маблағлар қийматидаги ўзгаришлар;

қорамоллар, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг табиий ўсиши;

минерал рудаларни қазиб олиш.

11. Ташкилотнинг асосий хўжалик фаолиятидан даромади фақат ялпи тушумлардан олинган ёки олиниши керак бўлган маблағлардан иборат бўлади. Учинчи шахслар номидан ундириладиган, ташкилотга тушадиган ва хусусий капитал кўпайишига олиб келмайдиган билвосита солиқлар сингари суммалар асосий хўжалик фаолияти даромадига киритилмайди. Воситачилик фаолиятидаги ялпи тушумлар асосий хўжалик фаолиятидан даромад ҳисобланмайди. Бунда, воситачилик мукофотлари асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар ҳисобланади.

## **2-боб. Асосий хўжалик фаолиятидан даромадни ҳисобга олиш**

12. Асосий хўжалик фаолиятидан даромад жорий нархларда олинган ёки олиниши керак бўлган тушум (тўлов) қиймати бўйича ҳисобга олинади.

13. Аксарият ҳолларда тушум пул маблағи ёки унинг эквивалентлари шаклида бўлади. Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар суммаси — олинган ёки олиниши керак бўлган пул маблағи ёки пул эквивалентларидан иборатдир. Пул маблағлари ёки пул эквивалентлари тушуми кечиктирилган бўлса, жорий нархдаги наф қиймати олиниши керак бўлган пул маблағининг номинал миқдоридан кам бўлиши мумкин (масалан, ташкилот харидорга фоизсиз қарз бериши мумкин). Битимлар натижасида молиявий операция-

ларнинг жорий нархдаги қиймати келгусидаги барча тушумларни дисконтлаш йўли билан аниқланади.

Жорий нархлардаги қиймат билан тўловнинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ фоизлар бўйича даромад сифатида тан олинади.

14. Агар товар қиймати тенг ёки ўхшаш бўлган товарга алмаштирилса, бундай алмаштириш даромад келтирмайдиган битим ҳисобланади. Бошқа товарлар ёки хизматларга алмаштириш тарзида товарлар сотилса ёки хизмат кўрсатилса (бартер), даромад келтирадиган битим сифатида қаралади. Мазкур ҳолатда асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар жорий нархларда олинган товарлар ёки хизматлар қийматининг ўтказилган (олинган) пул маблағи ёхуд пул эквивалентлари суммасига тузатилган қийматида тан олинади. Агар олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар қийматини жорий нархларда баҳолаш имкони бўлмаса, асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар юклаб жўнатилган товарлар ёки хизматлар қийматининг ўтказилган (олинган) пул маблағи ёки пул эквивалентлари суммасига тузатилган қиймати бўйича баҳоланади.

15. Мазкур БҲМСга мувофиқ ҳар бир алоҳида битимга нисбатан даромадни тан олиш мезонлари кўриб чиқилади. Муайян ҳолатларда бир битимнинг алоҳида элементларига нисбатан даромадни тан олиш мезонлари кўриб чиқилиши зарур. Масалан, маҳсулотни сотиш нархи сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш учун муайян қийматни ўз ичига оладиган бўлса, ушбу қиймат кечиктирилади ва хизмат кўрсатилган давр давомида асосий хўжалик фаолиятдан даромад сифатида тан олинади.

### **3-боб. Товарларни сотиш**

16. Товарларни сотишдан даромад қўйидаги шартлар бажарилганда тан олинади:

товарларга эгалик қилишнинг хатар ва афзалликларининг катта қисми харидорга ўтганида;

ташкilot сотилган товарларга нисбатан эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган бошқарув давомийлигини ва назорат қилиш самарадорлигини йўқотганида;

даромад суммасини юқори даражадаги ишончлилик билан баҳолаш мумкин бўлганда;

ташкilot битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиши эҳтимоли мавжуд бўлганда;

битим билан боғлиқ қабул қилинган ёки кутилаётган харажатларни юқори даражадаги ишончлилик билан баҳолаш мумкин бўлганда.

17. Асосий хўжалик фаолиятдан даромад фақат операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкilot томонидан олинadиган тақдирдагина тан олинади. Даромадга киритилган суммани ундириш хусусида ноаниқлик вужудга келган тақдирда, қайтарилмаган сумма ёки олиш мумкин бўлмаган сумма дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

**4-боб. Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш)**

18. Хизмат кўрсатишни (ишларни бажариш) ўз ичига оладиган битимнинг якуний натижасини аниқ белгилаш мумкин бўлса, битим билан боғлиқ даромад йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади. Битимнинг якуний натижасини аниқ белгилаш учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

битим билан боғлиқ даромадларнинг ташкилотга тушиши эҳтимоли мавжудлиги;

битимнинг тугалланиш босқичи бухгалтерия баланси ҳисобот санасигача юқори даражадаги ишончлилик билан баҳоланиши;

битимни бажаришда амалга оширилган харажатлар ва уни тугаллаш бўйича харажатлар юқори даражадаги ишончлилик билан баҳоланиши.

19. Битимнинг тугалланиш босқичига қараб даромадларни тан олиш кўпинча битим неча фоиз бажарилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бу усул бўйича даромадлар хизматлар кўрсатилган ҳисобот даврида тан олинади. Бунда, даромадларнинг тан олиниши бажарилган ишлар ҳажми ва ҳисобот даври давомида фаолият натижалари хусусида фойдали ахборот олишни таъминлайди.

20. Хизмат кўрсатишдан (ишларни бажариш) даромад фақат шу операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкилотга келиб тушиш эҳтимоли мавжуд бўлганда тан олинади. Даромадга киритилган суммани ундириш хусусида ноаниқлик вужудга келган тақдирда қайтарилмаган сумма ёки олиш мумкин бўлмаган сумма дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

21. Битимнинг тугалланиш босқичи турли усуллар билан аниқланиши мумкин. Битимнинг тугалланганлигини аниқлаш учун ташкилот кўрсатилган хизматларни юқори даражадаги ишончлилик билан ўлчайдиган қуйидаги усуллардан фойдаланади:

бажарилган ишларни таҳлил қилиш усули;

битим бўйича хизматнинг тўла ҳажмига нисбатан фоизини аниқлаш усули;

битим бўйича баҳоланган умумий харажатларга нисбатан шу санагача қилинган харажатларнинг фоизини аниқлаш усули.

Шу санагача қилинган харажатларга мазкур санагача бажарилган ишларни акс эттирадиган харажатлар киради. Битим бўйича баҳоланган умумий харажатларга эса бажарилган ёки бажарилиши керак бўлган хизматларни акс эттирувчи харажатлар киритилади.

Оралиқ тўловлар ҳамда харидорлардан олинган бўнаклар қиймати даромадлар сифатида тан олинмайди.

22. Агар хизмат кўрсатиш (ишларни бажариш) бўйича битимнинг натижаларини юқори даражадаги ишончлилик билан баҳолаш имкони бўлмаса, даромад фақат қопланадиган амалга оширилган харажатлар суммасида тан олинади. Агар битим натижаларини юқори даражадаги ишончлилик билан баҳолаш имкони бўлмаса ва қилинган харажатларнинг қопланмаслиги эҳтимоли бўлса, даромадлар тан олинмайди.

**5-боб. Фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар**

23. Фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар келтирувчи активларни бошқа ташкилотларга фойдаланишга бериш натижасида олинган даромадлар қўйидаги ҳолларда мазкур БҲМСнинг 24-бандига мувофиқ тан олиниши лозим:

битим билан боғлиқ даромадларнинг ташкилотга тушиши эҳтимоли мавжуд бўлганда;

даромад суммасини юқори даражадаги ишончлилик билан баҳолаш мумкин бўлганда.

24. Фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар келтирувчи активларни бошқа ташкилотларга фойдаланишга бериш натижасида олинган даромадлар битим шартларига мувофиқ ҳисоблаш усули асосида тан олинади.

25. Фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар келтирувчи активларни бошқа ташкилотларга фойдаланишга бериш натижасида олинган даромадлар фақат операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкилотга келиб тушиш эҳтимоли мавжуд бўлганда тан олинади. Бироқ, даромадга киритилган суммани ундириш хусусида ноаниқлик вужудга келган тақдирда, қайтарилмаган сумма ёки олиш мумкин бўлмаган сумма дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

**6-боб. Маълумотларни ёритиб бериш**

26. Ташкилот молиявий ҳисоботни тақдим этишда молиявий ҳисоботларга изоҳларда қўйидаги маълумотларни ёритиб беради:

а) даромадни тан олиш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан хизмат кўрсатишни ўз ичига олган битимларнинг тугалланиш босқичларини белгилаш учун қабул қилинган усуллар;

б) даромаднинг ҳисобот даври давомида акс эттирилган ҳар бир муҳим тоифаси суммаси, шу жумладан қўйидагилардан олинган даромадлар:

товарлар сотиш;

хизматлар кўрсатиш;

фоизлар;

роялти.

в) даромаднинг ҳар бир муҳим тоифасига киритилган товарлар ёки хизматларни айирбошлашдан олинган даромад миқдори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**277** Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3543*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
144-сон



Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 144-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

### **Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом номоддий активларни балансдан чиқаришнинг бухгалтерия ҳисоби тартибини белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча юридик шахсларга (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) татбиқ этилади (бундан бюджет, банклар ва нобанк кредит ташкилотлари мустасно).

2. Номоддий активлар қўйидагилар натижасида балансдан чиқарилади:

а) тугатилиши;

б) сотилиши;

в) айирбошлаш;

г) текинга берилиши;

д) устав капиталига таъсисчининг улуши кўринишида берилиши;

е) юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқишида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиниши;

ж) камомад ёки йўқотишлар аниқланиши.

3. Номоддий активлар балансдан чиқарилганда молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда олдинги қайта баҳолашлардан ҳосил бўлган номоддий активларни баҳоси ўсиш суммасининг қолдиғи 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитига киритилади ҳамда 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи бўйича резерв капитал камайтирилади.

#### **2-боб. Номоддий активларни тугатилиши муносабати билан уларни балансдан чиқарилиши**

4. Номоддий активлар қўйидаги ҳолларда уларни тугатиш муносабати билан балансдан чиқарилиши мумкин:

а) белгиланган фойдали хизмат муддати тугаганидан (амортизация ажратмалари тўлиқ ҳисобланганидан) кейин;

б) тегишли ваколатли давлат органларининг қарорларига мувофиқ;

в) маънавий эскирган номоддий активлар (маънавий эскирган номоддий активлар — худди шундай мақсаддаги номоддий активларнинг янада унумдор ва тежамкор турларини ишлаб чиқиш (яратиш) натижасида кадрсизланадиган номоддий активлар);

г) бундан кейин фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб қолган номоддий активлар.

5. Ташкилотларда номоддий активларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун раҳбар томонидан тайинланадиган шахс раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига тегишли мутахассислар, бухгалтерия ходимлари ва ташкилотнинг моддий жавобгар шахслари киритилиши керак. Комиссия ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тузилади.

6. Номоддий активларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузиладиган комиссия қўйидаги ваколатларга эга бўлади:

а) ҳисобдан чиқариладиган номоддий активларнинг ҳолатини ўрганиш. Бунда мутлақ ҳуқуқларни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар (патент, паспорт ва бошқа ҳужжатлар), шунингдек бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш;

б) уларни қайта тиклашнинг мумкин эмаслиги ёки иқтисодий мақсадга номувофиқлигини белгилаш;

в) номоддий активларни ҳисобдан чиқариш сабабларини белгилаш (амортизация ажратмаларини тўлиқ ҳисоблаш, фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши, табиий офатлар ва бошқа ҳолатлар);

г) номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатидан аввал чиқиб кетишига айбдор бўлган шахсларни аниқлаш.

7. Номоддий активларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида комиссия қабул қилган қарорнинг натижалари мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ номоддий активларни тугатиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Мазкур номоддий активларни тугатиш далолатномаси икки нусхада тузилади ва ташкилот раҳбари тайинланган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Бунда, номоддий активларни тугатиш далолатномасининг биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси номоддий активлар объектларининг сақланиши учун масъул шахсда қолади.

8. Фавқулодда ҳодисалар ёки нормал фойдаланиш шароитларини бузилиши оқибатида чиқиб кетаётган номоддий активларни балансдан чиқараётганда тугатиш далолатномасига фавқулодда ҳодисалар ёки нормал фойдаланиш шароитлари бузилишига олиб келган сабаблар изоҳланади.

Фавқулодда ҳодисалар оқибатида чиқиб кетган номоддий активларни балансдан чиқараётганда тугатиш далолатномасига махсус ҳукумат комиссиясининг ҳулосаси илова қилиниши мумкин.

9. Тугатиш далолатномаларини тасдиқлангунга қадар номоддий активларни ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Тугатиш жараёни якунлангач ташкилот бухгалтерияси томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга биноан номоддий активларни тугатиш натижалари тўғрисида маълумотнома тузилади.

10. Номоддий активларни тугатишдан молиявий натижа (фойда ёки за-

рар) ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ва уларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар суммасини номоддий активларни қайта баҳолашдан ўсишлар суммасига тузатишлар киритиш орқали аниқланади.

11. Ташкилотларда номоддий активларни тугатиш муносабати билан уларни балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

а) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганида: дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи; кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400);

б) номоддий активларнинг жамғарилган амортизациясини ҳисобдан чиқараётганда:

дебет номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

в) тугатиш харажатлари суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақларни (6500) ҳисобга олувчи ҳисобварақлари ва бошқа тегишли ҳисобварақлар;

г) резерв капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларида ҳисобга олинган, номоддий активлар ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

д) номоддий активларни тугатишдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи дебети;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи;

е) номоддий активларни тугатишдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи.

### **3-боб. Номоддий активларни сотилиши муносабати билан уларни балансдан чиқарилиши**

12. Номоддий активларни сотиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва улар сотувчи ташкилот балансидан баланс қиймати бўйича чиқарилади.

Бунда ташкилот қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда номоддий активларни сотишнинг бошқача қийматини белгилаш ҳуқуқига эгадир, бу қиймат баланс қийматидан фарқ қилади.

13. Номоддий активларни сотишдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) қўшилган қиймат солиғи, сотиш харажатлари, номоддий активларни қайта баҳолашдан ўсишлар суммаларини ҳисобга олган ҳолда сотиладиган номод-

дий активларни сотишдан тушум ва қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

14. Ташкилотларда номоддий активларни сотиш муносабати билан уларни балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) номоддий активларнинг сотиш (реализация) қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

б) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган тақдирда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

в) номоддий активларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқарганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400);

г) номоддий активларнинг жамғарилган амортизацияси ҳисобдан чиқарилишида:

дебет номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

д) сотиш харажатлари суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақларни (6500) ҳисобга олувчи ҳисобварақлари ва бошқа тегишли ҳисобварақлар;

е) резерв капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларида ҳисобга олинadиган номоддий активлар ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

ж) номоддий активларни сотишдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи;

з) номоддий активларни сотишдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи.

#### **4-боб. Номоддий активларни айирбошлаш муносабати билан уларни балансдан чиқарилиши**

15. Номоддий активларни номоддий активларга айирбошлаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва улар мазкур

активларни номоддий активларга айирбошлашга бераётган ташкилотнинг балансидан баланс қиймати бўйича чиқарилади.

16. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай номоддий активга (қўшимча тўловсиз) айирбошлаб олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенгдир.

Номоддий активлар қўшимча тўлов билан айирбошланган тақдирда худди шундай номоддий активга айирбошлаб сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошлашда берилган (олинган) пул маблағлари суммасини берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига қўшиш (камайтириш) орқали аниқланади.

17. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўхшаш бўлмаган номоддий активга айирбошлаб олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг жорий қийматига тенгдир.

Номоддий активлар қўшимча тўлов билан айирбошланган тақдирда ўхшаш бўлмаган номоддий активга айирбошлаб сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошлашда берилган (олинган) пул маблағлари суммасини берилган номоддий активнинг жорий қийматига қўшиш (камайтириш) орқали аниқланади.

18. Ташкилотларда номоддий активларни айирбошлаш муносабати билан уларни балансдан чиқариш қуйидагича акс эттирилади:

а) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400);

б) номоддий активларнинг жамғарилган амортизацияси ҳисобдан чиқарилганда:

номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

в) берилаётган худди шундай номоддий активнинг қолдиқ қиймати бўйича ёки ўхшаш бўлмаган номоддий активга жорий қиймат бўйича қўшимча тўловсиз айирбошлаб олинган номоддий активлар объекти кирим қилинганида:

дебет номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

г) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари қўшимча тўлов билан айирбошлаб олинган номоддий активлар объекти кирим қилинганида:

дебет номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400) — берилган номоддий активнинг қолдиқ (жорий) қиймати суммасига ва пул маблағлари ёки улар эквивалентларининг тўланадиган суммасига;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи — берилган номоддий активнинг қолдиқ (жорий) қиймати бўйича;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағи — айирбошлашда тўланадиган пул маблағлари ёки улар эквивалентлари суммасига;

д) пул маблағлари ёки улар эквивалентлари олиниши билан айирбошлаб олинган номоддий активлар объекти кирим қилинганида:

дебет номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400) — берилган номоддий активнинг қолдиқ (жорий) қиймати билан айирбошлашда олинадиган пул маблағлари ёки улар эквивалентлари суммаси ўртасидаги фарқ суммасига;

дебет 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ҳисобварағи — айирбошлашда олинадиган пул маблағлари ёки улар эквивалентлари суммаларига;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи — берилган номоддий активнинг қолдиқ (жорий) қийматига;

е) моддий активлар айирбош қилинганда харажатлар суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6500)ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлари ва бошқа тегишли ҳисобварақлар;

ж) резерв капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган, номоддий активлар ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

з) қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб ёзилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

и) номоддий активларни айирбошлашдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи;

к) номоддий активларни айирбошлашдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи дебити;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи.

### **5-боб. Номоддий активларни текинга берилиши муносабати билан уларни балансдан чиқарилиши**

19. Номоддий активларни текинга бериш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва улар текинга берадиган ташкилот балансидан баланс қиймати бўйича чиқарилади.

20. Номоддий активларни текинга беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) бериладиган номоддий активлар қолдиқ (баланс) қиймати ва улар бўйича қўшилган қиймат солиғининг, ҳамда номоддий активларни қайта баҳолашдан ўсишлар суммаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

21. Ташкилотларда номоддий активларни текинга бериш муносабати билан уларни балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганида: дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500);

б) номоддий активларнинг жамғарилган амортизацияси ҳисобдан чиқарилганда:

дебет номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

в) қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб ёзилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

г) резерв капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларида ҳисобга олинган номоддий активлар ушбу объектни қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

д) номоддий активларни текинга беришдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи;

е) номоддий активларни текинга беришдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи.

### **6-боб. Номоддий активларни устав капиталига таъсисчининг улуши кўринишида берилиши муносабати билан балансдан чиқарилиши**

22. Номоддий активлар бошқа ташкилотларнинг устав капиталига таъсис ҳужжатларига асосан, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда улуш сифатида берилади.

23. Номоддий активлар уларни устав капиталига улуш сифатида бераётган ташкилот балансидан баланс қиймати бўйича чиқарилади.

Бунда, ташкилотлар номоддий активларни бошқа ташкилотларнинг устав капиталига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда баланс қийматидан фарқланадиган қиймат бўйича улуш сифатида киритишлари мумкин.

24. Номоддий активларни устав капиталига улуш сифатида беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) номоддий активларни қайта баҳолашдан ўсишлар ҳамда устав капиталига улуш сифатида бериш харажатлар суммаларини ҳисобга олган ҳолда, устав капиталига улуш сифатида бериш харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибга баланс қийматидан фарқланадиган қиймат бўйича улуш сифатида киритилган қиймати ва берилаётган номоддий активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.



25. Ташкилотларда улуш сифатида устав капиталига бериш муносабати билан номоддий активларни баланسدан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) номоддий активларни устав капиталига таъсис шартномасига мувофиқ ёки қонунчилик ҳужжатларига белгиланган тартибда баланс қийматидан фарқланадиган қиймат бўйича улуш сифатида киритиш:

дебет узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0600);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

б) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400);

в) номоддий активларнинг жамғарилган амортизацияси ҳисобдан чиқарилганида:

дебет номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

г) номоддий активларни устав капиталига улуш сифатида бериш харажатлари:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6500)ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлари ва бошқа тегишли ҳисобварақлар;

д) резерв капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларида ҳисобга олинмаган номоддий активлар ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

е) номоддий активларни устав капиталига улуш сифатида беришдан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи;

ж) номоддий активларни устав капиталига улуш сифатида беришдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи.

**7-боб. Юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқишида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиниши муносабати билан номоддий активларни чиқарилиши**

26. Номоддий активларни юридик шахснинг иштирокчилари таркибидан

чиқаётган иштирокчига бериш ушбу юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

27. Номоддий активлар ташкилотнинг балансидан иштирокчи юридик шахснинг иштирокчилари таркибидан чиқаётганда номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш муносабати билан баланс қиймати бўйича чиқарилади.

28. Иштирокчи юридик шахс таркибидан чиқаётганида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш муносабати билан номоддий активларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) номоддий активларни қайта баҳолашдан ўсишлар ҳамда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, чиқиб кетаётган иштирокчининг улуши бўйича қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун номоддий активларнинг берилаётган қиймати ва чиқиб кетаётган номоддий активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

29. Берилаётган номоддий активларнинг қиймати уларнинг улуши бўйича чиқиб кетаётган иштирокчилардан қарз суммасидан ошиб кетса, фарқни чиқиб кетаётган иштирокчилар қоплайди.

30. Ташкилотларда иштирокчи юридик шахс таркибидан чиқаётганида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш муносабати билан номоддий активларни балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) номоддий активларни чиқиб кетаётган иштирокчиларнинг улушлари бўйича қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун бериш:

дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» ҳисобварағи — чиқиб кетаётган иштирокчиларнинг улушлари бўйича қарз суммасига;

дебет турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4800) дебети — берилаётган номоддий активлар қиймати билан чиқиб кетаётган иштирокчиларнинг улушлари бўйича қарз суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқландиган, чиқиб кетаётган иштирокчиларга қопландиган суммасига;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи — чиқиб кетаётган иштирокчиларнинг улушлари бўйича қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун номоддий активларнинг берилаётган қиймати суммасига;

б) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

в) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганида:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0400);

г) номоддий активларнинг жамғарилган амортизацияси ҳисобдан чиқарилганида:

дебет номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

д) резерв капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларида ҳисобга олинди-ган номоддий объектлар ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

е) иштирокчи юридик шахснинг иштирокчилари таркибидан чиқаётганида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш муносабати билан номоддий активлар чиқиб кетишидан фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи;

ж) иштирокчи юридик шахснинг иштирокчилари таркибидан чиқаётганида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш муносабати билан номоддий активлар чиқиб кетишидан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи.

### **8-боб. Камомад ёки йўқотишлар аниқланиши муносабати билан номоддий активларни чиқарилиши**

31. Номоддий активлар ташкилотлар балансидан инвентаризацияда камомад ёки йўқотишлар аниқланиши муносабати билан баланс қиймати бўйича чиқарилади.

32. Ташкилотларда номоддий активларни камомад ёки йўқотишлар аниқланиши муносабати билан балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида Инвентаризацияда аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1334, 2004 йил 6 апрель) мувофиқ акс эттирилади.

Номоддий активларни баланстан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

НМ-4-сон намунавий шакл

«Тасдиқлайман»

\_\_\_\_\_ раҳбар Ф.И.О. \_\_\_\_\_ ИМЗО  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Номоддий активларни тугатиш тўғрисида  
\_\_\_\_\_ -сон ДАЛОЛАТНОМА**

Ташкилот \_\_\_\_\_

Таркибий бўлима	Тузилган сана	Операция тури коди	Номоддий активлар сақланиши учун жавобгар шахснинг коди

Номоддий активнинг номи	Тури	Коди	Дастлабки (тикланиш) қиймати	Ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси	Инвентарь рақами
1	2	3	4	5	6

20\_\_ й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сон буйруқ билан тайинланган комиссия \_\_\_\_\_ ни ўрганди.

Объект номи

- Ўрганиш натижасида комиссия қуйидагиларни аниқлади:
1. Ишлаб чиқилган (тайёрланган) йили «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.
  2. Ташкилотга келиб тушган «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.
  3. Фойдаланишга топшириш санаси «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.
  4. Ҳисобдан чиқариш сабаби \_\_\_\_\_
  5. Техник ҳолати \_\_\_\_\_
  6. Комиссиянинг ҳулосаси: \_\_\_\_\_

Илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати \_\_\_\_\_

Комиссия раиси

\_\_\_\_\_ лавозими \_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ Ф.И.О.

Комиссия аъзолари:

\_\_\_\_\_ лавозими \_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ Ф.И.О.

\_\_\_\_\_ лавозими \_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ Ф.И.О.

\_\_\_\_\_ лавозими \_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ Ф.И.О.

Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Номоддий активларни тугатиш натижалари тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

Тугатиш харажатлари			
Ишлар тури	Хужжат рақами	Харажатлар моддаси	Сумма
1	2	3	4
Жами			

Тугатиш натижалари \_\_\_\_\_  
Номоддий активларни ҳисобга олиш қарточкаси (дафғари) да чиқиб кетиш қайд этилган.

Бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий бошқариш  
вазифаларини амалга оширувчи шахс

ИМЗО

Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 144-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоровий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 14 декабрда 105-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1539, 2006 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 3-сон, 17-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 13 июндаги 59-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1539-1, 2013 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 25-сон, 327-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 68-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1539-2, 2016 йил 9 сентябрь,) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 36-сон, 424-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 9 июндаги 72-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1539-3, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 24-сон, 513-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 23-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1539-4, 2019 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил, 10-сон, 194-модда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**278** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3365-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 мартдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 3365, 2022 йил 29 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.04.2022 й., 10/22/3365/0370-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар)реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси;».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 июль,  
18-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**279** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3544*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
130-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 130-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий  
стандарти (1-сонли БҲМС) «Молиявий ҳисоботни тақдим  
этиш ва ҳисоб сиёсати»**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМС бюджет, суғурта ташкилотлари, банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахсларнинг (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) олдинги ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида ташкилот молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

3. Мазкур БҲМС ушбу БҲМСнинг 12-бандида келтирилган молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилади. Ушбу БҲМСдан ташкилотларнинг молиявий ҳисоботини тайёрлашда ҳам, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда ҳам қўлланилади.

Мазкур БҲМС ташкилотларнинг молиявий ҳисоботига асос бўладиган концепцияни ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига минимал талабларни назарда тутади.

4. Алоҳида операциялар ва ҳодисаларни акс эттириш, баҳолаш ва ёритиб бериш учун батафсил талаблар бошқа БҲМСларда баён қилинади.

5. Мазкур БҲМС ушбу БҲМСнинг 12-бандида кўрсатилган молиявий ҳисоботлар ва уларга изоҳлардан ташқари тақдим этилиши керак бўлган ахборотларга талабларни баён қилмайди. Масалан, ташкилотлар молиявий ҳисоботга қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим этишлари мумкин.

6. Мазкур БҲМСда ҳисоб сиёсати деганда ташкилотнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қўллайдиган усуллари, уларнинг принцип ва асослари билан биргаликдаги жамламаси тушунилади.

7. Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига уни гуруҳларга ажратиш методлари ва хўжалик фаолияти фактларини баҳолаш, активлар қийматини тўлаш, хужжатлар айланмасини, инвентаризацияни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби счётларини қўллаш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни қайта ишлаш ва бошқа тегишли усуллар, услублар ва методлар қиради.

8. Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати ташкилот раҳбари томонидан мазкур БҲМС асосида ташкилот фаолиятининг турли йиллар учун тузилган молиявий ҳисоботда келтириладиган молиявий кўрсаткичлари бир-бирига қиёсланадиган бўлиши учун шакллантирилади.

9. Молиявий ҳисобот ташкилот алоҳида мустақил ташкилот бўлганда ёки ташкилотлар гуруҳига киришидан қатъий назар шу ташкилотнинг маълум бир даврдаги фаолиятини тавсифловчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир.

10. Иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун кенг фойдаланувчилар доирасига зарур бўлган ташкилотнинг молиявий ҳолати, унинг фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ва пул маблағларининг оқими тўғрисида ахборотни тақдим этиш молиявий ҳисоботларнинг мақсади ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар ташкилотнинг раҳбарияти томонидан амалга ошириладиган ресурсларни бошқариш натижаларини ҳам кўрсатади.

11. Мазкур БҲМС мақсадига эришиш учун молиявий ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларга пул маблағлари оқимини прогноз қилиш, хусусан пул маблағлари ва унинг эквивалентлари шаклланиши муддатлари ҳамда эҳтимоллигини белгилашда ёрдам берадиган қўйидаги ахборотларни ўзида мужассам этиши керак:

ташкилот назорати остидаги активлар тўғрисида (нақд пул маблағи тушумларининг ёки бошқа иқтисодий нафнинг манбаи бўлган активлар тўғрисида);

ташкилотнинг (пул маблағларининг ёки бошқа иқтисодий фойданинг эҳтимол тутилган камайиши манбалари бўлган) мажбуриятлари тўғрисида;

ташкилотнинг тақсимланмаган фойдаси тўғрисида (ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва мажбуриятларига бир ҳисобот даврдан бошқасига ўзгартиш киритадиган, бундан мулк эгаларининг бадаллари ва мулк эгаларига тўловлар мустасно);

пул маблағининг оқими тўғрисида (келгусида кутилаётган пул оқимларининг кўрсаткичи сифатида).

Бундай ахборотлар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ташкилотнинг дивидендлар ва фоизларни тўлаш, шунингдек мажбуриятлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини баҳолаш учун зарур.

## **2-боб. Молиявий ҳисоботлар**

12. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботлар тўплами қўйидаги ҳисоботларнинг умумий шаклларида иборат бўлади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- молиявий ҳисоботларга изоҳлар.

13. Турли ташкилотлар фаолиятининг кўп қирралигини ҳисобга олганда, молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул

қилиш учун зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайди. Шунинг учун бошқарув томонидан йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар киритилиб, уларда ташкилот молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатининг асосий белгилари тушунтириб бериледи ва улар дуч келаётган асосий ноаниқликлар баён қилинади.

Бу изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда ташкилотнинг фаолияти натижаларига, фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мустақкамлаш учун инвестиция сиёсатига, жумладан жорий даврда ва келгуси даврларда дивидендлар сиёсатига таъсир қилувчи асосий омиллар ёритиб бериледи, хусусан:

ташкilotни молиялаштириш манбалари ва рискларни бошқариш;

ташкilot ишлаб турган ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ва бу ўзгаришларга унинг муносабати ҳамда уларнинг ташкilot фаолиятига таъсири;

фойдаланувчилар қарор қабул қилиши учун бошқа муҳим ахборотлар.

14. Ташкilot томонидан тушунтиришлар, изоҳлар ва ҳисоб-китоблар эркин шаклда тақдим этилади.

### **3-боб. Умумий жиҳатлар**

#### **1-§. Ҳисоблаш усули**

15. Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари молиявий ҳисоботлар ҳисоблаш усули асосида тузилади.

16. Ҳисоблаш усулига мувофиқ активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар, хўжалик операциялари ва ҳодисалар бухгалтерия ҳисобида улар бўйича пул маблағлари ва унинг эквивалентлари олинган ёки тўланган пайтда эмас, балки улар содир этилган (ёки ҳақиқатда олинган) пайтда акс этирилади.

17. Ҳисоблаш усули асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга илгари пул тўлаб ёки пул маблағларини олиб амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидагина эмас, шунингдек келгусида пул тўланадиган мажбуриятлар тўғрисида ҳам ахборот беради, бу эса тегишли иқтисодий қарорларни қабул қилишда жуда зарур ҳисобланади.

#### **2-§. Фаолиятнинг узлуксизлиги**

18. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнида ташкilot раҳбарияти ташкilot фаолиятини узлуксиз давом этиш имкониятини баҳолайди. Агарда раҳбарият ташкilotни тугатишни ёки унинг фаолиятини тўхтатишни режалаштирмаётган бўлса ёки бундай чораларни амалга оширишдан бошқа муқобил чораси мавжуд бўлмаган ҳолатдан ташқари, ташкilot молиявий ҳисоботларни фаолиятнинг узлуксизлиги асосида тайёрлайди.

Агар ташкilot фаолиятини баҳолашда унинг раҳбарияти ташкilot фаолиятини узлуксиз давом этишига таъсир қилувчи муҳим ҳодисалар ёки шароитлардан хабардор бўлса, ташкilot бу фактни молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб беради.

19. Фаолиятнинг узлуксизлиги яна шуни билдирадики, бухгалтерия хи-

собини юритиш муддати ташкилот фаолият кўрсатган муддатга мос бўлиши керак, яъни ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ташкилот тугатилган ёки у тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган пайтгача юритилиши керак. Ташкилот тугатилган кундан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритишни ҳам тўхтатади.

### **3-§. Ҳаққоний тақдим этиш ва БҲМСларга мувофиқлик**

20. Ҳаққоний тақдим этиш операция, ҳодиса ва шароитларнинг оқибатларини Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосда (рўйхат рақами 3530, 2024 йил 12 июль) келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари ва тан олиш мезонларига мувофиқ тўғри акс эттиришни талаб этади.

21. Ташкилот қўлланиладиган БҲМСларга риоя этиш орқали молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришади. Молиявий ҳисоботларни ҳаққоний тақдим этиш ташкилотдан қуйидагиларни ҳам талаб этади:

ўринли, ишончли, қиёсланувчан ва тушунарли маълумотларни, жумладан ҳисоб сиёсати учун зарур ахборотни тақдим этиш;

фойдаланувчилар маълум операция, бошқа ҳодиса ва шароитлар ташкилотнинг молиявий ҳолатига ва молиявий натижаларига таъсирини тушуниб олиши учун ахборот етарли бўлмаганда, БҲМСларнинг муайян талабларига мувофиқ қўшимча маълумотларни ёритиб бериш.

### **4-§. Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик)**

22. Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик) молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларни ошириб баҳолашга ҳамда мажбуриятлар ёки харажатларни камайтириб баҳолашга йўл қўйилмаслигини назарда тутади.

Бу жиҳатнинг қўлланиши яширин захираларни ташкил этишга ёки таъминотни ошириб кўрсатишга, активлар ёки фойдани, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб камайтиришга ёки ошириб кўрсатишга ҳуқуқ бермайди.

### **5-§. Мазмуннинг шаклдан устунлиги**

23. Агар ахборот операциялар ва ҳодисаларнинг иқтисодий мазмунини тўғри акс эттирса, бу ахборот молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши ва кўрсатилиши лозим.

### **6-§. Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги**

24. Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотларга қиёсланадиган бўлиши керак. Фойдаланувчилар ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланган ҳисоб сиёсатидан, мазкур сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари керак.

25. Молиявий ҳисоботда олдинги даврга нисбатан бутун қиёсий ахборот-

ни ёритиб бериш зарур. Олдинги даврдаги молиявий ҳисоботларнинг изоҳлари ва тушунтиришлари жорий ҳисобот даври учун ҳам тақдим этилиши ва жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларини ҳолисона тақдим этиш учун зарур бўлса, янгиланиши керак.

26. Молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичларини тузатиш ёки моддаларини тасниф этишда қиёсийликни таъминлаш учун қиёслама суммалар қайтадан тасниф этилиши ва бир вақтни ўзида бундай қайтадан тасниф этишнинг тавсифи, суммаси, сабаби ёритиб берилиши керак. Агар бунинг имконияти бўлмаса, ташкилот қайта тасниф этиш сабабини ва агар суммалар қайтадан тасниф этилган бўлса киритилган ўзгартишларнинг характерини ёритиб бериши керак.

27. Агар ахборот фақат тақдим этиш учун, масалан, маълум бир давр бошидаги ва охиридаги моддий ва номоддий активларнинг сальдосини текшириш учун хизмат қилса, бундай ҳолларда қиёсланадиган ахборот талаб қилинмайди.

Янги стандартларни ишлаб чиқиш ва мавжуд стандартларни ўзгартириш натижасида қиёсланадиган ахборот тақдим этишга талаблар доираси камайтирилиши мумкин. Янги ва қайта кўриб чиқилган стандартлардаги ўтиш қоидалари стандартдан биринчи марта фойдаланилаётганда қиёсланадиган ахборот тақдим этишни талаб қилмаслиги ҳам мумкин.

28. Айрим ҳолларда жорий давр билан қиёслаш мақсадида қиёсланадиган ахборотни қайта тасниф этиш мумкин бўлмайди. Масалан, олдинги даврдаги ахборот қайта тасниф этиб бўлмайдиган тарзда тўпланган бўлиши мумкин, бу эса ахборотни ўзгартиришга амалда имкон бермайди. Бундай ҳолатларда қиёсланадиган суммаларга киритилиши мумкин бўлган тузатишларнинг тавсифи ёритиб берилиши лозим.

29. Кўрсаткичларнинг қиёсийлигига риоя қилиш учун қуйидаги шартларни бажариш керак:

барча миқдорий ахборотларга нисбатан талаблар ҳамда ҳисобот йилида ҳисоботни тақдим этишга ёндашув ўзгарганда, олдинги давр ахбороти қиёслаш мақсадлари учун қайтадан тасниф этилиши;

агар олдинги давр ахборотини амалий сабабларга кўра қайта тасниф этиш мумкин бўлмаса, қайта тасниф этиш амалга оширилган ҳолда содир бўладиган ўзгаришларнинг сабаблари ва тавсифи ёритиб берилиши.

### **7-§. Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги**

30. Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги ушбу даврда мазкур ҳисобот даврида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни акс эттиришини билдиради. Агар харажатлар ва даромадларнинг айрим турлари ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, харажатлар тақсимлашнинг бирор-бир тизимига мувофиқ тарзда бир неча ҳисобот даврига тақсимлаб чиқилади. Бу бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига ҳам тааллуқлидир.



### 8-§. Аҳамиятлилик

31. Молиявий ахборотнинг аҳамиятлилиги шундан иборатки, бу ахборот фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида ва операциялар, молиявий ҳамда хўжалик фаолият ходисаларига баҳо беришда уларнинг талабларини бажариши керак. Ахборотнинг моҳияти ва қиймати (муҳимлиги) унинг аҳамиятлилигига таъсир қилиши мумкин.

### 9-§. Муҳимлик

32. Агар ахборотнинг тушириб қолдирилиши ёки нотўғри кўрсатилиши ахборотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир қилса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади.

33. Молиявий ҳисоботларда бир моддада тавсифи ва вазифалари жиҳатидан ўхшашлари билан умумлаштирилиши ёки алоҳида кўрсатилмаслиги керак бўлган суммалар акс эттирилади.

Бироқ, якка тартибда ҳам, биргаликда ҳам муҳим ҳисобланган ахборот бошқа ахборот билан тўлиғича умумлаштирилмаслиги керак. Шу муносабат билан, агар ахборотнинг ёритиб берилмаслиги фойдаланувчилар молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлилик муайян ҳолатларда кўриб чиқиладиган модданинг миқдorigа боғлиқ бўлади.

34. Молиявий ҳисобот тавсифи ва вазифалари бўйича гуруҳларга таркибий бирлаштирилган хўжалик операцияларини қайта ишлаш натижасидир. Мазкур жараённинг яқунловчи босқичи молиявий ҳисоботларда ёки модда кўринишида тушунтиришларда акс эттириладиган, қисқа кўринишда тасниф этилган ахборот тақдим этиш ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботда айрим кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш ёки уларни бошқа кўрсаткичлар билан бир моддага бирлаштириш ҳам муҳимдир. Шунинг учун агар активлар ёки мажбуриятлар, хусусий капиталнинг, даромадлар ёки харажатларнинг айрим моддалари муҳим бўлмаса, бундай ҳолатларда модда ёки моддалар жамининг тавсифи ва миқдори бир вақтнинг ўзида баҳоланади. Ҳолатга қараб модданинг тавсифи ёки миқдори ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

35. Агар дастлабки ахборот муҳим бўлмаса, БҲМСда келтирилган бундай ахборотларни ёритиб бериш талабларини бажаришга зарурат бўлмайди. Бироқ, агар умумий фойдаланишга мўлжалланган молиявий ҳисоботларда муҳим ахборот бошқа муҳим ахборот билан бир моддада бирлаштирилган бўлса, молиявий ҳисоботга тушунтиришларда бу ахборотни ёритиб бериш зарур.

36. Муҳимлик молиявий ҳисоботда келтирилган тушунарлилик ва аниқлик даражаси билан боғлиқ. Ахборотни минг ёки миллионгача яхлитлаш чоғида муҳимлик тамойили бузилмайдиган даражада аниқлик даражасидан фойдаланишга йўл қўйилади.

37. Фойдаланувчилар ташкилотнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар

тенденцияларини аниқлаш учун унинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботларини қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак.

38. Агар ташкилотнинг операциялари хусусиятидаги муҳим ўзгаришлар асосида ёки ҳисоботнинг шаклини таҳлил қилиш натижасида ҳисобот шаклига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, молиявий ҳисобот моддаларини тақдим қилиш ва тасниф этиш тартиби сақлаб қолиниши керак.

39. Вақти-вақти билан катта миқдордаги харид қилиш ёки чиқиб кетиш ёхуд ташкилот операцион фаолиятининг хусусиятида айрим бошқа муҳим ўзгаришлар ёки молиявий ҳисоботнинг шарҳи молиявий ҳисоботларни бошқача тақдим этиш мақсадга мувофиқлигига олиб келади. Бундай ҳолларда ташкилот муҳимлик ва қиёсийлик жиҳатларига риоя қилиш ўртасидаги мувофиқликни таъминлаши керак. Ташкилот қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисоботнинг тузилиши узоқ давр давомида сақланса ёки уни муқобил вариантда тақдим этиш афзал бўлса, молиявий ҳисоботни тузилишини ўзгартириши мумкин. Ҳисоб сиёсати бир даврдан иккинчисига изчиллик билан ўтказилиши назарда тутилади.

### 10-§. Ўз вақтидалик

40. Агар ахборот ўз вақтида тақдим этилса, у фойдали ҳисобланади. Агар молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга тузилган вақтдан кейин оқилон вақт ичида тақдим этилмаса, улар ўзининг фойдалилигини йўқотади. Ҳисобот ахборотлари асоссиз равишда ушлаб қолинса, у ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Ташкилот қонунчиликда кўрсатилган муддатларда молиявий ҳисоботни тузишга қодир бўлиши керак. Ҳеч қандай омилар, ҳатто ташкилотнинг операциялари мураккаблиги ҳам ҳисоботни вақтида тақдим этишга қодир эмаслиги сабаби сифатида кўрсатилиши мумкин эмас.

41. Агар ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш унинг ҳамма жиҳатлари маълум бўлган пайтгача кечиктириладиган бўлса, энг ишончли ахборот ҳам кам фойда бериши мумкин, чунки фойдаланувчилар олдинроқ қарор қабул қилишга мажбур бўлиши мумкин. Аҳамиятлилик ва ишончлилик ўртасида мувозанатга эришиш мақсадида иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб яхшироқ қондиришни ҳал этиш керак.

### 11-§. Моддаларнинг ўзаро ҳисобга олиниши

42. Активлар ва мажбуриятлар ўртасида ўзаро ҳисобга олиш амалга оширилмаслиги керак, бошқа БҲМСларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

43. Даромадлар ва харажатлар моддалари ўртасида ўзаро ҳисобга олиш амалга оширилиши мумкин эмас, фақат қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

БҲМС бун талаб қилса ёки рухсат этса;

фойда, зарарлар, шунингдек бундай операциялар ва ҳодисалар билан боғлиқ харажатлар якка ҳолда ҳам, жамланган ҳолда ҳам муҳим бўлмаса. Даромадлар ва харажатларнинг ўзаро ҳисобга олинган ҳолда тақдим этили-

ши операцияларнинг ёки бир хил битимлар гуруҳининг моҳиятини энг яхши тарзда акс эттирса, бундай суммалар умумлаштирилиши ва нетто-асосда тақдим этилиши керак.

44. Агар даромадлар ва харажатлар ўзаро ҳисобга олинган бўлса, ташкилот муҳимлик жиҳатига асосланиб, молиявий ҳисоботларга изоҳларда бу миқдорларни ёритиб бериш эҳтиёжини кўриб чиқиши керак (масалан, агар бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларини «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» моддасидан умидсиз қарзлар бўйича ташкил этилган резервларни чиқариб ташлаб акс эттириш кўзда тутилган бўлса). Лекин тушунтириш хатида дебиторлик қарзи суммаси ҳам, умидсиз қарзлар бўйича ташкил этилган резервлар суммаси ҳам алоҳида кўрсатилади.

### 12-§. Холислик

45. Молиявий ҳисобот ташкилотнинг молиявий ҳолатини, фаолиятининг молиявий натижаларини ва пул маблағларининг оқимини холисона кўрсатиши керак.

Холисликка эришиш учун ҳар бир ташкилот бухгалтерия ҳисобини юриштиш ва молиявий ҳисоботни тузишда БҲМС ва бухгалтерия ҳисоби асосий принципларини қўллашга мажбур.

46. Фаолиятнинг хилма-хил турлари бўйича янгиликларни жорий этишнинг тезлиги ҳали бу бўйича БҲМС ишлаб чиқилмаган операциялар ва вазиятларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда молиявий ҳисоботнинг холислигига ташкилот томонидан мазкур стандартга мувофиқ мустақил ишлаб чиқилиши керак бўлган ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш йўли билан эришилади.

### 4-боб. Ҳисоб сиёсати

47. Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати мазкур БҲМСнинг 15 — 46-бандларида келтирилган жиҳатлар асосида белгиланиши керак.

Ҳисоб сиёсати ташкилот молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус принципларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

48. Ҳисоб сиёсати барча тегишли БҲМСларни қўллаш асосида молиявий ҳисобот тузилишини таъминлаши керак. БҲМСларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, молиявий ҳисобот қуйидагича бўлиши керак:

а) фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли;

б) ишончли бўлиши, шу жумладан:

ташкилот молиявий ҳолати ва фаолиятининг барча натижаларини холисона кўрсатиши;

фақат юридик шаклдан иборат бўлмай, ҳодиса ва операцияларнинг иқтисодий моҳиятини акс эттириши;

бетараф (беғараз) бўлиши ва мажбурий бўлмаслиги;

бетарафликка зарар етказмаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши;

барча муҳим жиҳатлари тўла (тугалланган) бўлиши, яъни ташкилот хўжалик фаолиятининг барча фактларини тўла акс эттириши;

в) фаолияти ўхшаш бошқа ташкилотлар молиявий ҳисоботи билан таққосланадиган бўлиши;

г) тушунарли бўлиши.

49. Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатини аниқ бир йўналиш (масала) бўйича шакллантиришда, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисобот тузишда Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби бўйича қонунчилик ҳужжатларига амал қилиш керак.

50. Махсус ихтисослашган БҲМСлар мавжуд бўлмаганда, ташкилот раҳбари ташкилотнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга энг фойдали ахборот берадиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ўз қарорларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўз қарорларидан фойдаланиш жараёнида ташкилот раҳбари қуйидагиларни кўриб чиқади:

а) бундай масалалар хусусида БҲМСнинг талаблари ва қўлланмаларини;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотни;

в) активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун акс эттириш ва баҳолашнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган мезонларни;

г) жаҳон капитал бозорида қабул қилинган тармоқ иш тажрибасини.

51. Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати ташкилот раҳбарининг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) билан расмийлаштирилиши керак.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ташкилот танлаб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, ҳисобот йили давомида янги ташкил этилган ташкилотлар бундан мустаснодир.

Бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари ташкилотнинг барча таркибий бўлинмаларида (жумладан, алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларида) уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар қўлланилади.

Янги ташкил этилган ташкилот танлаб олган ҳисоб сиёсатини мазкур бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Ташкилот танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин деб ҳисобланади.

52. Ҳисоб сиёсати календарь йил давомида ўзгартирилмайди.

Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатини қуйидаги ҳолларда ўзгартиришга йўл қўйилади:

а) ташкилот қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилганда, бўлинганда, қўшиб олинганда);

б) мулк эгалари алмашганда;

в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ёки бухгалтер-

рия ҳисобини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзгаришлар бўлганда;

г) бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда;

д) ўзгартиришлар ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида ахборотни янада ишончлироқ тақдим этишга кўмаклашганда.

Ҳисоб сиёсатининг ўзгартирилиши асослаб берилиши ва мазкур БҲМСнинг 51-бандида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилиши керак.

Ҳисоб сиёсатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмаган ўзгаришларнинг оқибатлари ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзгартирилган усуллари қўлланила бошлаган вақтдаги (ойнинг биринчи кунда) текширилган маълумотлар асосида қиймат жиҳатидан баҳоланиши керак.

### **5-боб. Молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва мазмуни**

53. Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботларнинг бир хил турдаги шаклларида аниқ идентификацияланган бўлиши керак.

54. Қуйидаги ахборотлар молиявий ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилиши керак:

ташкилотнинг номи, фаолият тури, мулкчилик шакли, юридик манзили, идентификация рақами ва ташкилотни аниқлаш учун бошқа реквизитлар;

молиявий ҳисоботлар якка ташкилотни ёки ташкилотлар гуруҳини ўз ичига олиши;

ҳисобот санаси ёки молиявий ҳисоботлар билан қамраб олинган давр.

55. Тақдим этилган ҳисобот ахборотини тўғри тушуниш учун қуйидаги реквизитлар ҳам ёритиб берилиши ва зарур бўлганда такрорланиши керак:

молиявий ҳисоботлар ўлчанган валюта ва агар бир неча валютадан фойдаланилган бўлса, улар ифодаланган валюталар;

молиявий ҳисоботларда рақамларни кўрсатиш учун фойдаланилган аниқлик даражаси (масалан, сонлар минглар ёки миллионлар ҳисобида кўрсатилганлиги ва ҳоказо).

### **6-боб. Бухгалтерия баланси**

56. Ташкилотнинг бухгалтерия баланси унинг ресурсларини ва молиявий таркибини тушунишга имконият бериши учун ҳисобот вақтидаги молиявий ҳолатини акс эттириши керак.

57. Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, ташкилотнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотларни ўзида акс эттиради.

#### **1-§. Бухгалтерия балансида акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар ва уларни ёритиб беришнинг асосий қоидалари**

58. Ташкилотнинг бухгалтерия баланси молиявий ҳолатнинг турли

жиҳатларини акс эттирадиган тарзда тақдим этилиши керак. Қуйидагилар бухгалтерия балансининг мажбурий элементлари ҳисобланади:

асосий воситалар;  
номоддий активлар;  
молиявий активлар;  
товар-моддий захиралар;  
дебиторлик қарзи;  
пул маблағи ва пул эквивалентлари;  
кредиторлик қарзи;  
ажратмалар;  
фоиз тўлашни талаб қилувчи мажбуриятлар;  
хусусий капитал ва резервлар.

59. Бухгалтерия балансидаги барча ахборотлар ишончли тарзда ёритиб берилиши ва фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши керак. Зарур ҳолларда бухгалтерия балансига киритиладиган моддалар уларни тушунтириб бериш учун изоҳлар билан тўлдирилиши лозим.

60. Бухгалтерия балансидаги узоқ муддатли ва жорий активлар, хусусий капитал, узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар ва уларнинг ёритиб берилиши ахборотлар мажмуи сифатида ташкилотнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ёрдам беради.

61. Бухгалтерия балансида узоқ муддатли ва жорий активлар, хусусий капитал, узоқ муддатли ва жорий мажбуриятларнинг умумий суммаси акс эттирилиши керак.

62. Мазкур БҲМСнинг 58-бандидаги мажбурий талаблар резервларни акс эттириш учун алоҳида сатрларни ўз ичига олади.

Тахминий баҳолашдан кўпроқ даражада фойдаланиш орқали баҳоланиши мумкин бўлган мажбуриятлар резерв ҳисобланади. Ташкилотни ва кредит берган ташкилотларни зарар оқибатларидан қўшимча муҳофаза қилишни таъминлаш учун қонунчилик ҳужжатлари ёки уставда резервларни ташкил этиш кўзда тутилади.

## **2-§. Жорий ва узоқ муддатли активлар ўртасидаги тафовут**

63. Ҳар бир ташкилот жорий активлар ва жорий мажбуриятларни бухгалтерия балансида алоҳида тасниф сифатида кўрсатишни (ёки кўрсатмасликни) белгилаб олиши керак. Мазкур БҲМСнинг 65 — 67-бандлари ана шундай чеклаш амалга оширилганда қўлланилади. Ташкилот бу таснифни амалга оширмайдиган усулни танлаб олса, активлар ва мажбуриятларни тўлаш муддатлари бўйича ахборотлар молиявий ҳисоботга изоҳларда барибир ёритиб берилиши керак.

64. Ташкилот аниқ белгиланадиган операцион циклидан фойдаланиб товарлар ва хизматларни етказиб берганда, бухгалтерия балансидаги жорий ва узоқ муддатли активлар ҳамда мажбуриятларнинг алоҳида таснифланиши айланма маблағ сифатида доимо мурожаат қилинадиган соф активлар билан ташкилотнинг узоқ муддатли операцияларида фойдаланиладиган активлар ўртасидаги тафовутни фарқлаш йўли билан муҳим фойдали ахборот бўлади.

Шунингдек ташкилот жорий операцион цикли давомида олиниши кутилаётган активларни ҳамда шу давр ичида тўланиши лозим бўлган мажбуриятларни ҳам алоҳида кўрсатади. Ташкилот жорий ва узоқ муддатли активлари ҳамда мажбуриятларини алоҳида-алоҳида кўрсатса, бундай ҳолларда улар мазкур БҲМСнинг 65 — 78-бандларига мувофиқ таснифланади.

### 3-§. Жорий активлар

65. Активлар қуйидаги ҳолларда жорий актив сифатида тасниф этилиши керак:

ташкилот операцион фаолиятининг бир қисми бўлса ва ташкилотнинг бир нормал ўтаётган операцион циклида уни олиш ёки истеъмол қилиш кутилаётган бўлса;

асосан қайта сотиш мақсадида ёки қисқа муддатда сақлаб турилган бўлса ва ундан ҳисобот санасидан кейинги 12 ой мобайнида фойдаланиш кутилаётган бўлса.

Бошқа барча активлар жорий бўлмаган активлар (узоқ муддатли активлар) сифатида тасниф этилиши керак.

66. Жорий активларнинг икки тури мавжуд. Биринчи тури ташкилот айланма капиталининг бир қисми сифатида намоён бўлиб, ташкилотнинг нормал операцион цикли давомида олинган ёки истеъмол қилинган бўлади. Иккинчи тури операцион активлар ҳисобланмаган, лекин савдо ёки инвестиция мақсадларида сақлаб турилган ва уларни ҳисобот санасидан кейинги 12 ой мобайнида сотиш кутилаётган жорий активлар сифатида намоён бўлади. Жорий активларга ҳисобот санасидан кейинги 12 ой мобайнида олинган ёки истеъмол қилинадиган товар-моддий захиралар ва дебиторлик қарзлари киритилади.

67. Ташкилотнинг операцион цикли — бу материалларни харид қилиш, ишлаб чиқариш ва осонликча пулга айлантириладиган молиявий активлар ҳисобига сотиш ўртасидаги ўртача вақтдир. Агар ташкилот соҳаси ёки фаолият тури учун каттароқ давр янада мувофиқроқ ҳисобланмаса, операцион активларни узоқ муддатли ва жорий операцион цикл ўртасида таснифлаш муддати бир йил ҳисобланади.

68. Жорий активлар бўлимида товар-моддий захиралари, келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва бошқа жорий активлар суммалари акс эттирилади.

### 4-§. Узоқ муддатли активлар

69. Мазкур БҲМСнинг 63-бандида талаб қилинган таснифлаш усулига асосланиб, ташкилотнинг узоқ муддатли активлари қуйидаги активлардан иборат бўлади:

ташкилот фаолиятида узоқ муддатли асосда фойдаланиладиган активлар, жумладан ташкилотнинг мулки, бинолари ва ускуналари, номоддий активлари, капитал харажатлари ва гудвилл;



инвестиция мақсадида сақлаб турилган ва ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида сотилиши мумкин бўлмаган активлар.

70. Бухгалтерия балансининг узоқ муддатли активлар бўлимида асосий воситалар ва номоддий активлар қиймати, узоқ муддатли инвестициялар, ўрнатиладиган ускуналар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар суммалари акс эттирилиши керак.

71. Асосий воситалар ва номоддий активлар бошланғич (қайта тиклаш) қиймати, эскириш (амортизация) суммаси, қолдиқ қиймати бўйича ёритиб берилиши керак.

72. Узоқ муддатли инвестициялар, қимматли қоғозлар қиймати, шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар, қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар, чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар ва бошқа узоқ муддатли инвестициялар суммалари бўйича ёритиб берилиши керак.

### 5-§. Мажбуриятлар

73. Ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой мобайнида ҳисоб-китоб қилинадиган мажбуриятлар жорий мажбурият ҳисобланади.

74. Кредиторлик қарзи, иш ҳақи, солиқлар ва бошқа операцион харажатлар бўйича қарзлар каби айрим жорий мажбуриятлар жорий активлар ҳисобидан ҳисоб-китоб қилишни талаб қилади, чунки жорий мажбурият ташкилотнинг одатдаги операцион циклида фойдаланиладиган айланма капитални ташкил этувчи моддалар бўйича юзага келадиган мажбурият ҳисобланади. Бундай операцион моддалар ҳатто ҳисобот санасидан бошлаб 12 ойдан ортиқ давр мобайнида ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлсада, жорий мажбуриятлар кўринишида таснифланади.

75. Жорий мажбуриятлар ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой мобайнида ҳисоб-китоб қилишни талаб этсада, банк овердрафтлари, тўланадиган дивидендлар, даромад солиқлари, савдо билан боғлиқ бўлмаган бошқа кредиторлик қарзлари, фоизларни тўлашни талаб қиладиган қисқа муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ҳам операцион цикли нуқтаи назаридан жорий мажбуриятларга киради:

Узоқ муддатли асосда айланма капитални пул билан таъминламайдиган, фоизни тўлашни талаб қилувчи ва 12 ой мобайнида ҳисоб-китоб қилинмайдиган мажбуриятлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобланади.

76. Жорий мажбуриятлар бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар, алоҳида бўлинмаларга қарзлар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарзлар, кечиктирилган даромадлар, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар, бошқа кечиктирилган мажбуриятлар, олинган бўнақлар, бюджетга тўловлар бўйича қарзлар, суғурта бўйича қарзлар, давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар, таъсисчиларга бўлган қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар, қисқа муддатли банк кредитлари, қисқа муддатли қарзлар, узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ва бошқа кредиторлик қарзлари суммалари акс эттирилиши керак.

77. Агар ташкилот кредит битимига мувофиқ узоқ муддат асосида мажбуриятларни қайта молиялаштиришни назарда тутаётган бўлса, узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий улуши жорий мажбуриятлардан чиқариб ташланиши мумкин. Бундай ҳолларда мажбуриятлар суммаси ва қайта молиялаштириш шартлари молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши керак.

78. Узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга, ажратилган бўлинмаларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарзлар, узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар, бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар, харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар, узоқ муддатли банк кредитлари, узоқ муддатли қарзлар ва бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари суммалари акс эттирилиши керак.

Фоиз ставкалари, шартнома мажбуриятларини қоплаш шартлари, қоплаш кетма-кетлиги, мурожаат шартлари ҳамда мукофот ва дисконт суммалари молиявий ҳисоботга изоҳлар қисмида ёритиб берилиши керак.

#### **6-§. Хусусий капитал (ўз маблағлари манбалари)**

79. Бухгалтерия балансининг хусусий капитал (ўз маблағлари манбалари) бўлимида устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб олинган хусусий акциялар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), капиталнинг бошқа таркибий қисмлари бўйича маълумотлар акс эттирилиши керак.

#### **7-§. Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларни қайта молиялаштириш**

80. Ҳисобот санасидан кейин 12 ой мобайнида ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлган мажбуриятлар фақат қуйидаги шартларда жорий бўлмаган мажбуриятлар сифатида таснифланиши керак:

дастлабки муддат 12 ойдан узоқроқ бўлса;

ташкилот мажбуриятни узоқ муддатли асосда сўндиришни режалаштираётган бўлса;

бу ният молиявий ҳисобот тасдиқлангунга қадар тўлдириладиган қайта молиялаштиришга ёки тўловлар таркибий жиҳатдан ўзгартиришга қаратилган битим билан қўллаб-қувватланса.

Жорий мажбуриятлардан чиқариб юбориладиган ҳар қандай қисқа муддатли қарз миқдори уни тақдим этишни қўллаб-қувватловчи ахборот билан биргаликда бухгалтерия балансига изоҳларда ёритиб берилиши керак.

#### **8-§. Молиявий ҳисоботга изоҳларда тақдим этиладиган маълумотлар**

81. Ташкилот молиявий ҳисоботларга изоҳларда қуйидагиларни ёритиб бериши шарт:

а) устав капиталининг ҳар бир тоифаси бўйича:

эълон қилинган акциялар сони;  
акцияларнинг номинал қиймати;

устав капиталининг ҳар бир тоифасига тааллуқли ҳуқуқлар, афзалликлар ва чекловлар, шу жумладан дивидендларни тақсимлашга доир чекловлар; жамиятнинг ўзига, ташкилотга қарашли шуъба ва қарам жамиятларига тегишли акциялар;

опцион ва савдо контракти бўйича эмиссия учун захирага ажратилган акциялар, шу жумладан уларнинг муддатлари ва миқдорлари.

б) хусусий капитал таркибидаги резервларнинг моҳияти ва мақсадлари баёни.

в) мажбуриятларда акциядорлар (таъсисчилар, иштирокчилар) йиғилишида расман маъқулланмаган, дивиденд (даромад)ларни тўлаш учун суммаларнинг мавжудлиги.

82. Ташкилот хусусий капиталдаги ўзгаришларни акс эттириши лозим ва бунда қуйидагиларни алоҳида кўрсатиши зарур:

ҳисобот даври бошида ва ҳисобот санасида жамғарилган фойда ёки зарарларнинг қолдиғи ҳамда шу даврда юз берган муҳим ўзгаришлар, жумладан давр учун соф фойда ва унинг акциядорлар (таъсисчилар, иштирокчилар) ҳар бир тоифасига тақсимланиши;

ҳисобот даври боши ва охиридаги хусусий капитал ва резервларни ҳар бир тоифаси бўйича суммаларнинг ўзгаришлари.

83. Молиявий ҳисоботга изоҳлар қисми бухгалтерия балансидан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволини аниқ баҳолаши учун зарур бўлган қуйидаги қўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак:

активларга мулк ҳуқуқларидаги чекловлар;

мажбуриятлар бўйича берилган кафолатлар;

шартли (кўзда тутилмаган) активлар ва мажбуриятлар, мумкин бўлганда миқдор кўринишида;

келгусида узоқ муддатли инвестицияларни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлар.

### **7-боб. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот**

84. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ташкилотнинг ҳисобот давридаги молиявий фаолиятини тавсифлайди ва бу фаолиятнинг турли жиҳатларини тушунишга имкон берадиган усул билан кўрсатади.

#### **1-§. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар**

85. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар акс эттирилиши зарур:

Сотишдан соф тушум;

сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) таннари;

сотишдан ялпи молиявий натижа;

асосий фаолиятдан бошқа операцион даромадлар ва харажатлар;

асосий хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари (фойда ёки зарар);  
молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар;  
умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси;  
фавқулодда вазиятлардан олинган фойдалар ва зарарлар;  
фойда солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);

ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).

БХМСлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қўшимча сатрлар, сарлавҳалар ва яқунлар кўрсатилади.

## **2-§. Ҳисобот даврида олинган соф фойда ёки зарар**

86. Муайян даврда тан олинган даромадлар ва харажатларнинг барча моддалари, агар БХМСда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳисобот даврида олинган соф фойда ёки зарарни аниқлаш учун ҳисобга олиниши шарт.

87. Ҳисобот даврида олинган соф фойда ёки зарар қуйидаги элементлар асосида аниқланади ва уларнинг ҳар бири молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши лозим:

умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарлар;  
фавқулодда вазиятлардан олинган фойда (кўрилган зарар)  
фойда солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);

ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).

## **3-§. Фавқулодда вазиятлар бўйича моддалар**

88. Фавқулодда вазиятлардан олинган фойда (кўрилган зарар) — ташкилотнинг одатдаги фаолиятдан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган ходисалар ёки битимлар натижасида юзага келган даромадлар ёки харажатларни намоён этади.

89. Фавқулодда вазиятлар бўйича моддалардан юзага келадиган фойда ёки зарар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши лозим. Ҳар бир фавқулодда вазиятлар бўйича моддаларнинг моҳияти ва қиймати молиявий ҳисоботларга изоҳлар қисмида ёритиб берилиши лозим.

## **4-§. Умумхўжалик (одатий) фаолиятдан даромадлар ёки харажатлар**

90. Умумхўжалик фаолияти — одатий фаолият ҳисобланган ташкилотнинг ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти, шунингдек ташкилотни келгусида ривожлантиришга, иқтисодий нафани оширишга ва мустақкамлашга йўналтирилган фаолиятидир.

91. Умумхўжалик (одатий) фаолиятдан даромадлар ва харажатлар моддалари муайян миқдорга етса ва ташкилот фаолиятининг операциялари маз-

муни жуда муҳим бўлса, бу моддаларнинг моҳияти ва суммалари молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритилиши керак.

92. Қуйидагилар молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб беришни талаб қилувчи муҳим хўжалик операциялари ҳисобланади:

товар-моддий захиралар (ТМЗ)ни соф сотиш қийматиғача камайтириш ёки асосий воситаларни қайта тиклаш қийматиғача камайтириш, шунингдек бундай камайтиришни бекор қилиш;

ташкилот фаолиятини таркибий жиҳатдан ўзгартириш, шунингдек, таркибий жиҳатдан ўзгартириш харажатлари бўйича ҳар қандай резервларни бекор қилиш;

узоқ муддатли инвестицияларни тугатиш;

фаолиятни тугатиш;

суд ишлари;

резервларни бекор қилиш.

### **5-§. Фаолиятнинг тугатилишидан даромад (зарар)**

93. Тугатилган фаолият бу ташкилотнинг активлари, соф даромад ёки зарари ва фаолиятни, шу жумладан молиявий ҳисоботларни ажратиб олиниши мумкин бўлган ушбу ташкилот фаолиятининг алоҳида, асосий йўналишини намоён этувчи операцияни сотиш ёки бошқа шахсга бериш натижаси бўлиб ҳисобланади.

94. Тугатилган фаолиятнинг натижалари одатда умумхўжалик (одатий) фаолиятининг даромади ва зарарига киритилади, бундан умумхўжалик (одатий) фаолиятидан аниқ фарқ қиладиган ёки бу фаолиятда содир бўлмайдиган ҳодисалар натижасида фаолиятнинг тугатилиши мустасно. Бундай ҳолларда фаолиятни тугатишдан даромад ёки зарарлар фавқулодда вазиятлар бўйича модда сифатида таснифланиши мумкин.

95. Тугатилган операцияларнинг ҳар бири бўйича қуйидагилар молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритилиши лозим:

тугатилган фаолиятнинг моҳияти;

молиявий ҳисоботни тузишда тугатилган фаолият тегишли бўлган тармоқ ва унинг географик жойлашган жойи;

бухгалтерия ҳисоби мақсадларида фаолиятни тугатиш кучга кирган сана;

фаолиятни тугатиш усули (сотиш, бошқа шахсга бериш ва шу кабилар);

фаолиятни тугатишдан даромадлар ва зарарлар ҳамда ушбу даромад ёки зарарларни баҳолаш учун фойдаланиладиган ҳисоб тури;

ҳар бир тақдим этилган давр учун суммаси билан биргаликда товарларни (иш, хизматларни) сотишдан тушум ва ҳисобот давридаги умумхўжалик (одатий) фаолияти бўйича операциялардан даромад ёки зарарлар.

### **6-§. Молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб бериладиган маълумотлар**

96. Ташкилот молиявий ҳисоботларга изоҳларда даромадлар ва харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича таснифлаш йўли билан даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиб бериши керак.

97. Харажатларни фаолият турлари бўйича таснифлайдиган ташкилот харажатларнинг турлари бўйича қўшимча ахборотни, жумладан эскириш (амортизация) харажатларини, ходимларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни, хом ашё ва халқ истеъмоли товарларидан фойдаланиш харажатлари бўйича қўшимча маълумотларни ёритиб беришга мажбур.

### **8-боб. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот**

98. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг мақсади хусусий капиталнинг ҳисобот даври боши ва охиридаги ҳолати ва ҳисобот даври мобайнида унинг таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш ҳисобланади.

99. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда хусусий капитал ва унинг таркибий элементлари, шу жумладан устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), сотиб олинган хусусий акциялар ва бошқа хусусий капитал элементлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак.

100. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот давридаги хусусий капитал таркибида бўлган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши керак. Бунинг учун ҳисоботда қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак:

- қимматли қоғозлар эмиссияси;
- узоқ муддатли активларнинг қайта баҳоланиши;
- устав капиталини шакллантиришдаги валюта курсидаги фарқлар;
- резерв капиталга ажратмалар;
- жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари);
- текинга олинган мол-мулк;
- пул ва акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар;
- хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари.

101. Хусусий капитал таркибидаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботларда қабул қилинган ва ёритиб бериладиган баҳолашнинг аниқ принциpidан келиб чиққан ҳолда ҳисобот даври давомидаги соф активларнинг кўпайиши ёки камайишини акс эттиради.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда соф активлар деганда ташкилотнинг ўз маблағлари билан таъминланган узоқ муддатли ва жорий активларнинг қиймати, яъни ташкилотнинг қарз мажбуриятларидан озод бўлган мол-мулк қиймати тушунилади.

102. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботга изоҳларда иштирокчининг чиқиб кетиши, акциядорлик жамияти томонидан акцияларнинг сотиб олиниши ёки сотиб олинган акцияларнинг бекор қилиниши, акциялар номинал қийматининг пасайиши ёки бошқа сабабларга кўра ташкилот хусусий капиталининг камайиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар ёритиб бериллади.

103. Акциядорлик жамиятлари хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботга изоҳларда қуйидагилар ҳақидаги маълумотларни ёритиб берадилар:

- чиқарилган акциялар сони;

акцияларнинг номинал қиймати;

муомаладаги акциялар сони;

обуна амалга оширилиши назарда тутилаётган акцияларнинг умумий сони ва номинал қиймати;

назарда тutilган миқдорлар билан таққослаганда обуна амалга оширилган акцияларнинг умумий миқдори ва номинал қиймати;

акцияларга обунани амалга оширишда олинган маблағларнинг умумий суммаси;

айрим турлар ва тоифалар бўйича устав капитали таркибидаги акциялар;

имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган жамланган дивидендлар суммаси;

акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, хусусан тўланадиган акцияларнинг сони ва қиймати, шунингдек, уларнинг турлари ёки тоифалари;

акцияларни йириклаштириш ва майдалаш ҳамда мазкур жараёнгача ва ундан кейинги акцияларнинг номинал қиймати.

104. Акцияларга обуна бўлишдан олинган маблағларнинг умумий суммаси молиявий ҳисоботларга изоҳларда қуйидагилар кесимида ёритиб берилади:

акциялар сонини кўрсатган ҳолда акциялар учун тўлов сифатида киритилган барча пул маблағлари;

акциялар сонини кўрсатган ҳолда акциялар учун тўлов сифатида киритилган мол-мулкнинг қиймат баҳоси;

акциялар сони ва валюта ҳисобга киритилган курсни кўрсатган ҳолда акциялар учун тўлов сифатида киритилган чет эл валютасининг умумий суммаси.

105. Устав капитали таркибидаги акциялар тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларга изоҳларда алоҳида турлари ва тоифалари бўйича ёритиб берилади:

устав капиталининг тўланмаган қисмини кўрсатган ҳолда чиқарилган акциялар сони;

акциянинг номинал қиймати;

ҳисобот даври мобайнида муомалада бўлган акциялар сонидagi ўзгаришлар;

акциялар билан боғлиқ ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловлар, шу жумладан дивидендларнинг тақсимланиши ва капиталнинг қайтариб берилиши бўйича чекловлар;

жамиятнинг ўзига, унинг шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тегишли акциялар;

таъсисчилар рўйхати ва улар эгалик қилаётган акциялар сони;

ижроия органи аъзоларининг мулки бўлган акциялар сони;

опционлар ва бошқа шартномаларга мувофиқ чиқариш учун захира қилинган акциялар, уларнинг муддатлари ва суммаларини кўрсатган ҳолда;

конвертация қилинадиган (акцияларга ёки облигацияларга) акцияларнинг сони ва номинал қиймати ҳамда ушбу акцияларнинг қарзга оид қимматли қоғозларга конвертация қилинган ҳолларда юзага келиши мумкин бўлган мажбуриятлар.

106. Акциядорлик жамиятларидан бошқа барча ташкилотлар молиявий



ҳисоботларга изоҳларда қўйидагилар тўғрисида маълумотларни ёритиб берадилар:

устав капиталидаги улушларнинг иштирокчилар (таъсисчилар) ўртасида тақсимланиши;

устав капиталидаги улушларга тегишли ҳуқуқлар, имтиёзлар ёки чекловлар;

устав капиталидаги иштирокчилар (таъсисчилар) улуши таркибидаги ўзгаришлар.

### **9-боб. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот**

107. Ташкилот пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (9-сонли БҲМС) «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот»га (рўйхат рақами 519, 1998 йил 4 ноябрь) мувофиқ тақдим этиши лозим.

### **10-боб Ҳисоб сиёсатидаги ва ҳисоб баҳоларидаги ўзгартиришлар ҳамда муҳим (жиддий) хатоларни молиявий ҳисоботда акс эттириш**

#### **1-§. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартиришлар**

108. Ҳисоб сиёсатига мазкур БҲМСнинг 52-бандига мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

109. Ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш натижасида юзага келадиган тузатишлар суммаси қўйидагича ҳисобга олинади:

а) йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан бухгалтерия балансига ёзиб қўйиш;

б) ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарарни ҳисоблашда инobatга олиш.

110. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартиришлар молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг олдинги даврига нисбатан ҳисобот даврига муҳим таъсир ўтказса ёки келгуси ҳисобот даврларига таъсир ўтказадиган бўлса, ташкилот молиявий ҳисоботларга изоҳларда қўйидаги маълумотларни ёритиб бериши керак:

а) ўзгартиришлар сабаблари;

б) ҳисобот давридаги ва тақдим этилган олдинги даврлардаги тузатишлар суммаси;

в) жорий даврдаги соф даромад ёки зарарда ҳисобга олинган тузатиш суммаси;

г) қиёсий маълумотларга киритилган ҳисобот даврдан олдинги даврлардаги тузатишлар суммаси;

д) қўшимча маълумотлар келтирилган ҳар бир ҳисобот даврига киритилган тузатишлар суммаси ва молиявий ҳисоботларга киритилган даврлардан олдинги даврлар билан боғлиқ тузатишлар суммаси. Агар қиёсий ахборот киритилган бўлса ёки қўшимча маълумот тақдим этиш имконияти бўлмаса, бу ҳолат ёритиб берилиши керак;

е) қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки уларни қайта ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмаслигининг сабаблари.

## 2-§. Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар

111. Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг натижалари соф фойда ва зарарни ҳисоблашда қуйидагича инобатга олинади:

а) ҳисобот даврида, агар бу ўзгаришлар фақат мазкур даврга таъсир этган бўлса;

б) ўзгаришлар юз берган ҳисобот даврида ва кейинги ҳисобот даврларида, агар ўзгаришлар уларга ҳам таъсир ўтказса.

112. Ҳисоб баҳолари ўзгартирилган турли даврлардаги молиявий ҳисоботларни бир-бирига қиёслашни таъминлаш мақсадида улар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг илгари баҳолаш учун фойдаланилган таснифланган моддаларига киритилади.

113. Жорий даврга жиддий таъсир қиладиган ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг моҳияти ва қиймати ёки бу ўзгаришлар кейинги даврларда муҳим ўзгаришларга олиб келадиган бўлса, уларнинг моҳияти ва қиймати молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши лозим.

Агар натижаларни ва ўзгаришларни қиймат жиҳатидан аниқлашнинг имкони бўлмаса, уларни ҳам ёритиб бериш талаб қилинади.

## 3-§. Муҳим (жиддий) хатолар

114. Муҳим (жиддий) хатолар — жорий ҳисобот даврида аниқланган хатолар бўлиб, улар ўтган даврлардаги молиявий ҳисоботлар ишончли деб ҳисобланмаслигига сабаб бўлади.

115. Олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида йўл қўйилган хатоларга киритилган тузатиш миқдори (қиймати) ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарарга қўшилади.

116. Олдинги даврда йўл қўйилган муҳим хатоларни тузатиш миқдори:

а) йил бошигача тақсимланган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан ҳисоботда акс эттирилади;

б) ўтган йилнинг шу даврига оид маълумотлар ўзгартирилади, агар хатолар муҳим (жиддий) деб ҳисобланмаса, улар истисно қилинади.

117. Ташкилотнинг бухгалтерия балансидаги йил бошида тақсимланмаган фойданинг сальдосида муҳим хатоларни акс эттиришда қуйидаги ахборот ёритиб берилиши керак:

муҳим хатоларнинг моҳияти;

жорий даврдаги ва ҳисобот тақдим этилган ҳар бир даврдаги тузатишлар миқдори;

олдинги йилларнинг маълумотларига киритилган дастлабки даврларга оид тузатишлар миқдори;

қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки қайта ҳисоблаш мумкин бўлмаслиги сабаблари.

118. Жорий даврдаги соф фойда ёки зарарга қўшиш йўли билан олдинги

даврлардаги хатоларни тўғрилаш чоғида олдинги йилларга оид қиёсий ахборот олдинги давр учун тузилган молиявий ҳисобда тузатилган ҳолда кўрсатилиши керак, лекин жорий даврдаги ёки олдинги ҳар қандай даврдаги соф фойда ёки зарарни кўрсатиш учун (агар муҳим хатолар шу даврлар давомида тузатилган бўлса) алоҳида устунда қўшимча ахборот келтирилиши лозим.

Ташкилот тузатиш киритиш билан бир вақтнинг ўзида қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:

жиддий (муҳим) хатонинг моҳияти;

жорий даврдаги фойда ёки зарар деб эътироф этилган тузатишлар суммаси;

қўшимча маълумотлар тақдим этилган ҳар бир даврга оид тузатишлар суммаси ҳамда шу даврдан олдинги даврларга оид қўшимча маълумотларга киритилган даврларга тааллуқли тузатишлар суммаси. Агар амалиётда қўшимча маълумотлар келтириш қўлланилмаса, бунинг сабаблари ёритиб берилиши керак.

### **11-боб. Молиявий ҳисоботларга изоҳлар**

119. Молиявий ҳисоботга изоҳлар ҳисоб-китоблар, тушунтиришлар ва изоҳлар кўринишида бўлади.

120. Ташкилот молиявий ҳисоботга изоҳларда қуйидагиларни ёритиб бериши керак:

ташкilotнинг молиявий ҳисоботини тузишда ва ҳисоб сиёсатида танлаб олинган ва қўлланилаётган асос тўғрисидаги маълумот;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари талаб қилувчи, молиявий ҳисоботнинг ҳеч бир жойида акс эттирилмаган маълумотлар;

молиявий ҳисоботда келтирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тасаввур этиш учун зарур бўлган қўшимча таҳлилий маълумот.

121. Тушунтиришлар тизимли равишда тушунтириш хати кўринишида тақдим этилиши керак.

Тушунтиришлардаги ахборот молиявий ҳисоботда келтирилган тегишли моддаларга ҳавола этилган ҳолда тақдим этилиши лозим.

122. Тушунтириш фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни яхшироқ тушунишга ва уларни бошқа ташкилотлар молиявий ҳисоботининг қуйидаги хусусиятлари билан қиёслашга ёрдам беради:

а) бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқлиги ҳақидаги маълумот;

б) бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган баҳолаш усуллари ва ҳисоб сиёсати тўғрисидаги маълумот;

в) молиявий ҳисоботларда келтирилган моддалар бўйича қўшимча маълумот;

г) қуйидагиларни ўз ичига олган бошқа ёритиб беришлар:

шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ёритиб беришлар;

молия билан боғлиқ бўлмаган ёритиб беришлар.

123. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асоси ва бухгалтерия ҳисоби бо-

бидаги махсус сиёсат ҳақидаги ахборот молиявий ҳисоботга изоҳлар олдидан алоҳида ҳисобот кўринишида тақдим этилиши керак.

124. Молиявий ҳисоботга изоҳлардаги ҳисоб сиёсати тўғрисидаги бўлимда қуйидагилар ёритиб берилиши керак:

а) молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган (қўлланилаётган) баҳолаш усули (усуллари);

б) молиявий ҳисоботларни аниқ тасаввур этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳисоб сиёсатининг ҳар бир махсус қисми;

в) ҳисоб сиёсатида бирор ўзгариш содир бўлганда тузиладиган тушунтириш.

125. Молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган махсус ҳисоб сиёсатига қўшимча равишда ҳисоботдан фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларда қўлланиладиган баҳолаш (бошланғич қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконт қиймат ва баланс қиймати) усулини (усулларини) англаш жуда муҳимдир. Ушбу баҳолаш усуллари кўп жиҳатдан узлуксизлик ва ҳисоблаш принципларига ўхшаш бўлиб, улар молиявий ҳисоботни тузишнинг асосини шакллантиради. Баҳолаш усуллари ушбу принциплардан баъзи ҳолатларда баҳолаш усулларини танлаб олиш имконияти мавжудлиги билан фарқ қилади.

Агар молиявий ҳисоботларда баҳолашнинг биттадан ортиқ усули қўлланилса, (масалан, асосий воситаларнинг муайян турини баҳолашда) баҳолашнинг алоҳида усули қўлланилган активлар ва мажбуриятлар тоифаси бўйича маълумотлар тақдим этилиши зарур.

126. Ҳисоботдан фойдаланувчи учун ҳисоб сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беришнинг устуворлигини кўриб чиқишда раҳбарлар у ташкилотнинг хатарларини ва келгусидаги пул маблағи оқимини баҳолашга имкон беришини эътиборга олиши керак. Ҳисоб сиёсатини ёритиб бериш қуйидаги ахборотларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланиб қолмайди:

фойдани акс эттириш;

консолидациялаш принциплари;

фаолият турларини уйғунлаштириш;

биргаликдаги фаолият;

моддий ва номоддий активларни акс эттириш ва уларга эскириши (амортизация) ҳисоблаш;

жалб этилган маблағлар қийматининг капитализация қилиниши ва бошқа харажатлар;

капитал қуйилмалар;

инвестиция мулки;

молиявий инструментлар ва инвестициялар;

ижара;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан боғлиқ харажатлар;

товар-моддий захиралар;

солиқлар, жумладан кечиктирилган солиқлар;

резервлар;

ходимларни сақлаб туриш;  
хорижий валютани ўтказиш;  
фаолият турларини, географик сегментларни ва харажатларни сегментлар ўртасида тақсимлаш усулини белгилаш;  
инфляцияни ҳисобга олиш;  
давлат ёрдами.

127. Ташкилот, агар бошқа молиявий ҳисоботларда ёритилмай қолган бўлса, қуйидаги ахборотларни ёритиб бериши керак:

ташкilotнинг ҳуқуқий шакли, таъсис этилган мамлакат ва рўйхатга олинган идоранинг юридик манзили (ёки амалий фаолият аниқ жойи, агар амалий фаолиятнинг манзили рўйхатга олинган идора манзилдан фарқ қилса);

ташкilotлар асосий фаолияти операциялари моҳиятининг тавсифи;  
бош ташкilotи ёки гуруҳ бош ташкilotининг номи;  
ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 130-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-17/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 18 сентябрдаги 71-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 474-1, 2012 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 473-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августда 43-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (3-сонли БҲМС) «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (рўйхат рақами 484, 1998 йил 26 август).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 12 мартдаги 45-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (15-сон БҲМС) «Бухгалтерия баланси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1226, 2003 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 5-6-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 14 июндаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (15-сон БҲМС) «Бухгалтерия баланси»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1226-1, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 519-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 1 мартдаги 36-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (14-сон БҲМС) «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1335, 2004 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 14-сон, 174-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 13 июндаги 76-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (14-сон БҲМС) «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1335-1, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 517-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**280** Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3545*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 29 июль,  
17-мҳ-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 августда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2024 йил 29 июлдаги  
17-мх-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини (бундан буён матнда техник ҳужжатлар деб юритилади) тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари** — шаҳарсозликнинг асоси бўлиб, улар шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатлардир;

**фитосанитария талаблари** — карантин остидаги маҳсулотга, уни олиб киришга, олиб чиқишга, ишлаб чиқаришга, қайта ишлашга, сақлашга, ташишга, реализация қилишга ва йўқ қилишга доир талабларни белгилайдиган, давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган ҳужжатлардир;

**санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари** — давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши шарт бўлган аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги талабларни белгилайдиган ҳужжатлардир;

**ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари** — ветеринария соҳасидаги талабларни белгиловчи, давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар риоя этиши шарт бўлган ҳужжатлардир;

**қонунчилик техникаси** — ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун фойдаланиладиган қоидалар, методлар, воситалар ва усуллар (инструментлар) мажмуи;

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими** (бундан буён матнда ягона электрон тизим деб юритилади) — техник ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олинишини таъминловчи электрон тизим;

**ҳуқуқий экспертиза** — техник ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини ҳамда уларда ҳуқуқий нормалар мавжудлигини аниқлаш нуқтаи назаридан текшириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг (бундан буён матнда вазирлик ва идоралар деб юритилади) техник ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва ҳисобга олинади.

3. Техник ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш, қабул қилиш, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш фақат ягона электрон тизим орқали амалга оширилади, бундан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник ҳужжатлар мустасно.

4. Техник ҳужжатларда назарда тутилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи масалалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш предмети ҳисобланмайди.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган техник ҳужжатларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлайди. Техник ҳужжатни қўллаш бўйича тегишли тушунтириш бериш зарурияти юзага келган тақдирда, техник ҳужжатни қабул қилган орган тегишли тушунтириш беради.

6. Техник ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

## **2-боб. Техник ҳужжатларнинг турлари ва амал қилиш муддатлари**

7. Техник ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг 1 — 8-иловаларига\* мувофиқ буйруқ ёки қарорлар билан тасдиқланади.

8. Буйруқлар вазирлик ва идора номидан қарор қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган вазирлик ёки идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

9. Қарорлар идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиял органлари томонидан амалга ошириладиган идоралар томонидан қабул қилинади.

10. Буйруқ ва қарорлар бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

11. Буйруқ ёки қарор билан мазкур Қоидаларнинг 2 — 4-иловаларига мувофиқ ушбу буйруқ ёки қарорнинг таркибий қисми бўлган қўйидагилар:

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари;

фитосанитария талаблари;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари;

экологик нормалар ва қоидалар;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари тасдиқланиши мумкин.

Битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта техник ҳужжатларнинг тасдиқланишига йўл қўйилмайди.

---

\* 1 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Техник ҳужжатлар муайян муддатга (вақтинчалик) ёки номуайян муддатга қабул қилиниши мумкин.

Техник ҳужжатларнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин.

13. Техник ҳужжатларнинг амал қилиш муддати:

аниқ сана билан;

муайян ҳодисанинг юз бериши ёхуд техник ҳужжатларнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсадга эришилганлиги билан чегараланиши мумкин.

### **3-боб. Техник ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш**

#### **1-§. Техник ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш**

14. Техник ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш вазирлик ва идораларнинг бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларига, уларнинг вазифалари ва ваколатларини ҳисобга олган ҳолда юклатилади. Бунда, кўрсатилган лойиҳанинг тайёрланиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар доираси, уни тайёрлаш муддати, зарурат бўлган тақдирда эса, мазкур ишга жалб қилинадиган ташкилотлар аниқланади.

15. Техник ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун ишчи гуруҳлар, шунингдек эксперт кенгашлари тузилиши мумкин.

Техник ҳужжат лойиҳалари тегишли соҳа ва мутахассисликка ихтисослашган институтлар (ташкилотлар) томонидан ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

16. Техник ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

17. Техник ҳужжат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлиши шарт.

#### **2-§. Техник ҳужжатнинг тузилиши**

18. Техник ҳужжатнинг тузилиши тартибга солиш предмети изчил (манتيқий) ривожланишини, шунингдек бўлажак ҳужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаши лозим.

Техник ҳужжатларга уларнинг тартибга солиш предмети билан боғлиқ бўлмаган қоидаларни киритишга йўл қўйилмайди.

19. Техник ҳужжат унинг мазмунига мувофиқ бўлган ҳамда тартибга солиш предмети акс эттирувчи қисқа номга эга бўлиши лозим. Ҳужжат номи аниқ, раво ва имкон қадар ахборотга бой бўлиши керак.

Агар буйруқ ёки қарор билан қуйидагилар:

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари;

фитосанитария талаблари;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари;

экологик нормалар ва қоидалар;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари тасдиқланадиган бўлса, мазкур Қоидаларнинг 1 — 4-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарорнинг номида ушбу ҳужжатларнинг тасдиқланиши кўрсатилиши лозим.

20. Техник ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва сабабларни тушунтириш учун лойиҳада кириш қисми — муқаддима берилиши мумкин.

Муқаддимада техник ҳужжатни қабул қилишнинг сабаблари, мақсадлари ва вазифалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида қабул қилинаётганлиги кўрсатилади.

Муқаддима бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

21. Ҳар бир қоида араб рақамларида белгиланиб, нуқта қўйилган бандлар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди. Техник ҳужжат бандлари изчил кетма-кетликда рақамланиши керак. Бандлар доирасимон қавслар билан беркитиладиган кичик ҳарфлар ёки рақамлар кўринишидаги кичик бандларга ҳамда хатбошиларга бўлиниши мумкин.

22. Ҳажмига кўра техник ҳужжат камайиб борувчи бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларга бўлинади.

Иккинчи ва кейинги хатбошиларни бўлишга йўл қўйилмайди.

Бўлимлар рим, боблар эса араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

### **3-§. Техник ҳужжатнинг мазмунини баён этиш**

23. Техник ҳужжатда унинг бошқа бандларига, шунингдек бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорланишларнинг олдини олиш учунгина йўл қўйилади.

24. Зарур ҳолларда ҳужжатда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки техник ҳужжат ёхуд халқаро ҳужжатларга ҳавола қилиниши мумкин.

25. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ёки техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги техник ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолларда унинг тури, реквизитлари ва номи кўрсатилиши шарт.

26. Техник ҳужжатда мавжуд бўлмаган ёки ўз кучини йўқотган деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва техник ҳужжатларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирмаган халқаро ҳужжатларга ҳавола қилишга йўл қўйилмайди.

27. Техник ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равлон тилда баён этилиши керак. Бунда, ҳужжатнинг ҳар бир банди тўлиқ ва тугалланган маъно ва мазмунга эга бўлиши лозим.

Техник ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, агар мавжуд бўлса, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

28. Техник ҳужжатда қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди: оғзаки нутқ шакллари;

давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда хо-рижий тилларнинг атамалари;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар.

29. Техник ҳужжатнинг матни умумэътироф этилган грамматик, орфо-график ва пунктуация қоидалари асосида тузилади.

Техник ҳужжатда техник ва бошқа махсус тушунчалардан фойдаланилган ҳолларда, ҳужжатда уларнинг таърифлари берилади. Ҳужжатда кўп мартаба қўлланилган бир ёки бир нечта тушунчага таъриф бериш зарур бўлган ҳолларда улар мазкур Қоидаларнинг 2 — 4-иловаларига мувофиқ ҳужжатнинг бошланишида алоҳида бандда кўрсатилади.

Техник ҳужжатда умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкин.

30. Агар техник ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар ва бланкалар намуналари, услубиётлар берилса, унда улар иловалар кўринишида, ҳужжатнинг тегишли бандларида ушбу илова-ларга ҳавоалар қўллаган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.

Иловалар тегишли тартибда араб рақамлари билан рақамланади.

#### **4-§. Техник ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳани тайёрлаш**

31. Техник ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш тегишлича буйруқлар ёки қарорлар билан расмийлашти-рилади.

Муқаддам қабул қилинган техник ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ёки уларнинг тузилмавий бирликларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қоидалар мазкур Қоидаларнинг 5 — 8-ило-валарига мувофиқ буйруқ ёки қарор лойиҳасининг матнига киритилади (ўз кучини йўқотаётган техник ҳужжатлар, бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар, чиқариб ташланаётган хатбошилар кўрсатилган ҳолда).

32. Техник ҳужжатнинг лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар икки ёки ундан ортик бандни ташкил этса, бундай ўзгар-тириш ва қўшимчалар мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади.

33. Техник ҳужжатнинг кичик бандигача бўлган (кичик бандни ҳам қўш-ган ҳолда) тузилмавий бирлигининг амал қилишининг тугатилиши ўз кучини йўқотган деб топиш, хатбоши кўринишидаги тузилмавий бирликнинг амал қилишининг тугатилиши эса чиқариб ташлаш деб кўрсатилади.

34. Ўзгартиришларга қуйидагилар киради:

рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар ва позицияларни алмашти-риш;

кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни ўз

кучини йўқотган деб топиш ёки рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошиларни чиқариб ташлаш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни, шунингдек параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ва техник ҳужжатлар номларини янги таҳрирда баён қилиш.

35. Жумланинг, илованинг, бўлимнинг, бобнинг, банднинг, кичик банднинг, хатбошининг матнини сезиларли ўзгартириш талаб этилса, уларни янги таҳрирда баён этиш лозим.

36. Қўшимчаларга техник ҳужжатни янги рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар билан тўлдириш киради.

37. Техник ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи ҳужжат қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

нуқтали араб рақамлари билан рақамланадиган бандлар;

доирасимон қавс билан беркитиладиган кичик ҳарфлар ёки араб рақамлари билан белгиланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

38. Техник ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг иловалари, бўлимлари, боблари, параграфлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши ўзгармайди.

Агар техник ҳужжат янги тузилмавий бирликлар билан тўлдирилаётган бўлса, унда уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш лозим (масалан, 2<sup>1</sup>-банд, «в<sup>1</sup>»-кичик банди).

39. Агар тегишли қўшимчалар тузилмавий бирликнинг (бўлим, боб, параграф, банд ёки кичик банд) охирига киритилаётган бўлса, унда мавжуд рақамланиш давом эттирилади (масалан, агар ҳужжатнинг охириги банди 30-банд бўлса, техник ҳужжат 31-банд билан тўлдирилади, агар банднинг охириги банди «в» кичик банд ҳисобланса, унда «г» кичик банд билан тўлдирилади).

40. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшилаётганда, мазкур банд ёки кичик банднинг кейинги хатбошилари кетма-кетлиги тегишли тартибда ўзгаради.

41. Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матнига, уларнинг мазмунига қараб, тиниш белгилари ҳам қўшилади (масалан, «ва стандартлар» деган сўзлар «, стандартлар ва бошқа ҳужжатлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; «, шунингдек ҳужжатлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «сув билан таъминловчи корхоналар — « деган сўзлар чиқариб ташлансин).

Техник ҳужжатнинг номига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганда ушбу ҳужжат иловаларининг номи ва илова белгилари қайта кўриб чиқилади.

42. Техник ҳужжатнинг банди ёки кичик банди хатбошилардан иборат бўлса, хатбошиларни ҳисоблаш кириш хатбошисидан бошланади. Масалан:

«(биринчи хатбоши) 11. Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида (гуруҳларда) бўладиган вақти қуйидагича бўлиши мумкин:

(иккинчи хатбоши) болалар 3-4 соат бўладиган гуруҳларда — кундузги

уйқу ташкил этилмайди ва бир марталик овқатлантириш ташкил этилиши мумкин;

(учинчи хатбоши) болалар 9 — 10,5 соат бўладиган гуруҳларда — тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак;

(тўртинчи хатбоши) болалар 12 соат бўладиган гуруҳларда — тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши, кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

(бешинчи хатбоши) Мактабгача таълим ташкилотларининг болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларида кундузги ва тунги уйқу ҳамда камида беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши учун шароитлар яратилган бўлиши керак.».

43. Техник ҳужжатнинг тегишли тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилганда, кейинги тузилмавий бирликларнинг рақамланиши ўзгармайди.

44. Хатбоши чиқариб ташланганда кейинги хатбошиларнинг кетма-кетлиги қайта кўриб чиқилади. Масалан:

«2-банднинг «а» кичик бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.».

45. Асосий техник ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, ушбу ҳужжатга киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар ҳам ўз-ўзидан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

46. Агар техник ҳужжатга сезиларли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд бўлса ёки айнан бир масала бўйича бир нечта ҳужжатларнинг мавжудлиги аниқланса, шунингдек техник ҳужжат бир тилда қабул қилинган бўлса ва уни бошқа тилда ҳам қабул қилиш зарурияти бўлса, у ҳолда уларни тартибга солиш мақсадида янги ҳужжат ишлаб чиқилади.

47. Техник ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аниқлилигини лозим даражада назорат қилишни таъминлаш учун, шунингдек уларни тартибга солиш мақсадида ягона янги ҳужжат ишлаб чиқилганида вазирлик ёки идора раҳбари (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланадиган қиёсий жадвал тайёрланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига техник ҳужжат билан бирга киритилиши лозим.

48. Қиёсий жадвал учта графадан иборат бўлади:

техник ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётган тузилмавий бирлигининг амалдаги таҳрири;

киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни асослантириш.

49. Тегишли тузилмавий бирликнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳриридаги графалари қиёсий жадвалда қуйидаги кўринишда баён этилади: амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгараётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, ки-



чик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар «полужирный» шрифти билан ажратиб кўрсатилади;

таклиф этилаётган таҳрир графасида тўлдирилаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар «полужирный» шрифти билан ажратиб кўрсатилади;

амалдаги таҳрир графасида ўз кучини йўқотган деб топилаётган кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошилар «полужирный курсив» шрифти билан ажратиб кўрсатилади.

Агар техник ҳужжатнинг тузилмавий бирлиги янги таҳрирда баён этилаётган бўлса, қиёсий жадвалда фақат тегишлича ўзгараётган, тўлдирилаётган, ўз кучини йўқотган деб топилаётган ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар ажратиб кўрсатилади.

Амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгармаган тегишли рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар, киритилган ўзгартиришлар оддий шрифтда берилади.

#### **4-боб. Техник ҳужжатни расмийлаштириш, келишиш ва қабул қилиш**

##### **1-§. Техник ҳужжатни расмийлаштириш**

50. Буйруқлар ва қарорлар матнлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган тегишли бланкларда ёзилиши ва уларни қабул қилган органнинг (органларнинг) номи бўлиши лозим.

51. Техник ҳужжат уни тасдиқлаётган буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади, бунда буйруқ ёки қарорнинг тегишли бандида унга мазкур Қоидаларнинг 1 — 6-иловаларига мувофиқ ҳавола бўлиши лозим.

52. Иловалари бўлган техник ҳужжатнинг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланиши лозим.

53. Қоида тариқасида, стандарт варақ 1,2 қатор оралиғида («множитель») ёзилиши лозим; ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга; хатбоши беш-олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтида ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

54. Техник ҳужжат матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди. Бундан мазкур Қоидаларнинг 72-бандида кўрсатилган ҳолатлар мустасно.

55. Вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати техник ҳужжат лойиҳасининг қонунчиликка мувофиқлигини ҳамда унда ҳуқуқий нормалар мавжудлигини аниқлаш нуктаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Техник ҳужжат лойиҳаси қонунчиликка мувофиқ бўлса, шунингдек унда ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлмаса, юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланади ва хулоса тайёрланади.

56. Юридик хизмат мавжуд бўлмаган тақдирда, техник ҳужжат лойиҳаси бўйича хулоса техник ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан тайёрланиши ва вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланиши мумкин.

57. Техник ҳужжатга унинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати илова қилинади.

Тушунтириш хати вазирлик ёки идора раҳбари (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Тушунтириш хатида қуйидагилар акс эттирилади:

техник ҳужжатни тайёрлаш учун асос ва уни қабул қилиш зарурлигини асослаш, шу жумладан ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

техник ҳужжат билан белгиланадиган асосий қоидалар, уларни қисқача асослаш, шунингдек ҳужжатни қабул қилишдан кутилаётган натижалар. Бунда, техник ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан тартибга солишда юз бериши мумкин бўлган ижобий ўзгаришлар келтирилади. Кутилаётган натижалар миқдорий кўрсаткичлар кўрсатилган ҳолда баён қилиниши ҳам мумкин;

техник ҳужжатда қўлланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва техник ҳужжатларга ҳаволаларнинг ҳар бирини асослаш. Бунда, ҳавола қилинадиган ҳужжатнинг мазмуни қисқача очиб берилади;

техник ҳужжат билан тартибга солинаётган масала юзасидан бошқа давлатларнинг тажрибаси, кўриб чиқиляётган масала бўйича илмий адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларининг материаллари, шунингдек агар ўтказилган бўлса, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар маълумотлари;

техник ҳужжат лойиҳаси келишилган манфаатдор вазирликлар ва идоралар;

техник ҳужжатни асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

## **2-§. Техник ҳужжат лойиҳасини келишиш**

58. Техник ҳужжат лойиҳасида бошқа вазирлик ва идоралар манфаатларига ёки ваколатларига тааллуқли қоидалар мавжуд бўлса, техник ҳужжат лойиҳаси ягона электрон тизим орқали манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим. Бунда, техник ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идоралар томонидан у тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида эътирозларсиз келишилиши ёки асослантилган эътирозлар билан қайтарилиши керак.

Келишилаётган техник ҳужжат лойиҳаси вазирлик ёки идора раҳбари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Бунда, лавозим номи, фамилия, исмининг бош ҳарфи, шунингдек келишилиш санаси кўрсатилиши лозим.

Техник ҳужжат у биринчи келишилаётган вазирлик ва идора билан келишилганидан сўнг, эллик кун ичида қабул қилиниши керак.

59. Техник ҳужжатни келишиш давомида вазирлик ва идоралар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, бундай ҳужжат келишмовчиликлар бартараф қилингунига қадар қабул қилиниши мумкин эмас.

Агар келишмовчиликларни бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, техник ҳужжатни тайёрлашга масъул бўлган вазирлик ёки идора бу масалани батамом ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёхуд бошқа юқори турувчи органга мурожаат қилиши лозим.

60. Техник ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан буйруқ ёки қарорни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш йўли билан қабул қилинади.

Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник ҳужжатлар вазирлик ва идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланганда, имзолар тегишли вазирлик ва идоранинг муҳри билан тасдиқланади.

### **3-§. Техник ҳужжатни қабул қилиш**

61. Техник ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Бунда, ҳужжатнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

Техник ҳужжатнинг таржималари унинг давлат тилидаги таҳририга мувофиқ бўлиши шарт.

62. Вазирлик ёки идора раҳбарига икки ёки ундан ортиқ лавозимдаги вазифаларни бажариш юклатилган бўлса, у ҳолда ҳужжатнинг реквизитларида унга ушбу техник ҳужжатни имзолаш ҳуқуқини берувчи лавозими кўрсатилади.

Вазирлик ёки идора раҳбари вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, таътилдалиги ёки бошқа сабабга кўра бўлмаганида унинг вазифасини бажаришни юклаш тегишли вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзоланган ташкилий-бошқарув ҳужжатида назарда тутилган бўлиши лозим.

63. Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник ҳужжат иккита асл нусхада (битта асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги учун) қабул қилинади.

### **5-боб. Техник ҳужжатнинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, ҳисобга олиниши ва кучга кириши**

#### **1-§. Техник ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиш**

64. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун техник ҳужжат тасдиқланган ҳолда уни қабул қилган орган томонидан ушбу техник ҳужжат қабул қилинган куннинг ўзида ягона электрон тизим орқали тақдим этилади.

Техник ҳужжатни белгиланган муддат давомида ҳуқуқий экспертизадан

ўтказиш ва ҳисобга олиш учун тақдим қилиш факти ягона электрон тизим орқали келиб тушган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги девонхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилган санадан қайд қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган техник ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, унинг ҳуқуқий экспертизаси натижаси бўйича ҳужжатни ҳисобга олиш тўғрисида хулоса ёки ҳисобга олишни рад этиш тўғрисидаги хат расмийлаштирилгунга қадар ушбу ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза ва ҳисобга олиш учун такроран киритишга йўл қўйилмайди.

Мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган талабга риоя қилинмасдан такроран тақдим этилган техник ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ҳужжатни тақдим этган органга қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун битта кузатув хати билан фақатгина битта техник ҳужжат тақдим этилади.

65. Кузатув хатида техник ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши лозим.

66. Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига вазирлик ва идора раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган кузатув хати билан иккита асл нусхада тақдим қилинади.

Техник ҳужжат ҳисобга олингандан сўнг унинг битта асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қолади.

67. Техник ҳужжатга уни тақдим этган органнинг юридик хизмати раҳбари (вазирлик ёки идоранинг раҳбари ёки тегишли ўринбосари) томонидан имзоланган юридик хулоса илова қилинади.

68. Техник ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган тақдирда, юридик хулосада вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажаришни юклаш, шунингдек мазкур вазифаларни бажариш муддати кўрсатилган тегишли ташкилий-бошқарув ҳужжатининг (мазкур ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда) реквизитлари бўлиши лозим.

69. Техник ҳужжат унинг амал қилиш муддатидан (доимий амал қилувчи, вақтинчалик (маълум бир муддатга қабул қилинган), шунингдек ундаги қоидаларнинг қандай хусусиятда бўлишидан, шу жумладан давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга ёки махфий маълумотларга эга бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ва ҳисобга олиниши лозим.

## **2-§. Техник ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш**

70. Техник ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида амалга оширилади. Агар кўрсатилган муддатнинг

тугаши иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, унда ҳисобга олиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига қадар узайтирилади.

Агар тақдим этилган техник ҳужжат, шу жумладан малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан қўшимча ўрганишни талаб этадиган бўлса, ушбу ҳужжатни кўриб чиқиш муддати ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

71. Тақдим қилинган техник ҳужжатни ҳисобга олиш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

а) ҳужжат қонунчилик ҳужжатларига зид бўлса;

б) ҳужжат мазкур Қоидалар билан ўрнатилган техник ҳужжатларни ҳисобга олиш учун тақдим этиш тартибини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилган бўлса.

Техник ҳужжатларни ҳисобга олиш учун тақдим этиш тартиби бузилганлиги сабабли ҳисобга олиш рад этилса, ҳуқуқий экспертиза ўтказилмайди;

в) ҳужжат манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса;

г) ҳужжатда ҳуқуқий нормалар қўлланилган бўлса;

д) ҳужжат мазкур Қоидалар билан ўрнатилган бошқа талабларга жавоб бермаса.

72. Ягона электрон тизим орқали тақдим этилган техник ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижасида унда техник кўринишдаги, шу жумладан ҳужжат мазмунининг ўзгаришига олиб келмайдиган хатоликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, мазкур хатоликлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ягона электрон тизим орқали бартараф этилиши мумкин. Бунда, техник ҳужжатда аниқланган техник кўринишдаги, шу жумладан мазмун ўзгаришига олиб келмайдиган хатоликлар ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан имзоланган тегишли хатга асосан бартараф этилади.

73. Техник ҳужжатларни ҳисобга олиш рад этилган кундан бошлаб ўн кун ичида вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан ҳисобга олиш рад этилган ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилади ва унинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади.

Ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжат юборилаётган кузатув хатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳисобга олиш рад этилганлиги ҳақидаги хатининг (хулосасининг) санаси ва рақами кўрсатилиши шарт.

Ҳисобга олиш рад этилган техник ҳужжат бекор қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хулосасини эътиборга олган ҳолда қайта ишлаб чиқилиши ва ҳисобга олиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

Мазкур Қоидаларнинг 71-банди «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган асослар бўйича ҳисобга олиш рад этилганда, вазирлик ва идоралар бир ой ичида рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ушбу техник ҳужжатни ҳисобга олиш учун такроран тақдим этишга ёхуд ҳужжатни бекор қилишга мажбурдирлар.

74. Техник ҳужжатлар уларни қабул қилган вазирлик ёки идораларнинг тегишли хатига асосан ҳуқуқий экспертизанинг исталган босқичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайтариб берилиши ва кўрмасдан қолдирилиши мумкин.

75. Техник ҳужжатни ҳисобга олиш ягона электрон тизим орқали техник ҳужжатни ҳисобга олиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланадиган хулоса билан расмийлаштирилади.

Техник ҳужжатни ҳисобга олиш тўғрисидаги хулоса асосида ҳисобга олиш рақами берилган ҳолда Давлат реестрига тегишли маълумот киритилади.

Техник ҳужжатлар реестри электрон шаклда юритилади.

Вазирлик ва идоралар ҳисобга олинган техник ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан электрон кўринишда юклаб олишлари мумкин.

76. Техник ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги техник ҳужжатлар мазкур Қоидаларда ўрнатилган асосларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олиниши лозим.

### **3-§. Техник ҳужжатларнинг кучга кириши**

77. Техник ҳужжат, агар қонунчилик ҳужжатларида ёки ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлса, унда техник ҳужжат шу санадан бошлаб кучга киради.

78. Ҳисобга олиниши лозим бўлган техник ҳужжатларни, улар ҳисобга олинмасдан ва расмий эълон қилинмасидан, ижрога юборишга йўл қўйилмайди. Ҳисобга олиниши лозим бўлган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олинмаган техник ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида қўлланилмайди.

### **6-боб. Яқуний қоидалар**

#### **1-§. Техник ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш**

79. Техник ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан, мавжуд соҳадаги техник ҳужжатларни такомиллаштириш талаб этилган тақдирда, шу жумладан вазирлик ва идоралар томонидан янги техник ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек уларни қабул қилган вазирлик ва идораларнинг ташаббуси бўйича амалга оширилади.

80. Қонунчилик ҳужжатлари ўзгарган ёки мавжуд соҳадаги техник ҳужжатларни такомиллаштириш талаб этилган тақдирда, вазирлик ва идоралар



ўзлари томонидан қабул қилинган техник ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдирлар.

81. Техник ҳужжатларни қонунчилик ҳужжатлари, техник ҳужжатлар ўзгариши муносабати билан ёхуд вазирлик ёки идора ташаббуси бўйича қайта кўриб чиқишда айрим техник ҳужжатларнинг амал қилишини тугатиш зарурати юзага келган тақдирда, вазирлик ва идоралар техник ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги тегишли буйруқ ёки қарорни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этадилар.

82. Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган техник ҳужжатларга бир хил масаладаги ўзгартириш ва қўшимчаларни битта ҳужжат билан киритиши лозим.

83. Илгари қабул қилинган техник ҳужжатни (тузилмавий бирликни) ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи техник ҳужжатни ёки унинг тузилмавий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш, илгари қабул қилинган техник ҳужжат (тузилмавий бирлик) амал қилишининг тикланишига олиб келмайди.

84. Техник ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга ваколатли бошқа орган томонидан ушбу ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Бир нечта вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилинган техник ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар келишилган вазирлик ва идоралардан қайси бирининг манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилса, ўша вазирлик ва идоралар билан келишилади.

Агар техник ҳужжатга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар уни қабул қилишда иштирок этмаган вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим бўлса, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу вазирлик ва идоралар билан ҳам келишилиши лозим.

85. Техник ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган вазирлик ёки идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида техник ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган техник ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади.

86. Вазирлик ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли техник ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган техник ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

Вазирлик ёки идора мақомининг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.



## 2-§. Техник ҳужжатларни эълон қилиш ва уларнинг матнларини тарқатиш

87. Ҳисобга олинган техник ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинади.

Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган техник ҳужжатларни (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) улар расмий эълон қилингандан кейин ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириши мумкин.

88. Техник ҳужжатни эълон қилиш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олинган рақами ва санаси кўрсатилиши мажбурийдир.

Техник ҳужжатни расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ва маълумотларнинг электрон базаларида эълон қилишда (тарқатишда), шунингдек қайта чоп этиш йўли билан тарқатишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олинган рақами ва санаси ҳужжатнинг биринчи варағининг марказида унинг номининг остига қўйилади.

89. Вазирлик ва идоралар, ўз ваколатлари доирасида, ўзлари томонидан қабул қилинган техник ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2024 йил 29 июлдаги  
17-мх-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

## Ўз кучини йўқотган деб топилаётган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 25-мх-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3344, 2021 йил 28 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2021 й., 10/21/3344/1218-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 7 июндаги 15-мх-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3344-1, 2022 йил 7 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2022 й., 10/22/3344-1/0488-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**281** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3374-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 ноябрдаги ПФ–188-сон «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 23 июндаги 200-сон буйруғи (рўйхат рақами 3374, 2022 йил 28 июнь) (Қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 28.06.2022 й.,10/22/3374/0582-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 1 август,  
412-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 августда эълон қилинган.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI  
HUZURIDAGI IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI  
KURASHISH DEPARTAMENTINING  
QARORI

**282** “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
9-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3061-5*

O‘zbekiston Respublikasining “Pochta aloqasi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2018-yil 5-iyuldagi 176-mh va 28-son “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 3061, 2018-yil 28-avgust) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.08.2018-y., 10/18/3061/1807-son) ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Raqamli texnologiyalar vaziri**

**Sh. SHERMATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 8-iyul,  
268-mh-son

**Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi  
kurashish departamenti boshlig‘i**

**S. SOXIBNAZAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 1-iyul,  
20-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 12-avgustda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Raqamli texnologiyalar vazirligining 2024-yil  
8-iyuldagi 268-mh-son va Bosh prokuratura  
huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi  
kurashish departamentining 2024-yil  
1-iyuldagi 20-son qaroriga  
ILOVA

**“Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Qaror nomi va 1-banddagi “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari” degan so'zlar “Pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Qoidalarda:

1) nomidagi “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari” degan so'zlar “Pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) muqaddimasi va 2-ilovaning 2-bandi “a” kichik bandidagi “pochta aloqasi operatorlari, provayderlari” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3) 1-bandda:

uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“ichki nazorat** — pochta aloqasi milliy operatorining pul mablag'larining pochta o'tkazmalarini jo'natishni amalga oshiruvchi, foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirish bilan bog'liq tavakkalchiliklarni boshqarish, shubhali operatsiyalarni aniqlash hamda terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirg'in qurollarini tarqatishda ishtirok etuvchi yoxud ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslar bilan bog'liq bo'lgan operatsiyalarni aniqlashga doir faoliyati;”

o'n uchinch xatboshidagi “operatorlari, provayderlari” degan so'zlar “milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n yettinchi xatboshidagi “operatorlari, provayderlarida” degan so'zlar “milliy operatorida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n to'qqizinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“pul mablag'larining pochta o'tkazmasi** (bundan buyon matnda pul o'tkazmasi deb yuritiladi) — pochta jo'natmasi bo'lib, jo'natuvchi uning vositasida o'zi pochta aloqasi milliy operatoriga to'lagan pul mablag'lari summasini adresatga to'lashni topshiradi;”

yigirma beshinchi xatboshisidagi “operatorlari, provayderlarining” degan so'zlar “milliy operatorining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yigirma sakkizinchi xatboshidagi “tashkilotlar.” degan so'z “tashkilotlar;” degan so'z bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

**“yuridik shaxsni tashkil etmagan chet el tuzilmasi** — chet davlatning qonunchilik hujjatlariga muvofiq yuridik shaxs tashkil etmagan holda tashkil etilgan va o'z ishtirokchilarining (paychilarning, ishonch bildiruvchilarning yoki boshqa shaxslarning) yoxud boshqa benefitsiarlarning manfaatlarini ko'zlab daromad (foyda) olishga qaratilgan faoliyatni amalga oshirish huquqiga ega bo'lgan tashkiliy tuzilmadir (fondlar, sherikliklar, shirkatlar, trastlar, jamoaviy investitsiyalar va (yoki) ishonchli boshqaruvning boshqa shakllari).”;

4) 2-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“pochta aloqasi milliy operatorining jinoiy faoliyatga qasddan yoki qasddan bo'lmagan holda jalb etilishiga yo'l qo'ymaslik;”;

5) 4-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Pochta aloqasi milliy operatori tomonidan ichki nazorat tizimi uning ish jihatlarini, foydalanuvchilar va ularning operatsiyalari bilan bog'liq tavakkalchilik darajasini hisobga olgan holda tashkil etiladi.”;

6) 5-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Pochta aloqasi milliy operatori ichki nazorat tizimining tegishli tuzilmasini tashkil etishi kerak.”;

ikkinchi xatboshidagi “pochta aloqasi operatori, provayderi” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

7) 6-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Ichki nazorat tizimi tuzilmasi milliy operatorining tegishli bo'linmasi yoki mas'ul xodimlari, shuningdek pochta aloqasi xodimlaridan iborat.”;

ikkinchi xatboshidagi “pochta aloqasi operatori, provayderi” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Ichki nazorat tizimi tuzilmasi rahbari oliy ma'lumotga va pochta aloqasi milliy operatorining pul o'tkazmalari bilan bog'liq bo'linmasini boshqarish bo'yicha kamida ikki yillik ish tajribasiga yoki ichki nazorat tizimi tuzilmasida kamida bir yillik ish stajiga ega bo'lishi kerak.”;

8) 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Ichki nazorat tizimining tuzilmasi rahbari va mas'ul xodimlariga malakaviy va ishbilarmonlik obro'siga qo'yiladigan talablar jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi qonunchilik hujjatlari talablarini hisobga olgan holda, pochta aloqasi milliy operatorining rahbari tomonidan belgilanadi.”;

9) 9-bandning ikkinchi xatboshisidagi “qonun hujjatlari” degan so'zlar “qonunchilik hujjatlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 10-bandda:

beshinchi, sakkizinchi va to'qqizinchi xatboshilardagi “pochta aloqasi operatori, provayderining” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“pochta aloqasi faoliyatida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari, mazkur Qoidalar va ichki qoidalar talablariga rioya qilinmaganligi bo‘yicha aniqlangan kamchilik va qoidabuzarliklarni bartaraf etish yuzasidan pochta aloqasi milliy operator rahbari ko‘rib chiqishi uchun takliflar tayyorlaydi va kiritadi;”;

11) 11-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “pochta aloqasi operatori, provayderining” degan so‘zlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

12) 13-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Pochta aloqasi milliy operatori mazkur Qoidalar talablaridan kelib chiqqan holda, quyidagilar aks etgan ichki qoidalarni ishlab chiqishi kerak:”;

beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“mas‘ul xodimlar tomonidan pochta aloqasi milliy operatori rahbariga jinoiy faoliyatidan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashishga oid qonunchilik hujjatlari buzilishi faktlari to‘g‘risida axborot taqdim etish tartibi;”;

o‘zbek tilidagi matn quyidagi mazmundagi o‘n to‘rtinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“ichki nazorat tizimining maqsad va vazifalariga erishish maqsadida ichki nazorat tizimi rahbari, mas‘ul xodimlari va pochta aloqasi xodimlari o‘rtasida funksional vazifalarni taqsimlash;”;

o‘zbek tilidagi matnning o‘n to‘rtinchi — o‘n oltinchi xatboshilar tegishli ravishda o‘n beshinchi — o‘n yettinchi xatboshilar deb hisoblansin;

o‘n yettinchi xatboshidagi “pochta aloqasi operatori, provayderining” degan so‘zlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13) quyidagi mazmundagi 13<sup>1</sup>-band bilan to‘ldirilsin:

“13<sup>1</sup>. Pochta aloqasi milliy operatorining nazorati ostida yoki ahamiyatli ta‘siri doirasida bitta yoki bir nechta pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi tashkilotlar bo‘lgan taqdirda ichki qoidalar guruhiy yondashuv asosida ishlab chiqilishi va quyidagilarni o‘z ichiga olishi kerak:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish bilan bog‘liq tavakkalchiliklarni boshqarish va foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish uchun zarur bo‘lgan ma‘lumotlar bilan almashish qoidalari va tartib-taomillari;

komplaens nazoratni, auditni va (yoki) jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish funksiyalarini guruh darajasida ta‘minlash, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish maqsadlari uchun zarur bo‘lgan hollarda

filiallardan va sho'ba korxonalaridan ularning foydalanuvchilari va operatsiyalari to'g'risidagi ma'lumotlarni olinishini ta'minlash;

maxfiylikni va ma'lumotlardan foydalanishni yetarli darajada himoya qilish.”;

14) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Pochta aloqasi milliy operatori har yili 15-yanvargacha ichki nazorat tizimi tuzilmasi rahbarlari va mas'ul xodimlarining ro'yxatlarini, ularning shaxsiy ma'lumotlarini ilova qilingan holda O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda Inspeksiyaga taqdim etadi.”;

15) 15-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Pochta aloqasi milliy operatori har chorak yakunidan keyingi oying 5-sanasigacha jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ishlar to'g'risidagi choraklik hisobotlarini Inspeksiyaga taqdim etiladi.”;

16) 16-bandda:

birinchi xatboshidagi “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlarining” degan so'zlar “Pochta aloqasi milliy operatorining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi “pochta aloqasi operatorlari, provayderlarining” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

17) 17-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“17. Pochta aloqasi milliy operatori foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish choralarini ko'rishi kerak.”;

18) 20-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Pochta aloqasi milliy operatori foydalanuvchi yoki benefitsiar mulkdorning yuqori mansabdor shaxs, ularning oila a'zolari va yuqori mansabdor shaxslarga yaqin shaxslar ekanligini aniqlash maqsadida tavakkalchiliklarni boshqarish tizimlaridan foydalanishi shart va foydalanuvchini lozim darajada tekshirish bo'yicha mazkur Qoidalarning 19-bandida ko'rsatib o'tilgan choralarni ko'rish bilan birga, foydalanuvchi yoki benefitsiar mulkdor sifatida qatnashayotgan yuqori mansabdor shaxslarga nisbatan:”;

beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Pochta aloqasi milliy operatori yuqoridagi choralarni yuqori mansabdor shaxslarning oila a'zolariga yoki yuqori mansabdor shaxsga yaqin shaxslarga nisbatan ham ko'rishi kerak.”;

19) 20<sup>1</sup>-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20<sup>1</sup>. Pochta aloqasi milliy operatori mazkur Qoidalarning 19-bandidagi uchinchi va to'rtinchi xatboshlarida nazarda tutilgan foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirgan uchinchi tomonlarning lozim darajada tekshirish natijasiga ishonishi mumkin. Mazkur hollarda foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish natijasi bo'yicha so'nggi javobgarlik pochta aloqasi milliy operatorining zimmasida qoladi. Bunda, pochta aloqasi milliy operatori:”;

beshinchi va oltinchi xatboshlari quyidagi tahrirda bayon etilsin:



“Pochta aloqasi milliy operatori mazkur bandning ikkinchi — to‘rtinchi xatboshilarida nazarda tutilgan talablardan biriga rioya qilinmagan taqdirda, foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish bo‘yicha chora-tadbirlarni mustaqil ravishda amalga oshirishi kerak.

Pochta aloqasi milliy operatori foydalanuvchi bilan ish munosabatlariga kirishish to‘g‘risidagi qarorni o‘z tavakkalchiliklaridan kelib chiqib, mustaqil ravishda qabul qiladi hamda foydalanuvchini lozim darajada tekshirish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishga haqli.”;

20) 22-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Foydalanuvchining operatsiyalarni amalga oshirish to‘g‘risidagi topshirig‘i bilan bir vaqtda yoki ko‘p marotaba murojaat qilishida pochta aloqasi milliy operatori quyidagilarni bajarishga majbur.”;

rus tilidagi matn quyidagi mazmundagi sakkizinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“osushestvlyat peresilku denejnix perevodov posle nadlejashey proverki polzovateley.”;

rus tilidagi matnda yettinchi xatboshi sakkizinchi xatboshi deb hisoblansin;

21) 23-bandda:

birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23. Pochta aloqasi milliy operatori quyidagi hollarda xalqaro pul o‘tkazmalari bilan bog‘liq operatsiyalarga alohida e‘tibor qaratishi va tahlil qilishi kerak.”;

oltinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

yettinchi xatboshi oltinchi xatboshi deb hisoblansin;

oltinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Jo‘natuvchilar to‘g‘risida to‘liq ma‘lumotlar bo‘lmagan taqdirda pochta aloqasi milliy operatori xorijiy davlatlarning pochta aloqasi operatorlari, provayderlari bilan tuzilgan shartnomalarga muvofiq ulardan uch ish kuni davomida pul mablag‘larini jo‘natuvchilar to‘g‘risida qo‘shimcha axborot olish imkoniyatiga ega bo‘lishi kerak. Bunday imkoniyat bo‘lmagan holda pochta aloqasi operatori, provayderi bilan shartnomani bekor qilish masalasini ko‘rib chiqish zarur.”;

22) 23<sup>1</sup>-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23<sup>1</sup>. Xalqaro pul o‘tkazmalarini jo‘natish bo‘yicha xizmatlarni ko‘rsatuvchi pochta aloqasi milliy operatori quyidagilarni amalga oshirishi lozim.”;

oltinchi xatboshidagi “operatorlar, provayderlar” degan so‘zlar “pochta aloqasi milliy operator” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Agar pul o‘tkazmasi mazkur bandda belgilangan talablarga javob bermasa, pochta aloqasi milliy operatoriga pul o‘tkazmalarini jo‘natish taqiqlanadi.”;

23) 27-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Agarda ko‘rilgan tegishli choralar benefitsiar mulkdorni aniqlash imkonini bermasa, pochta aloqasi milliy operatori foydalanuvchining rahbarini identifikatsiya qilishi va uning shaxsini tekshirish yuzasidan o‘rinli choralarni ko‘rishi kerak.”;

24) quyidagi mazmundagi 27<sup>1</sup> va 27<sup>2</sup>-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“27<sup>1</sup>. Yuridik shaxsni tashkil etmagan chet el tuzilmalariga nisbatan ushbu Qoidalar bilan yuridik shaxslar uchun belgilangan talablar qo‘llaniladi.

27<sup>2</sup>. Pochta aloqasi milliy operatorining chet eldagi shu‘ba korxonalari va filiallari agarda ular joylashgan mamlakatning qonunchilik hujjatlarida pochta aloqasi milliy operatorining ichki qoidalariga nisbatan yengilroq ichki nazorat choralari belgilangan bo‘lsa, ular jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish borasidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishda pochta aloqasi milliy operatorining ichki qoidalariga rioya qilishlari kerak.”;

25) quyidagi mazmundagi 28<sup>1</sup>-band bilan to‘ldirilsin:

“28<sup>1</sup>. Pochta aloqasi milliy operatori foydalanuvchilardan olingan axborot (hujjatlar) ishonchliligiga shubhalar mavjud bo‘lganda, ushbu axborotni (hujjatlarni) tekshirish (verifikatsiyalash) choralarni ko‘rishlari lozim. Bunday holatlarda, pochta aloqasi milliy operatori tegishli tashkilotlarga foydalanuvchilar haqidagi axborotning (hujjatlarning) ishonchliligini (haqiqiyiligini) aniqlashtirish uchun murojaat qilishga haqli.”;

26) 30-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Foydalanuvchi, benefitsiar mulkdor yoki operatsiya ishtirokchilarining barcha identifikatsiya ma‘lumotlari Ro‘yxatga kiritilgan shaxs bilan to‘liq mos kelganligi aniqlangan holda, pochta aloqasi milliy operatori mazkur Qoidalarning 8-bobida belgilangan choralarni ko‘rishi kerak.”;

27) 31-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. Pochta aloqasi milliy operatori quyidagi hollarda foydalanuvchiga operatsiyalarni amalga oshirishni rad etishi lozim:”;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunday hollarda pochta aloqasi milliy operatori maxsus vakolatli davlat organiga xabar yuborishi kerak.”;

28) 33-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish va terrorizmni moliyalashtirish yuzasidan ehtimol tutilgan tavakkalchiliklarni o‘rganishni, tahlil qilishni va aniqlashni pochta aloqasi milliy operatori o‘z faoliyatida tizimli ravishda, yiliga kamida bir marta amalga oshirishi, o‘rganish natijalarini hujjatlar bilan qayd etishi hamda aniqlangan tavakkalchiliklarni kamaytirishga doir tegishli choralarni ko‘rishi shart.

Pochta aloqasi milliy operatori tavakkalchilik darajasi hamda uni pasaytirishning talab etiladigan darajasini aniqlashi, tavakkalchilik turi va darajasiga qarab tegishli chora-tadbirlar dasturini ishlab chiqishi va amalga oshirishi kerak.”;

29) 35-bandi quyidagi mazmundagi “i<sup>1</sup>” kichik band bilan to‘ldirilsin:

“i<sup>1</sup>) yuridik shaxsni tashkil etmagan chet el tuzilmasi;”;

30) 36 — 38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Operatsiya yuqori darajadagi tavakkalchilik toifasiga kiritilgan taqdirda, pochta aloqasi milliy operatori ushbu foydalanuvchiga nisbatan lozim darajada

tekshirishning kuchaytirilgan chora-tadbirlarini ko'rish va doimiy monitoring qilib borishi shart.

37. Foydalanuvchi tomonidan amalga oshirilayotgan operatsiyalarning xususiyati o'zgarishiga qarab, pochta aloqasi milliy operator foydalanuvchini lozim darajada tekshirish natijalari bo'yicha to'plangan ma'lumotlarni hisobga olgan holda tavakkalchilik xavfi darajasini qayta ko'rib chiqishi lozim

38. Pochta aloqasi milliy operatori ichki qoidalarda belgilangan tartibda yuqori tavakkalchilik darajasi toifasiga kiritilgan barcha foydalanuvchilarning hisobini yuritishi kerak. Yuqori tavakkalchilik darajasi toifasiga kiritilgan barcha foydalanuvchilar to'g'risidagi ma'lumotlar maxsus jurnalga kiritiladi.”;

31) 39-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“39. Pochta aloqasi milliy operatori jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida texnologik yutuqlardan foydalanilishining oldini olishga qaratilgan choralarni ko'rish kerak. Ushbu maqsadda pochta aloqasi milliy operatori:”;

beshinci va oltinchi xatboshilaridagi “pochta aloqasi operatori, provayderining” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “pochta aloqasi operatori, provayderi” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

32) 40<sup>1</sup>-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Pochta aloqasi milliy operatori maxsus vakolatli davlat organi bilan kelishilgan holda O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi tomonidan ishlab chiqiladigan va tavsivaviy xarakterga ega bo'lgan uslubiy qo'llanmalar asosida shubhali operatsiyalarni dastlabki aniqlash indikatorlari tizimini yo'lga qo'yishi mumkin.”;

33) 48 va 49-bandlardagi “pochta aloqasi operatori, provayderi” degan so'zlar “pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

34) 50-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“50. Pochta aloqasi milliy operatori operatsiyalarni amalga oshirishda ular ishtirokchilarining identifikatsiya ma'lumotlarini Ro'yxat bilan solishtirishi shart.”;

35) 52-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Ro'yxatga kiritilgan shaxsning operatsiyasi to'xtatib turilganda va (yoki) pul mablag'lari ishga solinmay to'xtatib qo'yilganda pochta aloqasi milliy operatori ishga solmay to'xtatib qo'yilgan pul mablag'larining miqdorini ko'rsatgan holda maxsus vakolatli davlat organiga shubhali operatsiya to'g'risida uch soatdan kechiktirmay xabar yuborishi lozim.”;

36) 55-banddagi “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari” degan so'zlar “Pochta aloqasi milliy operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

37) 58-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“58. Pochta aloqasi milliy operatori faqat maxsus vakolatli davlat organidan quyidagilar to'g'risida tegishli axborotni olgan holdagina ishga solmay to'xtatib qo'yilgan pul mablag'laridan foydalanishga ruxsat beradi va to'xtatib turilgan operatsiya o'tkazilishini tiklaydi:”;

38) 59-banddagi “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlarining” degan soʻzlar “Pochta aloqasi milliy operatorining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

39) 60-banddagi “pochta aloqasi operatorlari, provayderlarining” degan soʻzlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

40) 61-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“61. Pochta aloqasi milliy operatori maxsus vakolatli davlat organining yozma soʻrovlari boʻyicha qoʻshimcha axborotni taqdim etadi.”;

41) 61<sup>1</sup>-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“61<sup>1</sup>. Pochta aloqasi milliy operatori maxsus vakolatli davlat organining koʻrsatmasiga asosan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish choralarini koʻrish maqsadida pul mablagʻlari bilan bogʻliq operatsiyalarni oʻz vaqtida va foydalanuvchini oldindan xabardor qilmasdan oʻttiz ish kunidan koʻp boʻlmagan muddatga toʻxtatib qoʻyishi shart.”;

42) 63-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“63. Pochta aloqasi milliy operatori pul mablagʻlari bilan bogʻliq operatsiyalar toʻgʻrisidagi axborotni, shuningdek foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish boʻyicha identifikatsiyalash maʼlumotlari hamda materiallarini, shu jumladan ish yozishmalarini va oʻtkazilgan har qanday tahlil natijalarini qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatlar mobaynida, lekin operatsiya amalga oshirilganidan yoki foydalanuvchi bilan munosabatlar toʻxtatilganidan keyin besh yildan kam boʻlmagan muddatda saqlashi shart.”;

43) 67-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“67. Pochta aloqasi milliy operatori jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bilan bogʻliq boʻlgan axborotga kirish imkoniyatini cheklaydi, uning tarqalib ketmasligini taʼminlaydi hamda yuridik va jismoniy shaxslarga ularning operatsiyalari haqida maxsus vakolatli davlat organiga xabar berilganligi toʻgʻrisida maʼlum qilish huquqiga ega emas.

Pochta aloqasi milliy operatori ichki nazorat vazifalarini bajarish jarayonida olingan axborotning uning xodimlari tomonidan oshkor qilinmasligini (yoki shaxsiy maqsadda yoxud uchinchi shaxslar manfaatlarida foydalanmasligini) taʼminlaydi.”;

44) 68-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“68. Pochta aloqasi milliy operatori ichki va tashqi vaziyatlarning oʻzgarishini inobatga olgan holda, ichki nazorat tizimini doimiy ravishda monitoring qiladi va samaradorligini baholab boradi, shuningdek samarali ishlashini taʼminlash uchun zaruratga qarab uni mustahkamlaydi.”;

ikkinchi xatboshidagi “pochta aloqasi operatori, provayderining” degan soʻzlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

45) 69-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Pochta aloqasi milliy operatori tomonidan mazkur qoidalarga rioya

etilishi ustidan monitoring va nazorat Inspeksiya, zarur hollarda maxsus vakolatli davlat organi bilan birgalikda amalga oshiriladi.”;

ikkinchi xatboshidagi “pochta aloqasi operatori, provayderining” degan soʻzlar “pochta aloqasi milliy operatorining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

46) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Pochta aloqasi milliy operatori, shu jumladan pochta aloqasi milliy operatorining rahbari, ichki nazorat tizimi tuzilmasining rahbari va masʼul xodimlari hamda pochta aloqasi ishchilari mazkur Qoidalarni buzganligi uchun qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar boʻladi.”

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**283** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3546*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин
3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
133-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 133-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМС бюджет, банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахсларга (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) мулк, хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган асосий воситалар ҳисобини юритиш ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини белгилайди.

3. Мазкур БҲМСда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**асосий воситалар** — ташкилотнинг узоқ муддат давомида (бир йилдан ортиқ) хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган, шунингдек ижарага бериш мумкин бўлган моддий активлар;

**амортизацияланадиган қиймат** — асосий воситанинг бошланғич ёки молиявий ҳисоботда ўрнини босувчи бошқа қийматдан тугатиш қийматининг чегирилиши натижасида аниқланадиган қиймат. Бошланғич қиймати қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ишлари ва бошқалар бўйича харажатлар суммасига оширилган асосий воситалар учун амортизацияланадиган қиймат бўлиб, ушбу ишлар тугатилганидан сўнг тугатиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда мазкур асосий воситалар фойдаланишга киритилган пайтда аниқланган уларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ҳисобланади;

**амортизация** — асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати давомида тизимли тақсимлашдир;

**қолдиқ (баланс) қиймати** — жамланган амортизация ва қадрсизланишдан кўрилган зарарлар чегириб ташлангандан сўнг асосий воситанинг тан олинадиган суммаси;

**бошланғич қиймати** — асосий воситаларни яратиш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш



билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш учун қилинган бошқа харажатлар;

**тугатиш қиймати** — асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинadиган активларнинг кутилаётган суммаси.

**фойдали хизмат муддати** — асосий воситаларнинг ташкилот томонидан фойдаланadиган вақт даври ёки ушбу активдан фойдаланишдан олинishi кутилаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори. Қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича ишлар тугатилганидан сўнг фойдаланишга киритилган асосий воситалар учун фойдали хизмат муддати бўлиб ушбу ишлар тугатилганидан сўнг мазкур асосий воситалар фойдаланишга киритилган пайтдан бошлаб ташкилот томонидан асосий воситалардан фойдаланиладиган вақт даври ёки ташкилот ушбу асосий воситалардан фойдаланишдан олинishi кутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ҳисобланади;

**ҳаққоний қиймат** — баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх.

4. Ташкилот раҳбари ҳисоб сиёсатида активларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун мезонларни, шунингдек асосий воситаларни гуруҳлар бўйича таснифланишини белгилаш ҳуқуқига эга.

5. Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар бир хил белгиларга, шу жумладан уларнинг асосий хусусиятларига ва ташкилот фаолиятида фойдаланиш характерига кўра гуруҳлар бўйича таснифланиши мумкин.

Асосий воситалар қуйидаги алоҳида гуруҳларга таснифланиши мумкин:

ер;

ерни ободонлаштириш;

молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш;

бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар;

машина ва асбоб-ускуналар;

мебель ва офис жиҳозлари;

компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси;

транспорт воситалари;

ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;

кўп йиллик ва ҳосилдор ўсимликлар;

бошқа асосий воситалар;

консервация қилинган асосий воситалар.

6. Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Асосий воситаларнинг инвентарь объекти сифатида барча қурилмалари ва жиҳозларига эга бўлган объект ёки муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм ёхуд бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян ишларни бажариш учун мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи тан олинади.

Конструктив жамланган буюмларнинг мажмуи — умумий мосламаларга ва жиҳозларга, умумий бошқарувга эга, бир пойдеворда қурилган, натижада мажмуага кирувчи ҳар бир буюм ўз вазифасини мустақил равишда эмас, балки фақатгина мажмуа таркибида бажара оладиган бир ёки турли мақсадларга мўлжалланган битта ёки бир нечта буюмлардир.

Битта асосий воситада турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлганда, ҳар бир бундай объект бухгалтерия ҳисобида алоҳида мустақил инвентарь объект сифатида тан олинади.

Икки ёки ундан ортиқ ташкилот мулки бўлган асосий воситалар ҳар бир ташкилот томонидан асосий воситалар таркибида унинг умумий мулкдаги улушига мутаносиб тарзда акс эттирилади.

7. Асосий воситалар таркибида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкилот мулкига топширилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.

8. Асосий воситалар актив сифатида тан олинади, агар:  
ташкилотга мазкур актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафлар келиши эҳтимоли мавжуд бўлса;  
активнинг бошланғич қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса.

### **2-боб. Асосий воситаларнинг келиб тушиши**

9. Мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ташкилотга тегишли бўлган асосий воситаларнинг қиймати ташкилот балансига киритилиши лозим.

10. Асосий воситалар қиймати ташкилот балансига:  
капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг қурилган объектни қабул қилиш-топшириш;  
объектни олди-сотди шартномаси бўйича харид қилиш;  
таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари;  
текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);  
айирбошлаш;  
товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;  
молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;  
қиймати аниқлаб бўлинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;  
ортиқча (ҳисобга олинмаган) асосий воситаларни аниқлаш;  
ташкилотнинг таъсисчилари таркибидан чиқаётганда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мулки таъсисчилар ўртасида тақсимланаётганда асосий воситаларни олиш;  
асосий воситаларга мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқини қўлга киритишга олиб келадиган бошқа операциялар ёки ходисалар натижасида киритилади.

### **3-боб. Асосий воситаларни баҳолаш**

11. Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда, улар бошланғич қиймат бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади.

12. Актив сифатида тан олинганидан сўнг, асосий восита бошланғич ёки

қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олиниши лозим. Асосий воситаларни қийматини ҳисобга олишнинг қўлланиладиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

#### **4-боб. Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**

13. Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати харид қилиш қиймати (етказиб берувчига тўланган сумма) ҳамда асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади.

Асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

рўйхатга олиш йиғимлари, давлат божлари ва асосий воситаларга бўлган ҳуқуқни харид қилиш (олиш) бўйича амалга оширилган бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

божхона божлари ва йиғимлари;

асосий воситаларни харид қилиш (яратиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

асосий воситаларни харид қилиш (яратиш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланадиган суммалар;

асосий воситаларни етказиб бериш (яратиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

асосий воситалар воситачилар орқали олинганда, уларга тўланадиган мукофотлар;

асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга тушириш харажатлари;

активдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарз маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Бунда, қурилиш даврида қурилиш учун олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар яратилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Харид қилинган асосий воситалар ҳақини тўлаш билан боғлиқ банк хизматлари, шу жумладан аккредитив очиш, хорижий валютани ўтказганлиги ва конвертация қилганлиги учун банкка воситачилик ҳақи тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек шартномани тайёрлаш ва рўйхатга олиш харажатлари асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар юзага келган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Агар шартнома шартларида харид қилинган асосий воситалар ҳақини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, унда мазкур асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашни ҳисобга олмаган ҳолдаги сотиб олиш қиймати бўйича қабул қилинади. Бунда сотиб олиш қиймати ва тўловнинг умумий суммаси ўртасида юзага келадиган фарқ кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври давомида жорий тўловнинг кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий

суммасидаги салмоғидан келиб чиқиб молиявий харажатларга (фоизлар бўйича харажатларга) олиб борилади.

14. Ташкилотнинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб мазкур асосий воситаларни яратиш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича амалга оширилган харажатлар суммаси тан олинади.

Бунда, меъёрдан ортиқ сарфланган материал, меҳнат ҳақи харажатлари ва бошқа ресурслар активнинг бошланғич қийматига қўшилмайди.

15. Активдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун унинг тегишли ишини текшириш жараёнида олинган маҳсулот реализация қилишнинг соф қиймати бўйича кирим қилинади ва асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шакллантиришда капитал қўйилмалар суммасидан айрилади.

16. Чет эл валютасида харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларида (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларациясида) кўрсатилган қийматидан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаб, шунингдек асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, аниқланади.

17. Ташкилот устав капиталига улуш ҳисобидан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси тан олинади.

18. Ташкилот таъсисчилари таркибидан чиққанда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мулки таъсисчилар ўртасида тақсимланганда келиб тушган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати бўлиб асосий воситаларнинг қабул қилинган қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида, шунингдек уларни харид қилиш билан боғлиқ тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилган қиймат тан олинади.

19. Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб уларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги уларнинг ҳаққоний қиймати тан олинади.

Агар берилган асосий воситанинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлмаса, унинг бошланғич қиймати берилган активнинг баланс қиймати бўйича баҳоланади.

20. Товар-моддий захиралар таркибидан асосий воситаларга ўтказилган объектларнинг бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар»га (рўйхат рақами 3259, 2020 йил 30 июнь) мувофиқ белгиланадиган уларнинг таннархига тенг бўлади.

21. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда айирбошлаш йўли билан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига тенг. Асосий воситалар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган асосий

воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг айирбошлашда ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

22. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган актив қиймати тан олинади. Ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган мавжуд актив қиймати ташкилот қиёсий ҳолатларда шунга ўхшаш актив қийматини аниқлайдиган нархдан келиб чиқиб белгиланади.

Ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган актив қийматини белгилашнинг имкони бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича ташкилот олган асосий воситаларнинг қиймати қиёсий ҳолатларда шунга ўхшаш асосий воситалар сотиб олинadиган қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

23. Мажбуриятлари умумий суммада ифодаланган мустақил объектларга эга асосий воситалар бўйича бошланғич қиймат ушбу суммани алоҳида объектнинг ҳаққоний қийматига пропорционал равишда тақсимлаган ҳолда аниқланади.

### **5-боб. Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар**

24. Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган бошланғич қийматини ушбу асосий воситалар қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, қисман тугатиш ҳолатларида ўзгартирилади.

Қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, модернизация қилиш ишларига асосий воситаларнинг технологик ёки хизмат мақсадининг ўзгариши, юккланинг ошиши ва сифатни янада яхшилаш туфайли юзага келган ишлар киритилади.

Реконструкция қилиш ишларига ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситаларни қайта қуриш киради.

Техник қайта жиҳозлашга илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни модернизация қилиш ва уларни янги, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар киради.

25. Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусидаги иқтисодий наф ошганда уларнинг бош-

ланғич қийматини оширади. Келгусидаги иқтисодий нафни оширмайдиган бошқа барча харажатлар улар амалга оширилган даврда харажатлар сифатида тан олинishi лозим.

26. Асосий воситаларни қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлашга харажатлар, улар тугатилганидан сўнг, агар улар натижасида асосий воситалар ишлатилишининг дастлаб қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлари (фойдали хизмат муддати, қуввати, қўллаш сифати ва бошқалар) яхшиланса (ошса), бундай объектнинг бошланғич қийматини оширади.

27. Кўп йиллик кўчатларга, ерни тубдан яхшилашга, ижарага олинган асосий воситалар объектларига капитал қўйилмалар ҳар йили бутун ишлар мажмуи яқунланган санадан қатъий назар, ҳисобот йилида фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

### **6-боб. Асосий воситаларнинг қайта баҳолаш қиймати**

28. Ҳаққоний қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлган асосий восита актив сифатида тан олинганидан сўнг, кейинги жамғарилган эскириш ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарларни чегирган ҳолда, қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматни акс эттирадиган қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олинishi лозим. Ҳисобот даври охирида асосий воситанинг баланс қиймати унинг ҳаққоний қийматидан муҳим (жиддий) фарқланмаслиги учун қайта баҳолаш етарли даражада мунтазам амалга оширилиши лозим.

29. Ташкилот ўз ҳисоб сиёсатида қайта баҳолаш усулини белгилаши ва мазкур усулни барча асосий восита гуруҳларига қўллаши зарур.

30. Қайта баҳолаш даврийлиги қайта баҳоланаётган асосий воситанинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Асосий воситаларнинг баҳолашдаги ортган суммаси қайта баҳолаш натижасида «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағига резерв капитали таркибига ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг баҳолашдаги камайиш суммаси қайта баҳолаш натижасида «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи резерв капиталининг мазкур объектнинг аввалги ҳисобот даврларида ўтказилган баҳолашдаги ортган суммаси атрофида камайишига тегишлидир.

31. Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш ўтказилган жорий даврда акс эттирилади.

### **7-боб. Амортизацияни ҳисоблаш**

32. Асосий воситалар қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан қопланади. Амортизацияланадиган қиймат асосий воситаларнинг бутун фойдали хизмат муддати мобайнида ташкилот харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида тизимли тақсимланади.



33. Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ва ишга туширилган санадан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қоплангунга ёхуд ушбу объект баланسدан ҳисобдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

34. Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қопланган ёки ушбу объект баланسدан ҳисобдан чиқарилган санадан тўхтатилади.

35. Асосий воситаларни фойдали хизмат муддати давомида амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тўхтатилмайди, асосий воситалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилишга ўтказилган ҳолатлар, шунингдек уларни тўлиқ тўхтатиш шарти билан объектни қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш даври бундан мустасно.

36. Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги ташкилот фаолияти натижаларидан қатъий назар амалга оширилади ва у тегишли бўлган ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

37. Асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация суммалари бухгалтерия ҳисобида ушбу суммаларни алоҳида счётда жамғариш йўли билан акс эттирилади.

38. Қуйидагилар амортизация қилинмайди:

а) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

б) маҳсулдор чорва моллари;

в) ахборот-кутубхона фонди;

г) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

д) музей ашёлари;

е) моддий маданий мерос объектлари;

ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

з) тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

39. Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

а) амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш.

Амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация асосий воситаларни фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда бир маромда, тенг улушларда ҳисобланади.

Мазкур усулга кўра асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат муддати давомида тегишли харажатларга бир маромда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Ушбу усул амортизация меъёри фойдали хизмат муддатининг фаолиятига боғлиқлигига асосланган. Ҳар бир давр учун амортизация ажратмалари суммаси амортизацияланадиган қийматни



асосий воситалардан фойдаланилган ҳисобот даврлари сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қиймати ва мазкур объектнинг фойдали хизмат муддатидан келиб чиқиб аниқланади;

б) амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

Амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилдаги асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисобга олишга асосланган.

Мазкур усул бўйича амортизациянинг ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун асосий воситанинг бутун фойдали хизмат муддатидаги умумий баҳоланган ишлаб чиқариш қуввати йиғиндисини ва мазкур муайян йилдаги ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш лозим. Ишлаб чиқариш қуввати сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони, босиб ўтган тонна-километрлар сони ва бошқалар олиниши мумкин.

Амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда асосий воситалар амортизацияланадиган қийматининг асосий воситалар бутун фойдали хизмат муддатида назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

40. Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси куйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади:

а) икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

б) йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул).

41. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули амортизация ҳисоблаш даврида активнинг амортизацияланадиган қиймати камайишини англатади.

Мазкур усулга кўра бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулидан икки баравар амортизация меъёри мазкур ҳисобот давридаги асосий воситанинг тегишли қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича амортизация ҳисоблашда қутилаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегирилмайди.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси асосий воситаларнинг ҳисобот йили бошидаги қолдиқ қийматидан ва мазкур объектни фойдали хизмат муддатидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация меъёрининг икки бараваридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ушбу

объектларнинг баланс (қолдиқ) қиймати уларнинг тугатиш қийматига тенг бўлган вақтда тугатилади.

42. Йиллар йиғиндиси усулига (кумулятив усулга) кўра ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари йиғиндисига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар йиғиндиси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматидан ҳамда суратида объектни фойдали хизмат муддатининг охирига қадар қоладиган йиллар сони, махражида эса — объектни фойдали хизмат муддати йиллари сони йиғиндисининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

43. Ҳисобот йили давомида асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъий назар (амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари), йиллик сумманинг 1/12 миқдориди ҳар ойда ҳисобланади.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш ташкилотларида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот йилида ташкилот томонидан асосий воситалардан фойдаланиш даври мобайнида бир маромда ҳисобланади.

44. Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига (гуруҳларига) амортизация ҳисоблашнинг турли усулларини қўллашга йўл қўйилади. Бунда асосий воситаларнинг бир турдаги объектлари бўйича (маркаси, тури ва бошқалар бўйича) фақат битта усул қўлланилади.

45. Қўлланиладиган амортизация ҳисоблаш усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилади.

46. Агар асосий воситалардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий наф сезиларли даражада ўзгариш юз берса, амортизация ҳисоблаш усули, агар юзага келган ҳолатлар амортизация усулининг ўзгартирилишини оқласа, ўзгараётган тенденцияни акс эттирадиган тарзда ўзгартирилиши мумкин. Бундай ўзгариш ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бунда молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида мазкур ўзгариш сабаблари ва уларнинг иқтисодий самараси ёритиб берилиши зарур.

47. Асосий воситалар ҳолатини яхшилайдиган ва, мос равишда, хизмат муддатини узайтирадиган харажатлар амалга оширилганини ҳамда хизмат муддатини қисқартирадиган технологик ўзгаришларни ҳисобга олиб асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати ташкилот томонидан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

48. Тугатиш қиймати асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини ҳисоб-китоб қилишда муҳим таркибий омил ҳисобланади. Тугатиш қиймати муҳим бўлмаган ҳолатда, у амортизацияланадиган қийматни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар тугатиш қиймати аҳамиятга эга бўлса, у асосий воситаларни харид қилинган сана ёки уларни қайта баҳолаш санасида аниқланади. Тугатиш

қиймати асосий воситаларнинг хизмат муддати охирида тугатиш бўйича кутилаётган харажатларга камайтиради.

### **8-боб. Асосий воситаларни таъмирлаш**

49. Асосий воситаларни ишлаш ҳолатида сақлаб туриш уларни таъмирлаш (жорий, ўртача ва капитал тарзда) орқали амалга оширилади.

Жорий таъмирлаш — асосий воситаларни ишлаш ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Ўртача таъмирлашда таъмирланаётган агрегатни қисмларга қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини қайта тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш — агрегатни қисмларга тўлиқ ажратиб амалга ошириладиган таъмирлаш, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки қайта тиклаш, агрегатни йиғиш, сошлаш ва синаб кўришдир.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш — базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, деталлар ва узелларнинг барча эскирган конструкцияларини алмаштириш ёки қайта тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир.

50. Объектни ишчи ҳолатида тутиб туриш ва ундан фойдаланишдан келгусидаги иқтисодий нафнинг дастлабки белгиланган суммасини олиш учун амалга ошириладиган харажатлар улар тегишли бўлган ҳисобот давридаги харажатлар таркибига киритилади. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни ишчи ҳолатида сақлаб туришга доир харажатлар (техник кўрикдан ўтказиш ва ҳолатини яхшилашга оид харажатлар) ҳамда ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг барча турдаги таъмирланишини (жорий, ўртача, капитал тарзда) ўтказиш харажатлари маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархига, маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун мўлжалланган асосий воситалари бўйича эса — давр харажатлари таркибига киритилади.

51. Агар битта асосий воситада турлича фойдали хизмат муддатига эга бўлган бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлса, таъмирлаш жараёнида ҳар бир бундай объектни алмаштириш мустақил инвентарь объектни баланسدан чиқариш ва харид қилиш сифатида ҳисобга олинади.

### **9-боб. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши**

52. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши уларнинг қийматини баланسدан ҳисобдан чиқариш орқали амалга оширилади.

53. Асосий воситаларнинг қиймати ташкилот балансидан қуйидагилар натижасида ҳисобдан чиқарилади:

- тугатилганда;
- сотилганда;
- айирбошланганда;

текинга берилганда;

устав капиталига таъсисчи улуши сифатида берилганда;

молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилганда;

камомад ёки йўқотишлар аниқланганда;

таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанда;

нодавлат нотижорат ташкилот мулкани шакллантиришда мулкый бадал сифатида берилганда.

54. Асосий воситалар қисман тугатилган ҳолатда унинг қиймати ва жамғарилган амортизацияси мос равишда объектнинг тугатилган қисмининг қиймати ва жамғарилган амортизацияси суммасига камайтиради.

55. Асосий воситалар қўйидаги ҳолларда уларни тугатиш муносабати билан балансдан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

белгиланган хизмат муддати тугаганда (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганда);

жисмоний эскириш, ҳалокатлар, табиий офатлар, фойдаланишнинг нормал шарт-шароитларини бузиш оқибатида яроқсиз ҳолга келганда;

маънан эскирганда. Маънан эскирган асосий воситалар — худди шундай мақсадда асосий воситаларнинг янада унумдор ва тежамкор турларини ишлаб чиқиш натижасида қадрсизланадиган асосий воситалар;

тегишли давлат органларининг қарорлари бўйича балансдан чиқиб кетганда;

ташкилот ва ташкилотларнинг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, модернизация қилиниши ва техник қайта жиҳозланиши муносабати билан балансдан чиқиб кетганда.

Тикланиши мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган асосий воситалар тугатилиши лозим.

56. Ташкилотларда асосий воситаларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун раҳбар (раҳбар ўринбосари) ёки бош муҳандис раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига ташкилотнинг тегишли мутахассислари, бухгалтерия ходимлари ва моддий жавобгар шахслари киритилиши керак. Комиссиянинг таркиби унинг иш тартиби ва ваколатлари ташкилот раҳбарининг буйруғи билан белгиланади.

Комиссия томонидан асосий воситаларни тугатиш (ликвидация) тўғрисидаги далолатнома мазкур БҲМСнинг 1-иловасига\* мувофиқ, шу жумладан транспорт воситаларни тугатиш (ликвидация) тўғрисидаги далолатнома мазкур БҲМСнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклда тузилади.

Асосий воситаларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар ва уларни тугатишдан келиб тушган материал қийматликлар тўғрисидаги маълумотнома мазкур БҲМСнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклда тузилади.

Асосий воситаларни уларнинг тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқаришга доир ҳужжатлар ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

57. Комиссия томонидан тузилган асосий воситаларни тугатиш далолатномалари ташкилот раҳбари томонидан:

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

унитар корхоналарда хўжалик юритиш ҳуқуқи билан уларга тегишли бўлган кўчмас мулклар бўйича мол-мулкнинг мулкдори билан;

давлат иштирокидаги корхоналарда корхона таъсисчиси (иштирокчиси) билан келишгандан сўнг тасдиқланади.

Тугатиш далолатномалари тасдиқлангунига қадар асосий воситаларни қисмларга бўлиш ва демонтаж қилишга йўл қўйилмайди.

58. Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий воситаларни чиқиб кетишидан даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қиймати, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқлар ва харажатларни айириш орқали аниқланади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситаларнинг илгариги қайта баҳолашдаги баҳосини ўсиши суммаси, яъни ушбу асосий воситаларнинг илгариги баҳосини ўсиши суммаларининг илгариги баҳосини пасайиши суммасидан ортган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромад таркибига киритилади ва бир вақтнинг ўзида «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича резерв капитал камаяди.

#### **10-боб. Асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказиш**

59. Асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш ва уларнинг бут сақланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан, бироқ икки йилда камида бир марта асосий воситалар инвентаризацияси ўтказилади, кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта инвентаризация қилинади.

60. Инвентаризация жараёнида аниқланган ортиқча асосий воситалар бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади. Инвентаризация вақтида камомад факти аниқланган етишмаётган асосий воситалар айбдор шахслар аниқланган кунга қадар камомадлар ҳисобга олинмаган счётда акс эттирилади.

Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади.

61. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган асосий воситалар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш асосий воситаларнинг ҳаққоний қиймати бўйича уларнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади).

#### **11-боб. Ахборотни ёритиб бериш**

62. Молиявий ҳисоботда қуйидаги ахборотлар ёритиб берилиши лозим: асосий воситаларнинг ҳаракати, шу жумладан уларнинг киритилиши, чиқиб кетиши, қийматини аниқлаш учун қўлланган баҳолаш асослари;

асосий воситаларнинг ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги қиймати солиштирмаси ва уларнинг ўзгариш сабаблари;

асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳлар бўйича амортизация ҳисоблашда амортизация ҳисоблашнинг фойдаланиладиган усули, амортизацияланадиган асосий воситаларнинг ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги жамғарилган амортизация суммаси.

63. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот даври охирида қуйидагилар тўғрисидаги ахборотни ҳам ёритиб бериш лозим:

а) вақтинчалик фойдаланилмаётган асосий воситаларнинг қиймати тўғрисида;

б) фойдаланишда бўлган, амортизацияси тўлиқ ҳисобланган асосий воситаларнинг қиймати тўғрисида;

в) мажбуриятлар бўйича кафолат сифатида гаровга берилган асосий воситаларга мулк ҳуқуқининг мавжудлиги ва чекланганлиги тўғрисида;

г) асосий воситаларни харид қилиш бўйича тўланмаган мажбуриятлар тўғрисида;

д) ҳисобот даври охиридаги тугалланмаган қурилиш қиймати тўғрисида;

е) давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида бўлган, фойдаланишга қабул қилинган ва ҳақиқатда фойдаланилаётган кўчмас мулк объектлари тўғрисида;

ж) мақсадли молиялаштириш ҳисобидан олинган асосий воситаларнинг қиймати, қолдиқ қиймати тўғрисида;

з) фойдаланишдан чиқарилган, бироқ кейинчалик уларни сотиш мақсадида асосий воситалар таркибида ҳисобда турган асосий воситаларнинг айрим турларининг ҳисобот даври охиридаги қиймати тўғрисида;

и) асосий воситаларни тиклашга доир харажатлар билан боғлиқ бўлган ҳисоб сиёсати тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 133-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоровий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1299, 2004 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 3-сон, 35-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 18 ноябрдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1299-1, 2014 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 50-сон, 598-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 64-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1299-2, 2016 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 36-сон, 420-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 12 июндаги 73-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1299-3, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 24-сон, 514-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 22 октябрдаги 134-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1299-4, 2018 йил 8 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2018 й., 10/18/1299-4/2173-сон).



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIЁT VA MOЛИЯ  
BAZIRINING  
BUYRUGI

**284** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3547*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
134-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 134-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш тизимининг бир қисми ҳисобланади.

2. Мазкур Стандарт бюджет, банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) томонидан номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартибини белгилайди.

3. Номоддий активларни ҳисобга олишнинг асосий жиҳатлари тан олиш пайтини белгилаш, баланс қийматини ва фойдали хизмат муддатини баҳолаш, амортизация ҳисоблаш усулларини белгилаш, баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш, шунингдек улар бўйича маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиб бериш тартиби ҳисобланади.

4. Мазкур Стандартнинг қоидалари қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

а) Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сонли БҲМС) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар»га (рўйхат рақами 3535, 2024 йил 25 июль) мувофиқ ҳисобга олинadиган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг харажатларига;

б) Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»га (рўйхат рақами 1946, 2009 йил 24 апрель) мувофиқ ҳисобга олинadиган ижара турлари;

в) келгуси давр харажатлари.

5. Мазкур Стандартда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**номоддий активлар** — ташкилот томонидан узоқ муддат мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун ушлаб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланadиган мол-мулк объектлари;

**амортизация** — фойдали хизмат муддати мобайнида номоддий активнинг амортизацияланadиган қийматини унинг вазифасидан келиб чиққан

ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига тизимли тақсимлаш ва киритиш;

**амортизацияланадиган қиймат** — кутилаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда активнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати суммаси;

**фойдали хизмат муддати** — ташкилот томонидан активдан фойдаланиш кўзда тутилган давр ёки ташкилот ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори;

**бошланғич қиймат** — номоддий активларни яратиш (ишлаб чиқиш) ёки сотиб олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қиймати (пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларининг суммаси ёхуд бошқа тўловларнинг жорий қиймати), шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар қиймати;

**тугатиш қиймати** — номоддий активнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда унинг фойдали хизмат муддати охирида активни тугатиш чоғида олиниши кутилаётган, активнинг тахмин қилинаётган (баҳоланган) суммаси;

**жорий қиймат** — маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича номоддий активларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, бир-биридан мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма;

**қолдиқ (баланс) қиймат** — номоддий актив молиявий ҳисоботда (бухгалтерия балансида) акс этириладиган қиймат ва у бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ва жамланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

**фаол бозор** — олди-сотди объектлари бир турда (бир хил) бўлган ва ҳар қандай вақтда битимни амалга оширишни хоҳловчи манфаатдор сотувчи ва харидорларни топиш мумкин бўлган, шунингдек нархлар ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлган бозор;

**мутлақ ҳуқуқ** — бу қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фақатгина ҳуқуқ эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан учинчи шахсга берилиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқ.

6. Активларни бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар сифатида тан олишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

моддий-ашёвий тузилишга эга бўлмаслиги;

активлардан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд ташкилотнинг маъмурий ва бошқа функциялари бажариш учун узоқ муддат (12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати) давомида фойдаланиши;

активларнинг қиймати бир бирлик (комплект) учун харид қилиш пайтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида эллик бараварини ташкил қилиши (ташкилот раҳбари номоддий ак-

тивлар сифатида ҳисобга олиш мақсадида ҳисобот даври учун активлар қийматининг камроқ чегарасини белгилашга ҳақли);

активлар кейинчалик қайта сотишга мўлжалланмаслиги;

ишончлилик, яъни ташкилотда активлар ва унга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатларнинг (патентлар, гувоҳномалар, патент, товар белгисини сотиб олиш шартномаси) мавжудлиги;

идентификация қилиш имконияти мавжудлиги.

7. Номоддий активлар қўйидаги мезонлардан бирига мувофиқ келса уларни идентификация қилиш имконияти мавжуд бўлади:

ажраладиган бўлса, яъни уни ташкилотдан ажратиш ёки бўлиш ва индивидуал тарзда ёки тегишли шартнома, актив ёки мажбурият билан бирга сотиш, ўтказиш, лицензиялаш, ижарага бериш ёки айирбошлаш мумкин бўлса; шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида келиб чиқадиган бўлса.

8. Ташкилот номоддий активлар билан боғлиқ келгусидаги иқтисодий наф олиш эҳтимоли фақатгина қўйидаги ҳолларда мавжуд бўлади:

активнинг ташкилотнинг келгусидаги иқтисодий нафини (даромадини) кўпайтириши исботланганда;

активнинг ташкилотнинг келгусидаги сарфларни камайтириши ёки ташкилот томонидан бундай активдан фойдаланилиши натижасида юзага келадиган бошқа нафларни олиб келиши исботланганда.

9. Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Номоддий активларнинг инвентарь объекти бўлиб патент, гувоҳнома ва шу кабилардан келиб чиқадиган жами ҳуқуқлар ҳисобланади. Бир инвентарь объекти бошқасидан ажратилишининг (идентификация қилинишининг) асосий белгиси бўлиб, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда мустақил вазифаларнинг бажарилиши ёхуд ташкилотнинг маъмурий ва бошқа функциялари учун ишлатилиши ҳисобланади.

Иккита ёки бир нечта ташкилот мулкида бўлган номоддий активлар объекти ҳар бир ташкилот томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда номоддий активлар таркибида акс эттирилади.

10. Номоддий активларга мазкур Стандартнинг 6-бандида келтирилган шартларнинг барчасига жавоб берувчи қўйидаги объектлар киритилиши мумкин:

патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳуқуқи;

муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи, шунингдек товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи;

ҳуқуқ эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;  
гудвилл;

табiiй ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар фойдаланиш ҳуқуқи;

ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи;

бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу кабилар).

11. Номоддий активлар таркибига ташкилот ходимларининг интеллектуал ва ишчанлик сифати, уларнинг малакаси ва меҳнатга қобилияти киритилмайди, чунки улар ўзларининг эгаларидан ажралмас ҳисобланади ва уларни ташкилотдан ажратиб фойдаланиш мумкин эмас.

Дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг (шу жумладан ўрнатилмаган) таркибий қисми ҳисобланса, у моддий актив аҳамиятига эга бўлган асосий восита билан бирга қаралади. Агар дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг таркибий қисми ҳисобланмаса ва мутлақ ҳуқуқ ташкилотга тегишли бўлса, у номоддий актив ҳисобланади.

### **2-боб. Номоддий активларнинг келиб тушиши**

12. Келиб тушадиган номоддий активларнинг қиймати ташкилот балансига киритилиши лозим.

13. Номоддий активлар қуйидагилар натижасида ташкилот балансига киритилади:

ишлаб чиқиш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш;

олди-сотди шартномаси бўйича объектни харид қилиш;

устав капиталига таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) улуши кўринишида келиб тушиш;

текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

давлат субсидиялари ҳисобига келиб тушиш;

айирбошлаш;

ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш ва бошқа асосларга кўра.

### **3-боб. Номоддий активларни дастлабки баҳолаш**

14. Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймати бўйича тан олинади ва улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади.

15. Харид қилинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

ҳуқуқдан воз кечиш (харид қилиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгасига (сотувчига) тўланган суммалар;

ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (харид қилиш) муноса-

бати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

божхона бождари ва йиғимлари;

номоддий активларни харид қилиш муносабати билан тўланадиган қопланмайдиган солиқлар ва йиғимлар суммалари;

номоддий активларни харид қилиш билан боғлиқ маълумот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

номоддий активлар воситачилар орқали харид қилинганда уларга тўланадиган ҳақлар;

номоддий активларни етказиб бериш (яратиш) рискинни суғурталаш бўйича харажатлар;

активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Харид қилинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар жумладан, аккредитив очиш бўйича харажатлар, ўтказмалар учун банкнинг воситачилик ҳақи, номоддий активларни чет эл валютасига харид қилишда валюта конвертацияси бўйича воситачилик ҳақи ва банкнинг бошқа хизматлари, ҳамда бошқа номоддий активларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олиниши керак.

Агар шартнома шартларида тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, унда мазкур номоддий активлар бухгалтерия ҳисобида кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашни ҳисобга олмаган ҳолдаги сотиб олиш қиймати бўйича қабул қилинади. Бунда сотиб олиш қиймати ва тўловнинг умумий суммаси ўртасида юзага келадиган фарқ кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври давомида жорий тўловнинг кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги салмоқидан келиб чиқиб молиявий харажатларга (фоизлар бўйича харажатларга) олиб борилади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарз капитали ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Номоддий активларни ишлаб чиқиш даврида уларни ишлаб чиқиш учун олинган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ишлаб чиқилган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилади.

16. Ташкилотнинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий активларнинг бошланғич қиймати илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (11-сонли БҲМС) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар»га (рўйхат рақами 3535, 2024 йил 25 июль) мувофиқ белгиланади.

17. Чет эл валютасида харид қилинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати Мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, сотиб олиш санасидаги чет эл валютасидаги

суммаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

18. Мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган харажатлар амалга оширилган тақдирда, ташкилот томонидан номоддий активлар объектлари устав капиталига улуш сифатида, текин ёки айирбошлаш асосида қабул қилинганда номоддий активнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига ошади.

19. Ташкилот устав капиталига улуш ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси асосида тан олинади.

20. Ташкилот томонидан бошқа шахслардан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) ёки давлат субсидияси ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати Мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, агарда жорий қиймат ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозорни ҳисобга олган ҳолда белгиланган бўлса, ишончли ҳисобланган жорий қиймат бўйича аниқланади. Ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг бошланғич қиймати номинал қиймат бўйича ёки агарда номоддий активни фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар мавжуд бўлса, уларнинг суммаси бўйича аниқланади.

21. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ (баланс) қийматига тенг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммаси ва берилган номоддий активнинг қолдиқ (баланс) қийматлари йиғиндисига тенг.

22. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай бўлмаган номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг жорий қийматига тенг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай бўлмаган номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари ва берилган номоддий активнинг жорий қийматлари йиғиндисига тенг.

23. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилмаган шартномалар бўйича олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган қимматликларнинг жорий қиймати тан олинади. Ташкилот томонидан берилган ёки берилмаган мавжуд қимматликларнинг жорий қиймати ташкилотнинг



таққослаш шарти билан шунга ўхшаш мавжуд қимматликлар жорий қийматини белгилайдиган нархлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ташкилот томонидан берилган ёки берилмаган мавжуд қимматликларнинг жорий қийматини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича ташкилот томонидан олинган номоддий активларнинг қиймати шунга ўхшаш номоддий активларнинг таққослаш шарти билан сотиб олинмаган жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

24. Битта умумий суммада харид қилинган номоддий активларнинг ҳар бирининг бошланғич қиймати ушбу суммани алоҳида номоддий активнинг жорий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш билан белгиланади.

25. Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур Стандартда белгиланган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолатларда ўзгартирилмайди.

26. Номоддий актив дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда жамғарилган амортизация айирилган ҳолда бошланғич қиймат бўйича ёки қайта баҳоланган қиймат (мумкин бўлган муқобил усул) бўйича акс эттирилади.

Номоддий активни дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда акс эттиришда қўлланиладиган усул мажбурий тартибда ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак.

#### **4-боб. Номоддий активларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар**

27. Номоддий активларнинг бошланғич қиймати дастлаб мўлжалланган келгусидаги иқтисодий нафни оширишга имкон берадиган, ушбу номоддий активларни такомиллаштириш ва уларнинг имкониятлари ва фойдали хизмат муддатини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига оширилади.

28. Ташкилот активнинг фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган кутилиши мумкин бўлган иқтисодий шароитлар ҳақидаги асосланган ва тасдиқланган тахминидан фойдаланган ҳолда келгусидаги иқтисодий наф олиш эҳтимолини баҳолайди.

#### **5-боб. Номоддий активларни қайта баҳолаш**

29. Номоддий активларни қайта баҳолаш — номоддий активларнинг баланс (қайта тиклаш) қийматини жорий бозор нархлари даражасига мувофиқлаштириш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

30. Ташкилот қайта баҳолашда жорий қийматни фаол бозор маълумотлари асосида аниқ белгилаши мумкин бўлган шартларда, қайта баҳолаш санасидаги жорий қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга ошириши мумкин.

Қайта баҳолашни баланс (қайта тиклаш) қиймати баланс ҳисоботини ту-

зиш санасидаги бозор қийматидан фарқ қилмаслиги учун мунтазам равишда амалга ошириш лозим.

Номоддий активни қайта баҳолашда ушбу қайта баҳоланаётган актив тааллуқли бўлган бир турдаги номоддий активларнинг барча гуруҳи қайта баҳоланиши керак, бундай активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда жорий (қайта тиклаш) қиймати бўйича акс эттирилади.

31. Номоддий активнинг жорий қийматини номоддий активнинг ушбу тури бўйича фаол бозор нархлари асосида белгилаш мумкин.

Агар илгари қайта баҳоланган номоддий активнинг жорий қийматини фаол бозор маълумотлари асосида аниқлаш мумкин бўлмаса, номоддий активнинг баланс қиймати жамланган амортизация чегирилган ҳолда фаол бозор маълумотлари асосида унинг охириги қайта баҳоланган санадаги қайта тиклаш қиймати бўйича аниқланади.

32. Номоддий активларни қайта баҳолашда жорий қийматни ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун ташкилотнинг ихтиёрига кўра қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

тайёрловчи фирмалар ва уларнинг расмий дилерлари ҳамда ваколатхоналаридан ёзма шаклда олинган худди шундай номоддий активга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва номоддий активларни харид қилиш санасига Марказий банк курсларининг нисбати сифатида аниқланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санаси бўйича номоддий активларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда);

қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётлар ва шу кабиларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

тегишли номоддий активнинг қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

33. Номоддий активларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматини қайта баҳолашда уларнинг қайта баҳолаш санасидаги жамғарилган амортизацияси номоддий активларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинчалик амортизацияни ҳисоблаш қайта баҳоланган (қайта тиклаш) қийматидан амалга оширилади. Қайта баҳолаш индекси номоддий активнинг жорий қийматини унинг бошланғич қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

34. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активларнинг баҳосини ўсиши суммаси резерв капитали таркибига 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағига олиб борилади.

Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар баҳосининг пасайиш суммаси аввалги ҳисобот даврларида ўтказилган ушбу объект баҳосининг ўсиш суммаси чегарасида 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи бўйича резерв капиталини камайтиришга олиб

борилади. Объект баҳосининг пасайиш суммасининг унинг баҳосини ўсиши суммасидан юқориси бошқа операцион харажатларга олиб борилади.

35. Номоддий активларнинг қайта баҳолаш натижалари номоддий активларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий даврда молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

### **6-боб. Харажатларни акс эттириш**

36. Номоддий активни харид қилиш ёки яратишга (ишлаб чиқаришга) тааллуқли бўлган, номоддий актив таърифини қаноатлантирмайдиган ёки ушбу Стандартнинг 6-бандида кўрсатилган шартларга жавоб бермайдиган харажатлар юзага келган ҳисобот даврида харажат сифатида акс эттирилади.

37. Номоддий активларга тааллуқли бўлган, дастлаб давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатлар кейинги даврларда актив сифатида акс эттирилмайди.

38. Номоддий активларни фойдаланиш учун яроқли ҳолатда тутиб туриш ва улардан фойдаланишдан келгусидаги иқтисодий нафнинг дастлаб белгиланган миқдорини сақлаб қолиш учун амалга ошириладиган харажатлар ҳисобот даври харажатлари таркибига киритилади.

39. Номоддий активлар билан боғлиқ кейинги харажатлар амалга оширилган ҳисобот даврининг харажатлари сифатида тан олинади, агарда:

бу харажатлар активларга бевосита алоқадор келгусидаги иқтисодий нафни кўпайтириш имконини бермаса;

бу харажатларни ўлчаш ва уларни маълум бир активга тегишлилигини юқори даражада аниқлаш имкони бўлмаса.

Ушбу шартларга риоя этилган ҳолда номоддий актив билан боғлиқ кейинги харажатлар унинг баланс қийматига киритилмайди.

### **7-боб. Амортизацияни ҳисоблаш**

40. Номоддий активларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан қопланади. Амортизацияланадиган қиймат фойдали хизмат муддати мобайнида ташкилот харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида тизимли равишда тақсимланади.

41. Номоддий актив бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект номоддий активлар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қоплангунга ёхуд бу объектни балансдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

42. Номоддий актив бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қопланган ёки бу объект балансдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасида тўхтатилади.

43. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тўхтатилмайди, номоддий активдан фойдаланишда бевосита ва билвосита чекловлар (масалан, асосий воситалар ва бошқа ак-

тивларни консервациялаш, реконструкция, модернизация қилиш) мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

44. Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги ташкилотнинг фаолияти натижаларидан қатъий назар амалга оширилади ва у тегишли бўлган ҳисобот даврининг молиявий ҳисоботларда акс эттирилади.

45. Номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация суммалари алоҳида ҳисобварақларда тегишли суммаларни жамғариш йўли билан молиявий ҳисоботларда акс эттирилади.

46. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашда қуйидаги омилларни эътиборга олинади:

а) номоддий активнинг қутилаётган фойдали хизмат муддати;

б) ишлаб чиқаришни ўзгартириш ва яхшилаш натижасида ёки мазкур актив томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга (ишларга, хизматларга) нисбатан бозор талабларининг ўзгариши натижасида техник эскириши;

в) активдан фойдаланишдаги юридик ва бошқа чекловлар (масалан, фойдали хизмат муддатининг тугаши билан боғлиқ бўлган чекловлар).

47. Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати ташкилот томонидан номоддий актив бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш чоғида белгиланади.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини белгилаш қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

а) патент, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ номоддий активлардан фойдаланиш муддати бўйича бошқа чекловлар;

б) ташкилот иқтисодий наф (даромад) олиши мумкин бўлган даврда ушбу объектдан фойдаланиш кўзда тутилаётган муддат.

Номоддий активларнинг алоҳида гуруҳлари учун фойдали хизмат муддати ушбу номоддий активдан фойдаланиш натижасида олиниши қутилаётган маҳсулотлар миқдори ёки ишлар ҳажмининг бошқа натура кўринишидаги кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари меъёри беш йил ҳисобида белгиланади. Ушбу номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, номоддий актив фойдаланишга тайёр бўлган пайтдан бошлаб ташкилотнинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаслиги лозим.

48. Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

а) Амортизацияни ҳисоблашнинг бир маромли (тўғри чизиқли) усули:

амортизацияни ҳисоблашнинг бир маромли (тўғри чизиқли) усулида амортизация ажратмалари номоддий активларни фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда бир маромда, тенг улушларда ҳисобланади;

амортизацияни ҳисоблашнинг бир маромли (тўғри чизиқли) усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ушбу номоддий активнинг

амортизацияланадиган қиймати ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули:

амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилда номоддий активдан фойдаланишдан олинadиган маҳсулотларни ҳисобга олишга асосланган;

мазкур усул бўйича амортизациянинг ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун бутун фойдали хизмат муддатидаги умумий баҳоланган ишлаб чиқариш қуввати йиғиндисини ва мазкур муайян йилдаги ишлаб чиқариш қуввати аниқлаш лозим. Ишлаб чиқариш қуввати сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони ва бошқалар олиниши мумкин.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натура кўришидаги кўрсаткичидан ҳамда амортизацияланадиган қийматнинг номоддий актив бутун фойдали хизмат муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

49. Номоддий активлардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида номоддий активлар амортизацияси қўйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади:

икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули; йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул).

50. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулига кўра амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот йили бошидаги номоддий активнинг қолдиқ (баланс) қийматидан ва мазкур номоддий активнинг фойдали хизмат муддатидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизациянинг икки баравар меъёридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича амортизацияни ҳисоблашда кутилаётган тугатиш қиймати бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан чегирилмайди.

51. Йиллар йиғиндиси усулига (кумулятив усулга) кўра ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматдаги улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари йиғиндисига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар йиғиндиси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси номоддий активнинг тугатиш қиймати айирилган ҳолда бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан ҳамда суратида номоддий активнинг фойдали хизмат муддатининг охирига қадар қоладиган йиллар сони, маҳражида эса номоддий активнинг фойдали хизмат муддати йиллари сони йиғиндисининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

52. Ҳисобот йили давомида номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари ҳисоблашда қўлланиладиган усулидан қатъий назар (амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари) йиллик сумманинг ойлик нисбатида ҳисобланади.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш ташкилотларида фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ташкилот томонидан номоддий активлардан фойдаланиш даври мобайнида бир маромда ҳисобот йилида ҳисобланади.

53. Номоддий активларнинг ҳар хил турларига (гуруҳларига) нисбатан амортизацияни ҳисоблашнинг турли усуллари қўллаш мумкин. Бунда бир турдаги номоддий активлар бўйича (гуруҳи, тури ва бошқалар бўйича) фақат битта усул қўлланилади.

54. Қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули ва номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш мумкинлиги ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилиши керак.

55. Агар номоддий активлардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий нафда сезиларли даражада ўзгариш юз берса, амортизация ҳисоблаш усули, агар юзага келган ҳолатлар амортизация ҳисоблаш усулининг ўзгартирилиш асослилигини кўрсатса, амортизация ҳисоблаш усули ўзгараётган тенденцияни акс эттирадиган тарзда ўзгартирилиши мумкин. Бундай ўзгариш ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бунда молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида мазкур ўзгариш сабаблари ва уларнинг иқтисодий самараси очиб берилиши зарур.

56. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади, агар:

келгуси даврда активнинг фойдали хизмат муддатининг ўзгариши ёки келгусидаги иқтисодий фойдани олиш шартларининг ўзгариши кутилаётган бўлса (номоддий активларни яхшилашга ва мос равишда, уларнинг фойдали хизмат муддатини ошишига ёки қисқаришига олиб келадиган харажатларни ҳисобга олган ҳолда);

прогноزلар дастлабки баҳолардан сезиларли даражада фарқ қилса (бунда, ҳисобот ва келгуси даврлар учун амортизация суммасини кўпайтириш ёки камайтириш талаб этилади).

Номоддий активнинг амортизацияси ўзгартирилган ойдан кейинги ойдан бошлаб янги амортизация ҳисоблаш усули ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

57. Номоддий активларнинг амортизацияланадиган қийматини ҳисоблашда уларнинг тугатиш қиймати ҳисобга олинади. Тугатиш қиймати муҳим бўлмаган тақдирда, у амортизацияланадиган қийматни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар тугатиш қиймати аҳамиятга эга бўлса, у номоддий активлар харид қилинган санада ёки уларни қайта баҳолаш санасида аниқланади. Тугатиш қиймати номоддий активларнинг хизмат муддати охирида тугатиш бўйича кутилаётган харажатларга камайтирилиши лозим.

58. Номоддий активнинг тугатиш қиймати қуйидаги ҳолларда нолга тенг деб ҳисобланади:



а) кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида учинчи тараф билан уни сотиб олиш ҳақидаги битим мавжуд бўлмаса;

б) номоддий активнинг тугатиш қиймати фаол бозор маълумотлари асосида ишончли баҳолаш учун фаол бозор йўқлиги ҳамда номоддий активнинг кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида бундай бозорнинг мавжуд бўлиш эҳтимоли йўқлиги.

### **8-боб. Номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ операциялар ҳисоби**

59. Номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ операциялар ҳуқуқ эгаси ва фойдаланувчи ўртасида тузилган, ташкилотга номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган (масалан, ҳуқуқ эгаси томонидан ташкилотга товар белгисидан муайян муддат мобайнида, маълум ҳудудда фойдаланиш ҳуқуқи, маҳсулотлар ишлаб чиқариш автоматлаштирилган бошқарувининг технологик дастуридан фойдаланиш ҳуқуқи, саноат намуналаридан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларнинг берилиши) лицензия шартномалари (мутлақ, номутлақ, очиқ лицензия), муаллифлик (фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш мутлақ, номутлақ ҳуқуқини бериш тўғрисидаги) шартномалари, тижорат концессия шартномалари ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ тузилган бошқа шунга ўхшаш шартномалар асосида бухгалтерия ҳисобида тан олинади.

60. Мулк ҳуқуқига эга ташкилот томонидан номоддий активларга бўлган мутлақ ҳуқуқ сақлаб қолинган ҳолда, бошқа ташкилотга фойдаланишга берилган номоддий активлар баланسدан чиқарилмайди, балки мулк ҳуқуқига эга ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида мазкур Стандартнинг 3-бобдаги қоидаларга мувофиқ акс эттирилади.

Фойдаланишга берилган номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш мулк ҳуқуқига эга ташкилот томонидан амалга оширилади.

61. Фойдаланишга олинган номоддий активлар фойдаланувчи ташкилот томонидан шартномага киритилган баҳода баланسدан ташқари ҳисобварақда ҳисобга олинади.

Бунда тақдим этилган номоддий активлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун шартномада белгиланган тартиб ва муддатда ҳисобланадиган ва тўланадиган муаллифлик ҳақини қўшган ҳолда, даврий тўловлар кўринишида амалга ошириладиган тўловлар фойдаланувчи ташкилот томонидан ҳисобот даври харажатларига киритилади, тақдим этилган номоддий активлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун қатъий бир марталик кўринишда амалга ошириладиган тўловлар эса фойдаланувчи ташкилот томонидан келгуси давр харажатлари сифатида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида тегишли ҳисобот даври харажатларига ҳисобдан чиқарилади.

### **9-боб. Гудвилл ҳисобининг хусусиятлари**

62. Ташкилотнинг бозор қиймати ташкилот томонидан келгусида олиниш



эҳтимоли мавжуд бўлган иқтисодий нафнинг бозор баҳосини кўрсатади. Исталган пайтда ташкилотнинг бозор қиймати билан идентификация қилинадиган активларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ ўз ичига ташкилотнинг қийматига таъсир этувчи бир қатор омилларни олиши мумкин. Бироқ бундай фарқ ушбу пайтда ташкилот назорат қилаётган аниқ активларнинг қиймати-ни ифодаламайди.

63. Ташкилотнинг ўзи яратган гудвилл актив сифатида акс эттирилмаслиги керак, чунки у ташкилотни сотиб олиш пайтида харид қиймати билан мазкур ташкилотни ташкил қилувчи активларнинг соф қиймати ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади.

64. Харид қилинган гудвиллнинг миқдори ҳисоб-китоб қилиш йўли билан, харид қилинаётган ташкилотнинг харид қиймати билан уни харид қилиш санасидаги ташкилот соф активларининг бозор қиймати (барча мажбуриятлар суммаси айирилган ҳолда активларнинг бозор қиймати) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

65. Гудвилл суммасига харидор томонидан келгусидаги иқтисодий наф олиш мақсадида бериладиган қўшимча тўлов сифатида қаралади ва алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобга олинади.

Манфий гудвилл суммасини стабил харидорлар мавжудлиги омили, сифат репутацияси, маркетинг ва сотиш қобилияти, иш юзасидан алоқалар, бошқариш тажрибаси, ходимлар малака даражаси ва шу кабилар бўлмаган тақдирда, харидорга тақдим этиладиган нархдан чегирма сифатида кўриш ва муддати кечиктирилган даромадлар (келгуси давр даромадлари) сифатида ҳисобга олиш лозим.

66. Гудвилл бўйича амортизация ажратмалари унинг фойдали хизмат муддати мобайнида бошланғич қийматини камайтириш йўли билан бухгалтерия ҳисобида тан олинади.

Гудвиллнинг фойдали хизмат муддати дастлаб тан олинган пайтдан бошлаб йигирма йилдан ошмаслиги керак (ташкилотнинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошиб кетмаслиги лозим).

Гудвилл бўйича амортизация ажратмалари мазкур Стандартнинг 7-бобида назарда тутилган тартибда ва усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботда гудвиллнинг қиймати тегишли ҳисобот даврида амалга оширилган ҳисобдан чиқаришларни чегирган ҳолда баланс қийматида акс эттирилади.

Манфий гудвилл суммаси сотиб олинган амортизацияланадиган алоҳида активларнинг фойдали хизмат муддатларнинг ўртачаси мобайнида тизимли равишда ташкилотнинг молиявий натижаларга асосий фаолиятдан бошқа даромадлар сифатида киритилади.

### **10-боб. Номоддий активларнинг чиқиб кетиши**

67. Чиқиб кетаётган номоддий активларнинг қиймати балансдан чиқарилади. Номоддий активлар қуйидагилар натижасида ташкилот балансдан чиқарилади:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) текинга бериш;
- д) устав капиталига таъсисчи ҳиссаси сифатида бериш;
- е) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши чоғида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш;
- ж) камомад ёки йўқотишлар аниқланиши;

68. Номоддий активларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) номоддий активларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини, номоддий активларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган билвосита солиқлар ва харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Номоддий активлар баланسدан чиқарилганда молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда олдинги қайта баҳолашлардан ҳосил бўлган номоддий активларни баҳоси ўсиш суммасининг қолдиғи 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитига киритилади ҳамда 8510 «Узоқ муддатли активлар қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи бўйича резерв капитал камайтиради.

### **11-боб. Номоддий активларни инвентаризациядан ўтказиш**

69. Ташкилотларнинг номоддий активлардан фойдаланишга доир ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг ҳақиқатда мавжудлигини, балансда номоддий активларни тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлигини аниқлаш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан, бироқ икки йилда камида бир марта номоддий активларни инвентаризациядан ўтказилади.

70. Номоддий активларнинг инвентаризацияси Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»да (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

71. Инвентаризацияда аниқланган ортиқча номоддий активлар бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади. Инвентаризация вақтида камомад факти аниқланган етишмаётган номоддий активлар айбдор шахслар аниқлангунга қадар камомадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақда акс эттирилади.

### **12-боб. Маълумотни ёритиб бериш**

72. Номоддий активлар ва уларнинг алоҳида гуруҳларига нисбатан қабул қилинган ҳисоб сиёсати бўйича қуйидагилар молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши керак:

ташкилот томонидан номоддий активларнинг (алоҳида гуруҳлари бўйича) фойдали хизмат муддатлари;

номоддий активларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари;

ташкilotда мавжуд бўлган барча номоддий активларнинг ҳисобот даври боши ва охиридаги умумий баланс қиймати ва жамғарилган амортизация суммаси;

келиб тушиши, чиқиб кетиши ва бошқа ҳаракатлари натижасида ҳисобот даври боши ва охирида номоддий активларнинг баланс қийматидаги ўзгаришлар;

ташкilotнинг ўзи томонидан яратилган номоддий активларнинг баланс қиймати.

73. Молиявий ҳисоботларга изоҳларда қуйидагилар ҳам ёритиб берилиши керак:

баланс қиймати ташкilotнинг молиявий ҳисобот учун муҳим ҳисобланган номоддий активларнинг тавсифи, баланс қиймати ва қолган амортизация даври;

эгаллик қилиш ҳуқуқида чекловлар мавжуд бўлган номоддий активларнинг умумий баланс қиймати, шунингдек мажбуриятлар бўйича кафолат сифатида берилган номоддий активларнинг умумий қиймати;

амортизация ҳисобланмайдиган номоддий активларнинг тавсифи ва баланс қиймати ҳамда амортизация ҳисобланмаслиги сабаблари.

74. Ташкilot молиявий ҳисоботларга изоҳларда қуйидагиларни қисқача ёритиб бериши керак:

молиявий ҳисобот тузилиши санасига номоддий актив деб тан олинган мезонларига жавоб берадиган, бироқ аввалги ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган аҳамиятли номоддий активлар;

келгусида иқтисодий наф олинган кутилаётган номоддий активларни яратиш ёки яхшилашга йўналтирилган фаолият турлари;

75. Қуйидаги маълумотлар номоддий активлар қайта баҳоланган ҳолларда молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши лозим:

жорий қийматни аниқлаш учун асос;

қайта баҳолаш амалга оширилган сана;

жорий қийматини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активларнинг баланс қийматлари ҳамда қайта баҳолаш имкони мавжуд эмаслигига сабаблар.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 134-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»ни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1485, 2005 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 188-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 21 январдаги 7-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сон БҲМС) «Номоддий активлар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1485-1, 2009 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 8-сон, 79-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 17 майдаги 51-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1485-2, 2013 йил 22 май ) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 21-сон, 277-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 66-сон «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1485-3, 2016 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 36-сон, 422-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 12 июндаги 74-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (7-сон БҲМС) «Номоддий активлар»ни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1485-4, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 24-сон, 515-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil 18-iyuldagi 212-son “Ўзбекистон Республикаси Favqulodda vaziyatlar vazirligi tizimiga kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to'g'risidagi nizomning 6-bandini o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida”gi buyrug'i.

***2024-yil 5-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3424-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 132-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2-сонли БХМС) “Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар”-ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

***2024 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3542.***

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 144-сон “Номоддий активларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

***2024 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3543.***

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 июлдаги 18-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

***2024 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3365-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 130-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БХМС) “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

***2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3544.***

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 29 июлдаги 17-мх-сон “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва

нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

**2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3545.**

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 1 августдаги 412-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича Ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги буйруғи.

**2024 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3374-1.**

8. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2024-yil 8-iyuldagi 268-mh-son va Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2024-yil 1-iyuldagi 20-son “Pochta aloqasi operatorlari, provayderlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizمنى moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 9-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3061-5.**

9. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 133-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2024 йил 9 август рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3546.**

10. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 134-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) “Номоддий активлар”ни тасдиқлаш ҳақида”-ги буйруғи.

**2024 йил 9 август рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3547.**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 20 августда 41-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2-сон БҲМС) “Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар” (рўйхат рақами 483, 1998 йил 26 август).

**2024 йил 5 августда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 декабрда 105-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1539, 2006 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1539-1, 2013 йил 18 июнь), (рўйхат рақами 1539-2, 2016 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1539-3, 2017 йил 16 июнь), (рўйхат рақами 1539-4, 2019 йил 6 март).

***2024 йил 5 августда давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-17/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 474-1, 2012 йил 5 октябрь).

***2024 йил 6 августда давлат реестридан чиқарилди.***

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августда 43-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (3-сонли БҲМС) “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (рўйхат рақами 484, 1998 йил 26 август).

***2024 йил 6 августда давлат реестридан чиқарилди.***

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 12 мартдаги 45-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (15-сон БҲМС) “Бухгалтерия баланси»ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1226, 2003 йил 20 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1226-1, 2017 йил 16 июнь).

***2024 йил 6 августда давлат реестридан чиқарилди.***

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 1 мартдаги 36-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (14-сон БҲМС) “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1335, 2004 йил 7 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1335-1, 2017 йил 16 июнь).

***2024 йил 6 августда давлат реестридан чиқарилди.***

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 25-мх-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3344, 2021 йил 28 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3344-1, 2022 йил 7 июнь).

***2024 йил 6 августда давлат реестридан чиқарилди.***

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар»ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1299, 2004 йил 20 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1299-1, 2014 йил 9 декабрь), (рўйхат рақами 1299-2, 2016 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1299-3, 2017 йил 16 июнь), (рўйхат рақами 1299-4, 2018 йил 8 ноябрь).

***2024 йил 9 августда давлат реестридан чиқарилди.***

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) “Номоддий активлар”ни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғри-



сида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1485, 2005 йил 27 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1485-1, 2009 йил 14 февраль), (рўйхат рақами 1485-2, 2013 йил 22 май), (рўйхат рақами 1485-3, 2016 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1485-4, 2017 йил 16 июнь).

*2024 йил 9 августда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**